

СИРОЖИДДИН САЙЙИД



СИРОЖИДДИН САЙЙИД

СҮЗ ЙҮЛИ

Икки жилдлик танланган асарлар

1-жилд

«ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2008

№ 35296
11394

Сайид, Сирожиддин


Сўз йўли: Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд.—
Т.: «Шарқ», 2008. — 384 б.

Сўз йўли. Васлу хижрон, дийдору айрилик, соринчу севинч йўли.
Найсон ёмғирларидан кўкариб, барг ва куртак ёзмоқ, ер билан осмон
аро шеър ва қўнгил кўйида бир умр тўкилмоқ, тўкилмоқ, тўкилиб
бормоқ. Кўкламларда сарғаймоқ, заъфарон куз чорлари яна кўкармоқ,
ҳаёт дарахтининг пойига барглардай шовуллаб тўкилмоқ, тўкилиб бормоқ.

Узбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайид ўзининг икки жилдлик
танланган асарларига «Сўз йўли» деб бежиз ном қўймаган. Бу —
бехаловат шоиримизнинг қалб йўли, сўз ва шеър кўйида торттан ранжу
захматларининг йўлидир. «Сўқмогнингда мен бир эпкин ё бир
насимман, Япроқ сенинг, ҳас бўлсан гар сенинг хасингман» дейди
шоир. Демак, шоирнинг Сўз йўли бу — Ватанга муҳаббат, тирикликка
ошику ошуфталик, севги ва садоқат йўлидир.

Мазкур биринчи жилдга Сирожиддин Сайиднинг 1975—2004
йилларда ёзган шеърларидан намуналар, шунингдек, «Тўполондарё билан
хайрлашув» ва «Баҳор Сурхондан бошлинар» номли достонлари
киритилди.

ISBN 978-9943-00-337-8



ББК 84(5Ў)6

МЕНИНГ ШОИРЛИГИМ

(Манзума)

Менинг шоирлигим, дўсту ёронлар,
Ёзилмиш манглайимга бир замонлар.

Туғилмиш у гаройиб паллалардан,
Онам бошимда айтган аллалардан.

Бешикдан сўз қидирган кўзларимдир,
Лабимда оқ сути — илк сўзларимдир.

Отамнинг бовда ҳар пайванд нихоли,
Менинг таъбимни бир дилбанд нихоли.

Заминнинг супрасида бор замирим,
Фалак кайвониси қормиш хамирим.

Менинг шоирлигим — дашту адирлар,
Қуёшу ой анга ёпмиш патирлар.

Яралмишdir кийиклар ишвасидан
Ва жайрон жилғаларнинг жилвасидан.

Мисоли лоладир — конлиғ ва жозиб,
Тубинда дори ҳам ғоят ажойиб.

Менинг ярми хазонлир қўкламимдир,
Бу жисмим ҳам умрбод тўпламимдир.

Дилим тўрғай сабоги бирла чиқмиш,
Тилим буғдой бошоги бирла чиқмиш.

Менинг шоирлигим — чархи замондир,
Ярим дон бўлса, ярмиси сомондир.

Қачонким ёрни зулфига илиндим,
Ушал ондин тилиндим мен, тилиндим.

Қаро холин жафоси бунчалар кўп,
Шунинг-чун кўнглима кўп нукталар кўп.

Менинг шоирлигим — ранжу риёзат,
Ибодат ҳам адо бўлмас зиёрат.

Мухаббат оламидан бир хабардир,
Мухаббат мулкига оғир сафардир.

Суйиб, чок-чокларимдан ҳам сўкилдим,
Тўкилдим мен, шу йўлларда тўкилдим.

Үтиб кетган баҳорим ё дамимдир,
Ўзимнинг ёшлигимга мотамимдир.

Бу — очиқ бир бино, маҳзун иморат,
Видо ҳам айрилиқлардан иборат.

Менинг хижронларим — пушмонларимдир,
Бу шеърлар дўст билан душманларимдир.

Юрак-бағримга ҳам қилмай вафолар,
Хазин жонимга келтиридим жафолар.

Бу мунглур қуш билан йиллар кечирдим,
Дилимнинг қонидан селлар ичирдим.

Унинг мен бирла бир жанжаллари бор,
Юрак-бағрим аро чангаллари бор.

Менинг шоирлигим — дарду балодир,
Мени ўтдин олиб, ўтга солодир.

Қуюнлар ичра ўсган бир қизил гул,
Кийиб кетсам, кўкаргай сўз бўлиб кул.

Танамда бир умрлик яктагимдир,
Умрбод мен тутатмас мактабимдир.

Бу гулфом майни қай кунким симиредим,
Қоронғу кечаларда сўз кемирдим.

Бунинг оти тириклик ҳам ҳаётдир,
Тутанмас заҳмату сабру саботдир.

Адо қилдим кўзида ёшларини,
Оқартирдим онамнинг соchlарини.

Дилида кимниким бир дарди бордир,
Түғишгандир менга, у менга ёрдир.

Ажинлардан кимингким хатлари бор,
Менинг қалбимда ҳам дастхатлари бор.

Ким ўтган Яссавий бобомдан олдин?
Эйёу завқни шу бобомдан олдим.

Ўзим тупроқману пиrim — самовий,
Менинг дорилфунунимдир Навоий.

Бу уммон уэра мен бир мисли хасман,
Ҳавасман, бор-йўти мавжи ҳавасман.

Менинг шоирлигим — рўйи жаҳондир,
Ҳироту Кўнё ҳам Андижондир.

Тамоми Термизийлардан таним бор,
Насафлардан нафаслар олганим бор.

Улуғвор Оқсаройлар уэра ойим,
Бу янглиғ фахр бермишдир Ҳудойим.

Мени зор андалиб қилди бу соҳир,
Ўзи шоҳу жаҳонда лек мусофири —

Мұхаммад Бобурим чеккан аламдир,
Менинг оламда саргардон боламдир.

Буюк Боборахим Машраб тупуги,
Улардим бахтли — тегса бир қўпиги.

Мұхаббат сингари мангу, давомий,
Бу осмонлар, тикилсам — бунча мовий...

Улуғлар хокини кўзларга суртдим,
Ватандай мухташам сўзларга суртдим.

Буларсиз ҳеч менинг шеърим тугалмас,
Булар бордир — менинг шеърим тутанмас.

Унинг қўрғони — юз минг жон ва тандин,
Ватандин бошланиб биттай Ватандин.

Каросочу қарокўзу қаламқош,
Тили минг ёшдаю лекин дили ёш.

Баҳорий ҳандалақдан бир тилимдай,
Унинг ҳар шеваси — бир севгилимдай.

Булар бари қарогим, кўзларимдир,
Менинг офтобда ўсган сўзларимдир.

Неча бир мустабид давру замонлар
Қаёндин келдию кетди қаёнлар?

Жаҳонга ўз сўзимни айтдим охир,
Яна мен ўэлигимга қайтдим охир.

Сиражиддин Сайын

Дилим ҳар бир дараҳт, боғ бирла ўси,
Шу эл бирлан, шу тупроқ бирла ўси.

Менинг хоксор элим, офтобпастим,
Жаҳонда бор әкан-ку қадду бастим.

Жаҳолат бирла кўп носозлигимдир,
Менинг шоирлигим — озодлигимдир.

Она юртим, менинг жону жаҳоним,
Ўзингдирсан, ўзингсан, онажоним.

2006

**ИЛК ОГРИФИМ,
ИЛК ЁМГИРИМ...**

Сирожиддин Сайид



1975 й.

* * *

Сен маъсуд дунёнинг борини
Үйладинг. Яшадинг. Уткардинг.
Бердинг қорачиқлар умрини,
Тунларни киприкда кўтардинг.
Фарзандлар кетдилар ҳар тараф,
Сокин қолди уйинг — англадинг.
Софиндинг, соғинч-ла йўл қараб
Бир вужуд соғинчга айландинг.
Ҳаёт остонасин босмагай хазон,
Тириклик тоҳ тупроқ,
Гоҳ осмонийдир.
Саломлар абаддир, онажон,
Видолар фонийдир, фонийдир.

1979

ЭСКИ УЙ

Ўтган юиллар ҳидин соғиниб,
Манзилларда бўлиб ўткинчи.
Оғушингта келдим толиқиб
Мен йўлларда адашган йўлчи.
Чакинлардай ўтган болалик
Энди бунда кўтармас сурон.

Мен бир пайлар тебранған бешік
 Суқунатда олмокда ором.
 Энди бунда янграмас алла —
 Танглайимни күттарған құшиқ.
 У дамларни құмсадим яна
 Деворингга ҳорғын бош қўйиб.
 Болалик ҳам кетмиш раҳм қилмай,
 Иллар сени ҳароб этибди.
 Сени, боланг ташлаб кеттандай
 Болалигинг ташлаб кетибди.

1975

* * *

Кунда Жувоз тоғларида¹ уйғонади айиқлар,
 Уйғонади какликлар,
 Пайдо бўлар охулар.
 Табиатнинг унутилган лугат китоби каби
 Уйғонади
 Кунда Жувоз тоғларида бобомнинг боғи.
 Бу бор ичра уйғонади бобомнинг кўзи янглиғ,
 Икки уйғоқ кўзи янглиғ бир жуфт булоғи.
 Кунда Жувоз тоғларида уйғонади айиқлар,
 Уйғонади какликлар,

¹ Ҳисор тоғларида, Нижондара, Тўполондаре бўйндаги қўшилақ,

Пайдо бўлар охулар.
Хар тонг ҳаёт тимсолидай —
Бобом борига келиб,
Бобомнинг жуфт булогидан сув ичиб кетар улар.

1975

БОЛАЛИК ДАРАХТИ

Менинг дарахтимни кесманг, отажон,
Кўйинг, гуллар очсин маъсум соринчим.
Кўйинг, барглар ёэсин,
Тугсин мевалар,
Бу дарахт — севинчим,
Менинг овунчим.

Менинг дарахтимни кесманг, отажон.
Барча айб мендадир,
Бу дарахт нечун?
Одобсиэлик қилганим-чун,
Ёдингиздами —
Адабимни бергандингиз бир хипчин билан,
Бу дарахт — ўша хипчин.

Аlam қилгандайин гўё шу куни
Ерга қадагандим мен уни.
Пахса деворларни кўп қорлар босди,

Корлардан сўнг эса баҳорлар босди.
Бу нихол кўкарди,
Бўй чўэди, ўсди.
Куртакдай кўнглимни бузманг, отажон,
Менинг дарахтимни кесманг, отажон.

Мен хам одам бўларман бир кун,
Шу дарахт сингари япроқлар ёзиб,
Гуллаб, завққа тўларман бир кун.
Кеттгай дилингизнинг оғриқ доғлари,
Яшнаб шовууллагай умр боғлари.
Гарчи кичикдирман жисман, отажон,
Хаётни тушундим кисман, отажон.
Менинг дарахтимни кесманг, отажон,
Қўйинг, болалигим кесманг, отажон!

1976

БОЛАЛИК

Бир шаҳрим бор эди менинг, дўстларим,
Шаҳримнинг бор эди тиниқ осмони,
Тиниқ осмонида қолди кўзларим,
Кўзларимда қолди маъюс армоним.

Дўстларим, бир шаҳрим бор эди менинг,
Шаҳримнинг чанг эди кўча-кўйлари.

Сүз шум

Кўча-кўйларида ўшал шаҳримнинг
Кайтмас бир фаслнинг қолди бўйлари.


Дўстларим, бор эди менинг бир шаҳрим,
Бир парча ўтлоги бор эди — яшил.
Бир парча ўтлоги ичра бир даврим,
Яшил даврим қолди, дўстларим, ахир!

Чўкиб кетаётган менмасмидим у,
Ким олиб чиқарди мени дарёдан?
Бир дарём бор эди, дўстлар, қани у?
Дўстлар, мен топмадим уни дунёдан.

Менинг бир дарахтим бор эди, дўстлар.
Хазонлар қоплабди теграларини.
Кўзёшга коришиб етилган сўзлар,
Дўстлар, у дарахтнинг меналарими?

1976

* * *



Самолётлар учди. Учдилар йиллар.
Поездлар, шаҳарлар қилдилар парвоз.
Дарахтлар учдилар, учди кенгликлар,
Учди неча баҳор. Учди неча ёз.

Учди масофалар олиб васлингни,
Ер ~~хам~~ парвоз этди, учди беармон.
Сен севги аталган гулгун фаслингни
Ўтли тезликлардан сақладинг омон.

Йиллар осмонида учдик, севгилим,
Етмоқ-чун манзилга — бир-биримизга.
Булутлар бағрини ёриб чиқдик жим,
Бизлар учиб кирдик тақдиримизга.

Биз тиндик. Қалб сенга кўксини тутди,
Сочингга кўмилиб яшар бармоқлар.
Ўн тўккиз ёшимни кўчалар ютди,
Ўн саккиз ёшингни кўмди сўқмоқлар.

Шахарлар биз учун учмагай энди,
Поездлар биз учун боғламас қанот.
Бизни ўзимизга қолдириб, тинди
Йиллар осмонида бизнинг самолёт.

Бу ёғи... қанотнинг кераги йўқдир,
Бу ёғи жимгина ёнгувчи олов.
Севгилим, олдинда неки манзил бор,
Юракларнинг ўзи етказар яёв.

1977

БОЛАЛИК БАЛЛАДАСИ

Бошлари кесилган аждоҳоларнинг,
Бир кўзли девларнинг жасадларини
Яланг оёқларим билан босиб
Мен эртакдан чиқдим.

Сирли ўрмон эди эртаклар, унда
Карғалар дўппимни олиб қочдилар.
Қўлдаги кулчамни тулкилар еди,
Ялмоғизлар минди велосипедимни.

Новдаларда бойқушлардек ўтириб олган
Ялмоғизлар тиззаларига
Қўлларини уриб, мени кузатдилар
Кирқта қароқчининг торига томон.

Сўнгра коровуллик қилдим қароқчиларнинг
Ўирлатан олтинлари, хуржуналарига.
Аммо кирқ биринчи қароқчи бўлиб
Уларнинг сафига қўшилмадим мен.

Бир кун келтиришди бир қизни,
Тайинлашди:
«Агар қочса бошинг кетади.
Биз тезда қайтамиз».
Кетишди.

... Кочганимиз ёдимда фақат,
У кизнинг кўзлари, юзи унутдир,
Исин ҳам, исмин ҳам билмайман.
«ИЛ-18» номли темир Семурғда
Учиб кетдим кейин. Эртак — унутдир.
Кизни кутқарганим ёдимда фақат.

1978

СОФИНЧ

Хатлар ёзdim: «Бормисан, сингил,
Дараҳтларим менинг омонми?
Мен омонман, танимоқдаман
Гоҳи баланд, гоҳ паст инсонни».

Хатлар ёздинг: «Бормисан, ака,
Келгунингча етадими пул?
Хаёлларим менинг ҳам катта,
Тугатяпман ўнни мен бу йил».

Хатлар ёздинг: «Ака, бормисан,
Тушунарсан балки мени ҳам:
Шаҳар бориб ўқимоқчиман,
Нетай, рухсат бермаслар онам».

Сен хаёлсан дунёда, синглим,
Мен хаёлга бахш этгайман тил.

Ииллар ўтар — етарми йўлим,
Йўллар ўтар — етармикин йил?

Юрагимда туғилган шафқат
Камол топса агар бехато,
Йўлимдаги ҳар қандай ҳайрат
Мени бир кун қилгайдир адо.

Сенинг бўлса тақдиринг — Ҳаёл —
Конвертларда учиб келган қуш.
Сен дарахтсан — қийнаган савол,
Сен хаёлсан — қўринмас товуш.

Баҳор пайти аста силкиниб,
Туйгуларинг кўтарганда бош,
Қутлар сени биринчи бўлиб
Эрта кириб келган қалдироч.

Тушуниш бу — қийналиш демак,
Қийноқ гоҳ баҳт, гоҳи пушаймон.
Тушумасдан соғ қолмоқ керак,
Сен соғ қолгин, пок қол, сингилжон!

Софинаман дарахтлар билан
Бирга баъзан меҳру қадрни.
Софинаман хаёлингдай соғ,
Хатларингда келган шаҳарни.

ҚУЁШ ҚИЗИ

Бу қизнинг офтобда қорайган юзи
 Ранг олиб яшади киш бўйи қордан.
 Бу қизнинг офтобда қорайган юзи
 Кордай оппоқ бўлиб келди баҳорга.

Офтобда қорайган елкаларини
 Киш бўйи қорлардан яширди бу қиз.
 Офтоб нури эмган билакларини
 Ким бўйи қорлардан яширди бу қиз.

Киш бўйи бу қизнинг баданларини
 Корлардан яширди иссик палтолар.
 Барибир, бажарди айтганларини,
 Қизни оқартирди барибир қорлар!

Бу қиз ечинаркан кўзегу олдида
 Лол қотиб термулди ўэига у кун:
 — Елкамни қай йўсин кўриб қолди-я,
 Корлар баданимни кўрмаганди-ку?

Қуёш ўт пуркайди. Ёз. Кўриб қолдим
 Қирғоқда бу қизнинг кўйлакларини.
 У қуёшга тоблаб, қорайтиарди
 Кордай баданини, елкаларини.

* * *

Олис кечинмалар қаърида
Йўллар ҳайқириги янгради бирдан.
Йўллар ҳайқириги бағрида
Мендан узоқлашиб борар бир одам.

Хира кўлкасида мужассам қайру.
Кетиб боради у рухсиз, толиқиб.
У — севгидир, мендан норизо туйғу.
У — ёшлиқдир, кетар менга тош отиб.

Олис кечинмалар қаърида
У мен кўролмаган бир нурдир.
Йўллар ҳайқириги бағрида
У — мен яшолмаган умрдир.

1978

* * *

Сариосиё осмонлари,
Мени унунтинг!
Аммо эсда тутиңг — қайтаман,
Бобом кўтарганда намоздан бошин,
Отам фотихага очганида қўл.

Сариосиё осмонлари,
Мени унутинг!

Аммо эсда тутиңг — қайтаман.

Қайтаман шамолни кўксимга босиб,
Поеэддан тушаман тонгни етаклаб.

Қайтаман, қўлдаги жомадонимга
Дафтарларим аро дилларим жойлаб.
Ииллардай ранг-баранг соринчлариму
Гуллардай ранг-баранг йилларим жойлаб.

Сариосиё осмонлари,
Мени унутинг!

Аммо эсда тутиңг — қайтаман,
Онамга тириклик саломин айта,
Сингилларим — гул-райхонларим
Куёш бешигидан уйғонган пайтда.

Хижрону фироқнинг кўнглини ғашлаб,
Қайтаман, қайтаман ҳаётни,
Донишманд, пурхикмат ҳаётни
Елкаларим уэра тўн каби ташлаб.

1979

тунги ўримдан сүнг

Хөзир чўмилишга тушар етти киз,
Пастта — сокин оқаётган сойга.
Фарамда ялтирап ой зиёсида
Еттита ой ўроғи мисол,
Еттита ўроқ.

Етти хил кўйлакка соқчи харсанглар,
Етти хил кўйлакни асрайди қирюқ.
Сувдаги ёлғиз ой сочилиб кетар,
Ўрнига етти ой киради сувга.

Етти гул баданинг тафтини
Муздек оғушида эритади сой.
Тепада — қуп-қуруқ фарам қўйнида
Ухлар эркаклар.
Эх сиз эркаклар!
...Пастда ялтирайди ой зиёсида,
Киличлардай ялтирайди ой зиёсида —
Елкалар!
Елкалар!

1979

ҮСМИРЛИК

Түним менинг — жунуним менинг,
 Соchlари ёйилган қуюним менинг.
 У тинмай шивирлар — юзлари олов:
 Энди осон бўлар қийиним менинг.
 Қўлларим лоддирлар елкаларида,
 Илк бор туғён қилас тинимим менинг.
 Илк бор томирларим тор келар қонга,
 Илк бор торлик қилас кийимим менинг.
 Нима бўлса бўлди!
 Сочилиб кетар
 Китобга асраган тийиним менинг.
 Дунё ғойиб бўлар,
 Колар оқбадан
 Түним менинг — қайним менинг.
 Усмиригим менинг, не чирой кўрдинг?
 Қаро соchlарини мисли сой кўрдинг.
 Усмиригим менинг, ў шумим менинг,
 Билмадим, ўнгмиди ё тушим менинг —
 Лол эдим, ол эдим, безавол эдим,
 Рўй берди энг гўзал жунуним менинг.
 Учи, шивирларди — юзлари олов:
 — Жиннингинам менинг,
 Мажнуним менинг!

1979

* * *

Бир кун мени уйғотадилар:
Дүстлар эмас, севгилим эмас,
Е соатнинг чинқиригимас —
Акам каби азиз дараҳтлар
Бир кун мени уйғотадилар!

Мени бир кун уйғотадилар.
Тарақлаб очилар бехос эшигим,
Бостириб киради сүнгра хонамга
Олислардан келган уч-түртта дараҳт.
Олислардан келган уч-түртта дараҳт —
Сүнгти дараҳтлари болалигимнинг.

Мени уйғотади бир кун дараҳтлар,
Тургин, дейишади, видолашайлик,
Бизни ҳам кесишияпти...

1979

БАХТ

Уйланган йигитлар бу йил бунча кўп!
Ҳар бир уйда биттадан келин,
Ҳар бир уйда тўйдан ёдгорлик —
Чимилдиқ ва ... биттадан келин.

Бундан ташқари:

Хар битта ховлида биттадан сигир,

Кўшимча қиласман,

Бузори ҳам бор.

Куёвлар, келинлар йилида

Бунча кўп сигирларнинг

Кўзлари ёриди,

Бунча кўп!

Барглар пардасини жимгина суриб

Девордан қарайди дўмбоқ олмалар.

Деворнинг остида тарғил ғунажин

Қорнини ялади бир титроқ билан —

Бўлажак она.

Ховлилар уйғона бошлар оҳиста,

Ериша бошлайди уйлар чехраси.

Куёвлар юз ювар уялинкираб

Оталарга қаролмасдан тик.

Бостирмалар остида эса

Бир тупдан гул унар бу сахар —

Сигирларнинг елинларидан

Тонгни соғиб олар келинлар.

ЎЧОҚЛАР

Онам қўлларининг хиди келади,
 Онам ташвишларин хиди — сизлардан.
 Сизларда энг сокин оловлар ёнди:
 Тонгда ҳам, тушда ҳам,
 Шомда, ярим тунда ҳам.
 Мен қайга бормасам — токқа ё чўлга,
 Кундузми ё оқшом ёки кечаси:
 Викирлаб «куйлаган» қумғони билан,
 Ризқлар қайнаётган қозони билан
 Кутиб олар мени тирик ўчоқлар.

Тоштова, лойшувоқ ўчоқларида
 Ҳисор тоғларида жимгина
 Осудалик бўлиб ёнар оловлар.
 Эртак атрофида ўтирган мисол,
 Офтобда қорайган озғин болалар
 Унинг атрофида ўлтирап, тунда
 Шеробод чўлида, ёлғиз ўчоқда
 Аланга чайқалар, порлар, мильтирап,
 Мильтирап, мильтирап...
 Учмагин, ёнгин!
 Учмангиз, оловлар, учманг, ёнингиз!
 Рухни қамраб олсин осойишталик.
 Дил сизни олисдан кўриб кучоқлар.
 Менинг дардларимнинг ёниқ кўзлари —
 Ўчоқлар...

* * *

Салласига қараб,
Миллатини айтишим мумкин.
Соқолининг ҳурмати учун
Үтқазишим мумкин тўрга.
Аммо номи нима эди бу юртнинг?

Тарих, ажинларинг — ажриқларингнинг
Юз минг илдиэй бор юзингда.
Юлқиб ташла ва менга айтгин
Номи нима эди бу юртнинг?

... Қўлларим ўтмишлар уэра ташланган.
Бармоқларим тӯғонидан Жайхун, Сайхуннинг
Тўлқинлари оқиб ўтар соч каби.
Кўш дарё қўш кокил сингари
Ейлади, синик бир чехра
Очилади — Мовароунаҳр!

Йўқотмагин бу номни, тарих.
Йўқотмоқчи бўлсанг, менга бер,
Дилимнинг тубинда асройман уни
Исми янглиғ Шарқ сулувининг.

Қўлларим ўтмишлар уэра ташланган.
Дубулғалар янглиғ гумбазлар
Қўлимга илашиб, узиладилар.
Миноралар уэра ривоятларнинг

Мангу буулутлари юрарлар суэиб,
Фон Кауфманники эмасдир улар.

Күлларим ўтмишлар узра ташланган.
Бир китоб излайди қўлларим —
Чарм муқовали, ҳарфлари
Хурлар қошидан ҳам нафис бир китоб.
Аммо жавонларинг
Тиҳсиз оғизлардек бўм-бўшдир, тарих!

1980

ВАХОБ ШОИРНИНГ¹ АФСУСЛАРИ

Кўлим ёдгорликдир ўз муштларимга,
Кўлларимда қариган муштлар,
Ҳар бири гурзидаи зарбларим энди
Келмайди.
Мендан узоқлашди уюром энди,
Занг босган ханжардай ғуурим энди,
Ханжар янглиғ кескир кўз нурим энди
Келмайди.
Ииғлар бир жуфт булоқ тошлар бағрида,
Шамоллар келарлар, увлаб кетарлар.

¹ XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида Ҳисор төвларидаги Ҳужасиддик, Кундажувоз қишлоқларида яшаб ўтган шоир.

Ёшлик — ройиб бўлган оҳудир, энди
Келмайди.

Келмайди дарёга ғарқ бўлган ўғлим,
Қўзим соҳилига кўёш келмайди!

Тун қамраб олади мени.

Тун — ўлим!

Кўёш келмайди,

Кўёш келмайди!

Кисмат кундасига қўйилган бошим,

Кўзим, қайлардасан, юз вой, юз мингвой!

Кисмат кундасига қўйилган бошим,

Болта сингари

Чўккилар ортидан кўтарилар ой.

1980

**БОЛАЛИГИМДА ИТОТАРЛАР ОТИБ КЕТГАН
ТЎРТ ОЁҚЛИ ДЎСТЛАРИМ
ХОТИРАСИГА**

Уларни отдилар шундоқ кўчада,

Оғилхоналардан топиб отдилар.

Катта тогоранинг остига

Яширгандим мен Йўлбарсимни,

Топиб отдилар!

Итлар жон бердилар, панжаларида

Фажилмаган суяклар колди.

Менинг йўлбарсларим ва бўйноқларим,
Энг вафодор, содик дўстларим,
Менинг тўрткўэларим, олапарларим —
Болаликнинг тўрт оёқли хотиралари.
Хар бирининг кўэларида осмонлар кетди,
Тиник-тиниқ осмонлари тенгдошларимнинг!

Итотар — мурдага ўхшаган одам
Кечкурун кетди.
Хўмрайиб кузатди уни болалар
Акаларин қотилини кузатган каби.

Кечкурун.
Вахимали эди итларсиэ кишлок.
Катталар жимгина сухбат қуради
Итларнинг одамга дўстлиги ҳакда.

Ўшал осмонларнинг остида энди
Чопиб юрар ўзга болалар
Ном танлашиб ўзга итларга.
Итларнинг номи ҳам бошқадир бугун.
Ва мен кечалари тинглайман:
Эшигим ортида шамоллар,
Хурпайган ва жундор шамоллар
Барги хазонларни қувлади.
Отилган итларнинг руҳи сингари
Увлайди. Увлайди. Увлайди.

БЎРИ ЧЎПОННИНГ ЎҒЛИГА НАСИҲАТИ

Ўзимни қўраман мен қўзларингда,
Муштларингда — ўз муштларимни.
Билакларинг — менинг ёшлигим,
Фазабингда жаҳдим бор менинг.
Демак, ишонаман сенга сурувни,
Демак, қариш мумкин bemалол.
Яхши танийдилар бўрилар уни,
Мана, ўғлим, таёфимни ол.
Олгин, аммо унутмагин сен
Бу адирлар, бу торлар — Ватан!
Бу сурув ҳам Ватандир сенга,
Уни асрарин!
Яхши танийдилар бўрилар мени,
Улар билан тўқнашувларда
Бўридай олишдим, бўри бўлдим мен.
Итларга ишонма сен ҳам мен каби,
Итлар ухлаб қолса, ўзинг ит бўлгин,
Кўэичноқ бўлмагин ҳеч қачон, ўғлим!

1980

* * *

Мен туғилған куни оламда
Опам — баҳор аллақачон туғилған эди.
Дунёга келганди яшинлар —
Ақаларим,
Улар торма-төр
Юришарди гулханлар ёқиб.
Шу кун тил чиқарди қанча тош,
Менга таниш тиңда сүзлади балки.
Серажин қоялар түкди ёш,
Қайтадан туғилди майсалар халки.
Илк айтган ҳарфимни қолмадим эслаб,
Балки ақаларим бир кун айттарлар.
Мен туғилған куни — қандай баҳт!
(Тугаб бўлған эди урушлар)
Дараҳтларда жасадлар эмас,
Осилиб турарди суэма халталар.

1981

* * *

Сутдай оқ саҳронинг қоқ ўртасида
Бир гавда қўзғалар тұсатдан.
Юрагида — қасос.
Қўлида — килич,
Қўэлари асрлар зулматин тилиб
Қарайди. Қарайди. Қўрқаман.
Сен кимсан? Сен кимсан? Сен кимсан?
Марҳум Бақтрияниң сўнган ғуури?
Бутпараст, зардушт ё мусулмонмисан,
Ё юонон аёлин жувонмарг ўғли?
Мен сенинг исмингни билмайман.
Ортимда боғларим ҳадиксираиди.
Ү, ботир!
Сен кимсан —
Қўэларинг,
Қасоскор қўэларинг нега бунчалар
Консираб қарайди, қарайди?..

1981

Сүз шүми

* * *

Саъдий разалларин сахроларидан
Бир садо келади:
«Эй, сорбон...»
«Эй, сорбон...» изгийди қумларда.
Бир гадо кулади:
«Иўқ карвон».
«Эй, сорбон...»
Шахарлар ёнади.
Карвонсаройларда — тутунлар.
Сахрода карвонни талайди
Куюнлар. Куюнлар. Куюнлар.
Булар тепалармас, дўнгликлар эмас,
Кўмилган туялар, туялар...

1981

КУНДАЖУВОЗ. КЕЧ КУЗ

Чукурликда жойлашган кишлок,
Атрофда — қоялар, қоялар.
Кузнинг чукур кўзларидай — ўчган ўчоқлар
Боқарлар, боқарлар, боқарлар.
Ховлилар тубсиз бир сукунатга фарқ,
Деразалар боқар пастдан тепага.
Очиқ қолган қозонлар боқар,
Боқади кимнингдир яир телпаги.

Хазонлар қоплаган күрпача, ёстиқ,
Дўмбира. Жойнамоз. Носқовок.
Обдастада икки кунлик сув...
Юракка ўйилар чукур бир кўркув.
Чўққиларга тегиниб ногоҳ
Ой чинни лаганин шунда синдирап.
Бу чукур тунларнинг бағрида,
Чукур-чукур хумлар қаърида
Ялтирап қоп-кора шиннилар.

1981

САРАТОН

(Тасвир)

Тун-кун очиқ турган дарвоза,
Девор ёнидаги сўлғин қайроғоч.
Тезаклар, бўш оғилхоналар,
Бўш охурлар,
Эски бостирма.
Сувсиз ковжираётган бедазор,
Занг босаётган кетмон,
Куруқ ариқлар,
Шувоқлари кўчган пахса уй.
Куруқ ҳовли,
Бўм-бўш пакирлар.
Юракни куйдирап бу жизғанак куй.

1981

ЧАВАНДОЗЛАР

Болалик. Мекмонлар. Гурунглар.

Гурунглар, гурунглар — отлар хакида.

Улар сүйлар завқданиб, тўлиб,

Терлаб, порлаб сўйлашар улар.

Ташқарида титрайди кеч куз,

Дастурхонда — кечки уэумлар.

Улар сўйлар,

Тинглайман бесёз.

Кўз ўнгимдан ўтар уюрлар.

Олис-олис тунларим ичра

Улар сўйлар завқланиб, тўлиб.

Мен тинглайман,

Кеч куэ тутайди.

Улар сўйлар тинмай қиши бўйи.

Сўнг уйғониб кетаман бир тун:

Бўш ўринлар.

Тўрт хомуш девор.

Тириллайди олис қирларда

Ёлғизгина трактор.

Баҳор.

1981

НИЯТ

Хижронларга бас келиб,
Дош беріб фироқларга,
Бир-бировга дил тутиб,
Аҳду паймон боғлаган
Ошиқлар түйи куни мен йўл олиб тоғларга,
Энг гўзал шаршарани келтиргайман совфага.

1981

ТУН

Шаҳарларнинг темир-бетон саҳроларида
Кафтларимда қакроқ истаклар,
Бораяпман мен —
Қўлларингнинг гулханин ўйлаб,
Қўмсаб салқин жилғаларин кокилларингнинг.

1982

* * *

Сен йиғладинг,
Мендан юз ўтириди қувончлар.
Сен йиғладинг,
Тонгларим бўғзида қолди қуёшлар.

Сен йиғладинг,
Шаҳларим ғамга бурканди.
Фарёдга чулғанди йилларим,
Сочлардай түзғиди йўлларим.
Сен йиғладинг,
Юлдузлар ўчди.
Мен бўлса ишқ, дедим минг бора,
Ишқ, деб шафакларга қарадим,
Шафаклар — қора.
Сен йиғладинг,
Соҳилларим зимистон бўлди,
Сойларим қорайиб оқдилар.
Ишқ, дедим,
Тоғларим ишқ дея
Қорайиб, қорайиб бокдилар.
Ховлидаги ўрик тагида
Сен йиғладинг.
Фасллар ўтди.
Йилларга айланди онларим,
Асрлар ўтди.
Сен йиғладинг,
Тошлар кўкарди,
Борлар гуллади.
Ховлидаги ўрикнинг бу йил
Мевалари аччиқ бўлади...

* * *

Йўлни олиб ташлама, адир!
Кўйгин, ёлғизгина мўйсафид
Юриб бораверсин у йўлдан.
Кўйгин ёлғизгина юқ машинаси
У йўлни чангитиб турсин,
Олиб ташлама!

Ёзинг ўшал саратонида
Кўккўл қирғозида туарар эдим мен.
«Хайр болалигим!» дедим,
Адирга бокдим,
Кирғоқ ўпирилди,
Шўнгидим кўлга.

Кейин
Дазмолланган шимдай
Текисланди йиллар.
Армонлар қиэлар каби
Кўксимга бош қўйдилар.

Кейин кўл қуриди,
Менинг «Хайр»имни
Эшигтан балиқлар нобуд бўлдилар.
«Бир марта берилган, — дедим, — бу ҳаёт».
Кўп намчил соғинчлар кечди бошимдан:
Емғирли, қор босган соғинчлар...

Энди күл қуриган,
Мүйсафид ҳам иўқ.
Факат йўлни олиб қол, адир!
Кўйгин, ёлғизгина юқ машинаси
У йўлни чангитиб турсин,
Олиб ташлама!
Кўйгин, чангигиб турсин сўнгги соғинчим.

1982

* * *

Овозларни тутавер
Кулоқлар — микрофонлар.
Утаверар, ўтаверар
Одам-магнитофонлар.

Келаётганлар ёэилади,
Ёэилади кетганлар.
Тақдирларни кўчиради
Миядаги ленталар!

Кетаяпти! «Тўхта» дегин,
Муножот қил, ёлборгин.
Кўчириб қол юрагингга
Бу гулларни, баҳорни!

Эрта тополмайсан ҳатто
Капалак қанотин ҳам.

Майсаларни, капалакни
Күчирган ҳаётингга!

Ақлдан оз, шошиб кара
Ранглар талвасасига.
Рангни улгур кўчирмокка
Кўзлар кассетасига!

1982

**«ТЕЗ ЁРДАМ» МАШИНАСИДА
ЁЗИЛГАН ШЕЪР**

Ўттанга ёрдам беринг!
Кеттанга ёрдам беринг!
Мехрингизни қон ютиб
куттанга ёрдам беринг!
Осмонлари синганга,
армонлари сўнганга,
Қуёшлари муз бўлиб
котганга ёрдам беринг!
Кўзи тўрт манзилларга
кириб борманг мунгайиб,
Ишонч бўлинг, мунгайган
хижронга ёрдам беринг!
Оз эмасдир замону
имонини сотганлар,

Виждонлироқ бўлинг сиз,
замонга ёрдам беринг!
Бахор келди, деб боринг,
йил бўйи газет ўқиб,
Газетага айланган
одамга ёрдам беринг!
Соф эди — худо эди,
энди-чи, Худо дейди,
Оқ халатли тангрилар,
отамга ёрдам беринг!

Ҳаётга таянч бўлинг.
Севинг, суюнинг, кулинг,
Севолмай юрган шўрлик
гадога ёрдам беринг!
Бу зотларнинг наслини
билмай Оллоҳ ҳам ҳайрон,
Сиз софдил инсон бўлинг,
Худога ёрдам беринг!
(Симлар, симсўзлар аро
бўғимлоқда дардларим,
Кадим туркий сўзларим,
дардимга ёрдам беринг!
Мен сизни унутмайман
ёмғирларим, селларим,

Далалари қақраган
юртимга ёрдам беринг!)
Барча билан бир бўлинг,
бепоён тақдир бўлинг,
Халқ учун фақир бўлинг,
Тенгликка ёрдам беринг!
Кундуздан ҳайратланинг,
юлдуздан ҳайратланинг,
Урушдан нафратланинг,
Тинчликка ёрдам беринг!
Ҳалокатдан кутқаринг
балиқни, ўсимликни,
Тирикликтининг камию
ғамига ёрдам беринг

Кўксига босиб Буюк
Дардни — инсониятни,
Чинқириб учиб борар —
Заминга ёрдам беринг!

1982

МУТОЛАА

Талабаларга

Сен ўқийсан жиддий, берилиб,
Нурланади, порлайди зехнинг.
Сен албатта одам бўласан,
Келажагинг порлоқдир сенинг.

Сени кутар энг ёруғ йиллар,
Тиззангдаги яхши китобдир.
Сени кўриб нега тўхтадим?
Менинг умрим энди шитобдир.

Ҳаётимда исмлар, дардлар,
Ҳижронларга шерик тунларим.
Ўқилмаган, сара, энг яхши
Китоблардир сенинг кунларинг.

Довонларинг нурдан ярқирав,
Осмонларинг бунчалар мовий.
Юрагингта уммон бўлиб ҳам
Осмон бўлиб кирав Навоий.

«Бобурнома» узра кечалар
Юракларинг шердай тўлғонар.
Бобур бўлиб, шоҳ шоир бўлиб
Ўсмир қалбинг қайта уйғонар.

Китоб сенга бир умрлик ёр,
Аро йўлда ташлаб кетмагай.
Кетар қанча боболаринг, лек
Бобораҳим Машраб кетмагай.

Усмон Носир қисматин ўқиб,
Армонларин чорлашларинг бор.
Чўлпон билан тонглар қўксига
Чўлпон бўлиб порлашларинг бор.

Менинг «Ўткан кунларим» ўтган,
Жумлалардай жимдир хотирим.
Идрокингнинг дарсхонасига
Куёш бўлиб кирап Қодирий.

«Аввал ўқи!» Бу — Faфур Гулом,
Билим балқир боқишиларидан.
Шеърлар кирап қалбингга энди
Тўполондарё тошқинларидай.

Эзгуликнинг йўллари оғир,
Боғларига найсон бўлгайсан.
Китоб ўқиб — ҳақиқий фарзанд,
Китоб ўқиб инсон бўлгайсан.

Ҳаёт ўзи мушкул китобдир,
Ҳаёт ўзи бергайдир таълим.
Ҳушёр бўл деб, билимдон бўл деб,
Боқиб турар Ойбек муаллим.

Бу дүст сени сотмас ҳеч қачон,
Енингдадир шом ва ё нахор.
Бутун умр бошингда турар
Оқ булутдай Абдулла Қаххор.

Улуғлика чорлагай доим
Улуғларнинг абадий ёди.
Юксалтиргай сени ҳам бир кун
Улуғ Ватан Адабиёти.

1983, 2007

КОПТОКЛАР

Исматулла Комилов хотирасига

Хайр, Исмат ака!
Үйин тугади.
Ииллар ўлим билан тугади.
Бу майдон ҳеч қачон энди тўлмайди,
Синфдошлар футбол деб келмайди.
Мактаб.
Сўнгти қўнгироқлар чинқирав,
Ойналар ҳеч қачон энди синмайди!
Энди умр бўйи кўз ўнгимдан кетмай
Оёқсиз кеталар мени қийнайди.
Хайр, Исмат ака!

Югуар өйлар,
Коптоқларни олиб кунлар югуар.
Коптоқлар.
Коптоқлар.
Коптоқлар қолар,
Коптоқлардан юлқиб олар мени орзулар.
Сүңг бир кун,
Фам билан күкка қарайман:
Үзүк-юлуқ юзиб юрган оёқлар — надир?
Англайман:
Самода буулутлар эмас,
«Пахтакор»нинг портлаб кетган коптоқлариридир.¹
Теграмда нидолар, фарёдлар, ёдлар,
Видоларга тўлди ўсмир жаҳоним.
Мен ҳам коптогимни кўкларга тепдим,
Қайтариб бермади уни осмоним.
Сизни излаб юрар кўклам еллари,
Сизни кўрмоқ истаб гуллар бутоқлар.
Мени қалбда қолган сўзлардек қийнар
Илларнинг тўрида қолган коптоқлар.

1983

¹ 1979 йил 11 августда Белорус осмонида авиаҳаджатта учраган «Пахтакор» футбол командаси наизарда тутилган.

РУХИМ ХАРИТАСИ

Мен — кичик мамлакат,
Иллар — шаҳарларим,
Ойлар — ахолиси шаҳарларимнинг,
Кунлар — ойларимнинг болалигидир.

Мен — кичик мамлакат,
Пойтахтим — умрим.
Бу пойтахтнинг ёлғиз ҳомийси,
Ёлғиз ахолиси — мен бўламан.
Колгани сайёҳлар.

Мен — кичик мамлакат,
Хотирам — музей,
Туман ойналари остида унда
Сақланади менинг ўтмишим —
Менинг тарихимнинг алифболари.

Мен — кичик мамлакат,
Туғилиш, ўлим —
Жуғрофий майдоним шул эрур менинг.

Вақтнинг чигал харитасидан
Үчирилар пойтахтим — умрим.
Сиёларга қолади пойтахтсиз,
Рухим харитаси — шеърларим.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД

Сенинг ҳасратларинг узун,
Шеърларинг қисқа.
Не-не гадо кўрдинг,
Не султон кўрдинг.
Нуҳ минг йил яшади —
Кўрди бир тўфон.
Сен Нуҳ бўлмасанг ҳам
Минг тўфон кўрдинг.
Бирордан тахт қолди,
Бирордан — дараҳт.
Сендан мерос қолмиш байтлар — турғенинг.
...Гар чопон тиксалар армонларингдан,
Этни бут бўларди юпун дунёнинг.

1983

САМАРҚАНДДА

Унутиб асримнинг талвасаларин
Шошилмай кезаман мадрасаларни.
Сукунатни тинглаб туарлар
Хужралар. Хужралар. Хужралар.
Эшиклар. Эшиклар. Эшиклар.
Эшиклар тарихдай очилар.

Дарчалардан Самарқандга қарайман:
Минорлар турибди — мангу соқчилар.
Лол қотган «Улутбек»,
Жим турган «Шердор».
Регистонни кезаман мен —
Қадим хаёлларға ғарк.
Шу асрий гиштлардами,
Фамгин нақшлардами,
Мақбаралардами ёки
Қабрлардамисан, Шарқ?
Мени қўйвормайди тарихий сукут,
Барча валиларинг йиглар кўксимда.
Оқшом. Соҳибқирон бобо номини
Пичирлаб кетаман таксида.

1983

КОФОЗ ҚАСИДА

Кофоз, кофоз, ҳаммаси кофоз!
Мана бу одамнинг юзи — газета.
Мана бу сулувнинг чехраси — журнал.
Мана бу кўзойнак, олтмиш йил яшаб
Үн жилд кофоз ёэди,
Эх, носоз ёэди.
Бу қилмиши учун уни бир куни

Мұқаддас Сүз хакки,
Хақиқат хакки
Абдулла Қаххорнинг рухи уради!
Мени афишалар ўрайди.
Ботир Зокиров ҳам энди йўқ!
Эълонлар қуршовга олар дунёни,
Дунёда қоғозлар бўрони.
Сиз ҳали уйқудан уйғонмай, тонгда
Эшикларни тақиллатар қоғоз.
Режалар инграйди қоғозлар аро,
Нутқлар қоғоздир,
Ютуқлар — қоғоз.
Архивлар — тахланган, чанг босган асрлар —
Қоғоз қасрлар.
Кайлардадир шовуллайди яшил ўрмонлар —
Бўлажак қиссалар, рўмонлар!
Сизни —
(Умрингиэда гуллар ўрнига
Пуллар очилади,
Наслингиз қоғоз).
Қандай қайтарайин одамийликка?
Мен нима қилайн —
Аслингиз қоғоз!

СУРХОН. САРАТОН

Бинафшалар кетди,
Лолалар кетди.
Булутлар Помирга кетди,
Бургутлар кетди.
Үт олгани келган шамоллар
Кирларнинг қорнини эркалаб кетди.
Майин рўмолнчадай бир ел еларди,
У ҳам эрталаб кетди.
Сахро кетолмади,
Сахро дор қолди.
Мархум салтанат бор қумлар қаърида,
Майсалар армондай қовжираб борар
Қадим Бақтрия тепаларида.
Менинг дардларимга ҳарорат берди,
Айт, нечун севмайин ушбу диёрни?
Айниқса, ҳансираб ёттанда Термиз
Лабларига босиб Амударёни.

1984

ҚАДИМИЙ БАҚТРИЯ ТУПРОГИДА

Шукур Холмирзаев хотирасига

Бу саҳрода минг хил ташбех кўмилгандир мен учун,
Ҳарфлар, ҳарфлар кўмилгандир —
Қадим тиллар парчаси.

Бу ҳарфларда излари бор Искандар тулпорларин,
Ташбехларда — динлар муҳри,
Чингизийлар тамғаси.

Мана, ғорлар —
Мозийнинг кўэз косалари сингари,
Ў, бир буюк маданият ётар мажруҳ инграницаб.
Синик-синик сополлардай парчаланган санъатим,
Кани сенинг шавкатинг?

Сулолалар ёнғинида ёнди тиллар, луватлар,
Алифболар асрларнинг кумларига бўлди ғарқ.
Мен турибман...

Мана, ғорлар — деворлардан бесадо
Кушон ёзувлари боқар,
Шу ҳарфлардамисан, Шарқ?
«Бу йўллар кўп қадим йўллар...»
Рост айтгансиз, шоирим.
Мен турибман ботирлар ҳон тўкиб ўтган йўлларда.
Тахқирланган сулувларнинг чинқириғи кувлаган
Шаҳарларнинг арвоҳлари изғиб юрган чўлларда.

Саволлардай қотиб турага теграмда саксовуллар,
Мозий мени босиб келар,
Чалдиворлар ўрайди.
Тепаларнинг бағридан бир Ватан қўэфалиб ногоҳ,
Мендан номин сўрайди.

1984, 2007

БОЙСУН ҚЎШИГИ

Фарҳод Аъзамга

Армонлардан юрагимда доғлар-ей,
Бу доғларим мени буқун доғлар-ей.
Мен баҳт эдим, мен баҳт эдим, баҳт эдим,
Само айтгил, қани ўшал чоғлар-ей?
Армонлардан юрагимда доғлар-ей,
Бошим олиб кетай сизга тоғлар-ей.

Кимгаки ёр бўлдим — дилим оғриди,
Орзулар хор бўлди — дилим оғриди.
Кафтларимга қадалмоқда юлдузлар,
Дўстлар, менинг қизил гулим бор эди.
Армонлардан юрагимда доғлар-ей,
Бошим олиб кетай сизга тоғлар-ей.

Ошиқ бўлдим, қўшиқ бўлдим, ишқ бўлдим,
Ишқим бирлан осмонларга хеш бўлдим.

Нима бўлди бу дунёйи бечора,
Мен минг бор ёз, минг боралар қиши бўлдим.
Армонлардан юрагимда доғлар-ей,
Бошим олиб кетай сизга тоглар-ей.

Кўзларми ё қаро қошлар азиэротк?
Кулгуларми ё кўзёшлар азиэротк?
Бу кўнглимни буюк тоглар тушунгай,
Менга букун тогу тошлар азиэротк.
Армонлардан юрагимда доғлар-ей,
Бошим олиб кетай сизга тоглар-ей.

1984

МЕҲМОН

Унинг дийдорига қўпдан зор эдим,
Келди, аён этди йўғу боримни.
Уч кун. Мен ўзимга ўқидим ҳукм,
Уч кун жим кузатди рўзгоримни.

Унга керак эмас шону мартабам,
Унга юпанч бермас мен топган ноним.
Бу — менман, бу — хаёт, касбу корим бу,
Нега индамайсиз, меҳмоним?

Булар бу дунёниг одамларириф,
Меҳодан гапирса — кўнгли бузилган.

Менинг кўлларим кўп улоқиб кетди,
Улар аллақачон Сиздан уэилган.

Уч кунми, тўрт кундан кейин кетаман,
Мен бир меҳмон, дейсиз, дилда хавотир.
Англайман: берилган тириклик менга
Сизнинг қадрингизга етган бўлсан — раводир.

Муҳими ҳеч кимни ўкситмадим мен,
Кўксимда беармон улғайди армон.
Заминнинг сернеъмат дастурхонида
Она, Сиз меҳмонсиз,
Мен ҳам бир меҳмон.

Бошимда чайқалар мезбон дарахтлар,
Мезбон дарёларим куйманар шодмон.
Соҳиллар абадий қолаверади.
Она, биз меҳмон.

Тоғлар чоллардайин чордона курган,
Жайрон жилғалардай кувончлар равон.
Боғлар кўэ-кўэ қиласар ҳосилларини,
Она, биз меҳмон.

Меҳмондир ўртада ўртанган ғамлар,
Умр севинчларга яна тўлгуси.
Фарзанд кутаётган гулдай келинчак
Ҳаёт кулгуси.

Мангу ўтаверар булутлар, мангу,
Булутлар ўшшайди хайру ёдларга.
Менинг уйим қани?
Чорак умрим кечди аэропортларда!

Елғон ҳашам күрса ўнғайсызланиб,
Уч пуллик совғамга дилдан суюнган,
Она, билиндими меҳмонлигингиэ?
Она, куйинманг!

Иссик нонлардайин тонглар бор ҳали,
Толедан суюнчи тутгайдир тақдир.
Шукрким, олов бор тандирингизда,
Шукрким, маңбара эмас у тандир.

1985

* * *

Биродар, күлдә жом, күэда ёш надир?
Савдолар ичинде ёлғиз бош надир?
Насиҳат нимадир? Баҳс-талош надир?
Фано дарвазаси абад ёпилмайди,
Дунё топилади, одам топилмайди.

Биродар, ошиқдик баҳордир, ўттай,
Бу тошқын туйгулар дарёдир, ўттай,
Гоҳ күнгил берганинг хатодир, ўттай,
Умид ғунчалари доим очилмайди,
Дунё топилади, одам топилмайди.

Биродар, умрни фарзона этгил,
Неки дардмандликдир дармона этгил,
Неки армонликдир тарона этгил,
Хар дил ҳам шеър бўлиб нур сочолмайди,
Дунё топилади, одам топилмайди.

Биродар, дунёдин нечун шикоят?
Нечун бу туганмас, маҳзун ҳикоят?
Тирикликнинг ўзи буюк иноят.
Шудир ўтганларнинг энг комил байти:
Дунё топилади, одам топилмайди.

1985

* * *

Кора кўэли Гулпари,
Шунчалар суюкмисан?
Холанг сени эркалар,
Қиэмисан, кийикмисан?

Ерга боқсанг ер — қуёш,
Кирга боқсанг қир — ойли.
Сен холангдан гўзалу
Холанг сендан чиройли.

Бир савдо бор, мен уни
Дилга ҳавола қиласай.
Кўчангдаги толингга
Мен бориб нола қиласай.

Киэгиш бўлар осмонлар,
Кизил — асли қиз ранги.
Кўчангдаги толдан ҳам
Холанг сени қизғанди.

Дардларимни ўйноклаб
Ариқчалар куй қиласар.
Қора кўэли Гулпари,
Холанг сени тўй қиласар.

Нурга тўлар уйлару
Баланд-баланд айвонлар.
Мен севги деб кеттайман,
Юрагимда ҳижронлар.

1985

ШУКУҲ

Кай бир ошиқ дилдан эпкин елдими:
«Онажон, билмадим, Наврӯз келдими?»

Ёруғ ниятларнинг амалими бу?
Еки тирикликнинг самарими бу?

Кўзимга кўэ суртар малоҳат тенгсиз,
Онажон, бу олам бунчалар чексиз!

Тилагим гул бўлар қаерлардадир,
Юрагим бу кунлар сайрлардадир.

Неки армон бордир, неки орэу бор,
Умидлар дунёсин неки арзи бор —

Бари яқдил бўлиб туюлар менга,
Ажиб тақдир бўлиб туюлар менга.

1985

ТАВАЛЛО

Жудолик дардидан қалбимда яра,
Худойим, сен энди онамни асра.

Отамнинг ўрни бўш. Қарзим — ҳасратим,
Худойим, онамни энди асраригин.

Юзларига қара — бунчалар сўлғин,
Худойим, ўлимнинг йўлини тўсгин.

Кўпдир нарсалардек нокерак каслар,
Худойим, энг аввал онамни асра.

У интиқ. Қайдадир интиқ келини,
Худойим, тўсиб қўй ғамнинг йўлини.

Бир қушга уч юз йил хўп умр бердинг,
Онамнинг кўзига тола нур бергин.

1985

ҮЙҚУДА АЙТГАН ШЕЪРИМ

Энг аввал шу ёруғ жаҳонимни бер,
Сўнг ёруғ жаҳонда армонимни бер.

Токи дардларимдан ободлиғ кўрсинг,
Бедардлардан бемор замонимни бер.

Осмон юлдузлари тийра ўлмишлар,
Кўэлар чаракдаган осмонимни бер.

Барча яхшиларим юз бурмиш мендан,
Яхшилар ичра энг ёмонимни бер.

Махзун кузга ўхшар сўлғин чехоалар,
Баҳоррўй, лаблари хандонимни бер.

Гафлатта ёр этма, түғён буюргил,
Оромимни олгин, бўронимни бер.

1985

* * *

Яшинлар ёритган эй олис уйим,
Шунча йиллар куйиб,
Канча қисмат кечиб,
Канча ўй-у фироқ
Ҳикмат кўрмадим мен сендан буюкроқ!

1985

* * *

Сен бу мухаббатни тонгингда асра,
Энг ожиз, энг ёлғиз онингда асра.

Бергил шомларингнинг жоэибасини,
Юзингда порлаган ёнгинда асра.

Не ойлар, қуёшлар йироқ тушмишлар,
Сен ўз қуёшингни ёнингда асра.

Бағир лолаларим менинг куй бўлди,
Бу куйни сен бағир қонингда асра.

Мухаббат ҳеч қачон жонсиз кечмагай,
Сен уни жонингда, жонингда асра.

1985

АХБОРОТ ҚИРОЛИ

Журналист Абдулла Пўлатовга

Ахборотнинг қиролини ҳеч кўрганмисиз?
Асаб чақинлардай чақнаганида,
Юзида ҳодисот чинқирганида,
Унинг қаршисида ҳеч турганмисиз?

Кўзларида унинг замон айланади,
Армон айланади. Жаҳон айланади.

Қаранг: ўз қўлида ўзи нурайди,
Кўксини чанглаб, телефонлардан
Ҳаво сўрагандай —
Янгилик сўрайди, хабар сўрайди.

Ахборотнинг қиролини ҳеч кўрганмисиз?
Faфур Fuлом,
Шайхзодани шеър ўқишига кўндирган у.
Мақтансоқ мухбирлар довдираған чоғда,
Абдулла Каҳхордан сўз ундирган у.

Менинг тушларимга киради унинг
Кўзлари доим қўш кассета бўлиб.
Бу одам умрини тарқатиб борар
Ҳар куни, ҳар туни газета бўлиб.

«Тошкент оқшоми»нинг ҳар бир сонида
Бешми, ўн дил зарби жой олган унинг.
Шул сабаб уйғоқдир балки бу ҳаёт,
Шул сабаб зарби зўр балки бу куннинг.

Қаранг, у қийналар, чекар асабий,
Рўзгорини ўйлаб кўнглин ғаштайди.
Ва яна дэотга ташланган каби
Езув столига кўксин таштайди.

Янгилик йўқ дейди, ахвол сўрасам,
Вақт ҳам йўқ дейди, саломатликка.

Сўз иўли

Бир зум алоқани узинг дунёдан,
Каххордан гапиринг, Абдулла aka!

Ахборотнинг қиролини ҳеч кўрганмисиз?
 Кўксини чанглаб, гезариб лаби,
 Уйига боради қоронгу тунда,
 Гўё гижимланган газета каби!

1985

ТУШ

Мен унга ёлбордим:
 Майли, ўтга сол,
 Мангу равон айла кўэдан ёшимни.
 Не ёмонлик бўлса раво кўргину
 Олиб кетма фақат менинг тошимни.

Майли, насиб этсин борим, бисотим,
 Истасанг қиличдан ўтказ бошимни.
 У тош менга тутош, у тош — юртдошdir,
 Олиб кетма менинг тошимни.

Ҳиссия башарада қаттол масхара.
 Кулди.
 Фалакларда қорайди күёш.
 Тошнинг тим юзида ёшми йилт этди —
 Асири янглиғ кетди аэз тош.

Уфқлар чайқалди.
Хирқираб чопдим.
Калималар келмай тошдай тилимга.
...Мен заррача ачинмас әдим
Бошим омон қолганлигига.

1985

БУ ҲАМ БИР ГАП-ДА...

Юраверсанг, юраверсанг,
юраверсанг бир умр,
Тақдирингни ғамларингнинг
ити билан қопмасдан.
Ҳамма сенга илҳақ бўлса,
сен-чи, кутсанг ҳаммани,
Ҳеч ким сени тополмаса,
сен ҳеч кимни топмасанг.

1987

* * *

Бехабар, бехабар, ўтади кунлар,
Бехабар юлдузлар. Бехабар тунлар.
Мендан сўрамайин менинг қўнглимдан
Бехабар, бехабар жой олур унлар.
Мен сендан бехабар, сендан бехабар.

Дунёга қарайман: Бирор садо йўқ,
Бирор дуст топилмас. Бирор фидо йўқ.
Сен қаерлардасан, қаерлардасан?
Бирор нидо йўқдир, бирор видо йўқ.
Мен сендан бехабар, сендан бехабар.

Таманнолар қани? Кўшиқлар қани?
Борликка очилган эшиклар қани?
Кўкда кезиб юрган ой ҳам бехабар,
Ерни тирик туттган ошиклар қани?
Мен сендан бехабар, сендан бехабар.

Дунёнинг симлари узилиб ётар,
Аср ҳам юлдуздай чақнар-да, битар.
Мен бехабар колсам сендан, бир умр
Кўнглим бу дунёдан бузилиб ўтар.
Мен сендан бехабар, сендан бехабар.

1986

* * *

Қайрағоч. Сүри.

Бир пиёла чой.

Оппоқ булут каби

Ұлтирибди чол.

Пешин. Кун дим. Жим.

Күрінмас хеч ким.

Бир пиёла чой,

Оппоқ булут — чол.

Ердан, деворлардан,

Сүридан ногох

Сояларни бүйрөдек

Йигиб олар чошгох.

Шом тушар. Тақдир.

Бунга йўқ тадбир.

Бир пиёла чой,

Кўнгли хуфтон чол.

1986

ДУМАЛОҚ ШЕҮР

(Болаларға)

Думалайди думалоқ одам,
Думалайди, тиним билмайди.
Юзи қайси, калласи қайси,
Корни қайси — хеч ким билмайди.

Бир думалаб овқатта келар,
Телевизор күрар думалоқ.
Унинг биккі биқінларида
Естиқлари тураг юмалоқ.

Бутун умр шундай үтар у,
Думалайди чиқмасдан саси.
Бутун умр билмайди хеч ким
Корни қайси, калласи қайси...

1986

БУ ОДАМ

(Болаларға)

Бу одамга бир қаранг:
Ухлаганида ҳар бор,
Бурун катакларида
Тириллар күш трактор.

Бечора тракторлар,
Бир жойдан ҳеч жилмайды.
Бу одам уйғонганда,
Тракторлар жимиыйди.

Бу одам уйғонганда
Яқын келиб инилар,
Бошига қулоқ солинг:
Ғуннеллайди чивинлар.

Уйғониб не қиласди?
Бу ёғини айтмайман.
Яхписи мен озгина
Велосипед ҳайдайман.

1986

БИЗ ОВҚАТЛАНАМИЗ

(Болаларға)

Одамзод нима ейди?
 Сут, қаймоғу сабзавот.
 Тұхумдан тортиб қўю
 Оттача ер одамзод.
 Қўкатни-ку қўймайди,
 Тап ўзини ташлайди.
 Еб тутатар бир зумда
 Яйловларни, даштларни.
 Подаларни ейди у,
 Оғзиң очиб суюнар.
 Тўғри унинг қорнига
 Кириб келар сурувлар.
 Товуқлар, ўрдакларни,
 Беданаю қирғонул,
 Фоз, каклик — барчасини
 У қиласи тановул.
 Париж қозонларидаги
 Қоврилар қурбақалар.
 Одамзод шуни ҳам ер,
 Ҳаттоғи шўрва қиласи.
 Денгиз-денгиз балиқни
 Ҳазм қилиб юрар шод.

Миллион йил овқатланиб
Хеч түймади одамэод!
Мамонтларни еди у
Ва яна овқат дейди.
Бундай иштака билан
Бир кун дунёни ейди.
Үв, болалар!
Майли, Сиз
Ташлаб күэ қириңгизни,
Овқатингизни енгу,
Еманг бир-бириңгизни.

1986

ЭШОНҚУЛ НИМА ДЕЙДИ?

Мен ҳам одам боласи,
Рүзғорим, ташвишим бор.
Этигим йиртилганда,
Кийишга калишим бор.

Ишим күпту вақтим йўқ,
На пастман, на баландман.
Дунёнинг номи ғамдир,
Бу ғам менинг калламда.

Мен ҳам одам боласи,
Минг афсуски булар ҳам.

Сүз шұмы

Танг ҳолда қолганингда
Куларлару куларлар.

Бундай пайтда арзимни
Мен кимга ҳам айтаман?
Әшагимни жимгина
Минаман-да кетаман.

У менга хизмат қиласы,
Мен ҳам уни бокаман.
Баҳор чори нұхтасига
Бойчечаклар тақаман.

Гарчи бир күн ташвишлардан
Қолиб кетгүм пиёда.
Әшагимдан яхшироқ дүст
Тополмадим дунёда.

1986

* * *

Тескарига оқкан дарёлар қайтди,
Тоғларда йүкөлган садолар қайтди.
Мени излаб кетган нидолар қайтди,
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Сомонлар янчилмай қолган күз пайти
Адирлар зағарон алвидо айтди.

Мени олиб кетган подалар қайтди,
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Бу күча, бу ховли, бу уй, бу тандир
Бир кун сесканади, сассиз сиктайдыр:
Үн йил ғойиб бўлган олапар қайтди!
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Колдириб кетдимми уни даштларга?
Еки топширдимми шиддат, шаштларга?
Бўзлаб чорласам-да битиб хатларга,
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Калдирючлар қайтди. Тойлар от бўлди.
Юртнинг тоғу тоши менга ёд бўлди,
«Ух» деганим менинг хотирот бўлди,
Болалик қайтмади. Қайтмади.

Йилларни ағдарар бу кун сўрорим,
Кайдадир ул менинг эрка сўйморим?
Дилга жо бўлди бор яқин-йирогим,
Болалик қайтмади. Қайтмади.

1986

ҚОФОЗ СИГИР ЁКИ ҚҰШИБ ЁЗИШ ҲАҚИДА

Сигиримиз газета ейди.

Хат ташувчи ҳар кун күчадан
Газетларни ташлаб үтади.
Уни эшик ортидан кетмай
Сигиримиз ҳар кун кутади.

Күзларида қандайдыр мунг бор.
Бирмас, унга айтганман минг бор:
Бу ишингни ташлагил, Таррил,
Сигирларга ярашмас ахир.

У-чи, менга парво қилмайди,
Хашак берсам, буни емайди.
Термуламиз бир-бириимиэга,
Рахмим келар сигиримиэга.

— Таррил дейман, қўй бу ишингни,
Үйласангчи ўз емишингни.
Ўзи шохинг биттаси синган,
Воқеалар қорнингда тинган.

У-чи, менга қилмайди парво,
Бир кун, бир кун ўйламай, расво,
Иқтисодчи қўшнимизнинг бор
Қоғозларин епти, нобакор!

Шундан бүён ошқозонида,
Хоҳ юрган, хоҳ ёттан онида,
Хазм бўлмай режалар қотган,
Елинида рақамлар ботган.

Бунча маъюс бокар оғилинг
Нима бўлди сенга, Тарғилим?

Сут берардинг — сутинг қоғоздан,
Каймогинг ҳам этинг қоғоздан.
Мен булардан тотмадим, ахир!
Сен йўқ эдинг аслида, Тарғил.

1987

БОЛАЛИК. ҚЎШНИ ҚИЗИ ГУЛПАРИ

Жангалзордай куюқ боғ,
Ғўнғиллаган қўнғизлар.
Девор устида туриб
Гилос терамиэ биэлар.

Ол қўйлагинг — мисоли
Деворда унган лола.
Сен кичкина қиз эдинг,
Мен — бир кичкина бола.

Гилослар аросида
Илк бор илғаб қўрганим:

Ешингга хос бўлмаган
Катта-катта кўзларинг.

Ешимга хос бўлмаган
Сеэги кечди кўнглимдан.
Гилосларинг тўкилди
Челак чиқиб қўлингдан.

Гўё силкинди девор,
Сен ҳам сескандинг нохос.
Лабларингда қонади
Катта, қоп-кора гилос...

Бор-йўғи шу. Сўнг йиллар
Фироғида мунг ютдим.
У гилослар кесилди,
Мен ҳам сени унудим.

1988

ХАЗОНРЕЗ

Тўкилади, тўкилади
Ўқинчлар тўкилади.
Изтироблар, пушаймонлар,
Ўтинчлар тўкилади.

Кора атлас каби аста
Дарахтлардан сиргалар —

Гала-гала бўлиб ерга
Тўкилмоқда қарғалар.

Олтин барглар мисол тунлар
Чироқлар тўкилади.
Хазон бўлган фуссалару
Фироқлар тўкилади.

Тақдирлари уэра улкан
Күшлар янглиғ потирлаб,
Дафтарларга асрлардай
Тўкилади шоирлар.

Сенинг эса кўзингда ёш,
Видо айтиб барига,
Олов баргдай кечалари
Тўкиласан бағримга.

Тофу тошлар хавотирда,
Увлар ҳатто тулкилар.
Ой ҳам сариқ япроқ янглиғ
Кайларгадир тўкилар.

Тўкилади пушаймонлар,
Булоқлар кўэ юмади.
Бир тонг қалин қор ёғару
Ҳаммасини кўмади.

* * *

Яна Эшонкулнинг уйқуси қочди:
— Нега зирқирайди тағин бу юрак?
Бу ҳам етмагандай, чап биқинига
Тинмай игна санчади буйрак.

Эслар очиқ қолган оғилхонани,
Бадбаҳт эшик ҳаргиз түғри ёпилмади.
Умр ўтди лойгарчилик, шилтоқ билан,
Пайтава топилса, этик топилмади.

Үйлайди уқалаб суюкларини:
Касаллик аслида кўпга келган тўй.
Бу ҳам етмагандай, қўтонда тинмай
Иўталар ўпкаси шамоллаган қўй.

1988

ЧАГОНИЁН

Кумғон,
Кумғон,
Кумга тўлиб ётибди кумғон.
Асрлар соподдай сочилиб ётар,
Бунда кўринмайдир бир кўрғон.
Кўрғон,
Кўрғон,

Сиројкүдган Сайинг

Кумга тўлиб ётибди кўррон.
Сувдай

сингиб борар

саҳроға сатр:

«Борми менинг юртимни кўррон?..»

1988

КУШОН ШАҲЗОДАСИНИНГ БОШИ¹

Ўшанда ҳам, қаранг, бошлар бўлган экан,
Бир кўркам, жингалак соchlар бўлган экан.
Минг йиллар ўтса ҳам, қаранг, мисли тош,
Чиримайин бизга қадар етиб келмиш бош.

— Демак, тошдан бўлган экан-да бу бош,
Силлиқ қабоқлару кибор кўзу қоп.
Фам кўрмаган чехра бирам озода!
Нималарни ўйлаяпсан бутун, шахзода?

Фақат ўз бошингни асрабсан-да, а?
Аждодлар додини кимдан тилай ман?
Сенинг ёдинг қани? Хотиранг қани?
Бу қуруқ каллангни нима қиласай ман?

1988

¹ Даљварзинтеладан топилган. Эрамизнинг биринчи асли.

Чың айы

* * *

Ровийлар ривоят қилдилар.

Мозий құлкаларидай

Саҳролар сукутидан

Чиқиб келаверди толғин тевалар.

Ровийлар ривоят қилдилар.

Шахарлар шамлардай жимгина ўчди,

Давлатлар ўрнида қолди тепалар.

Еғийлар ёнғиндай, ёмғирдай

Түрт ёндан ёприлиб келавердилар.

Буюк салтанатлар топдилар завол,

Ровийлар ривоят қилаувердилар.

Тарихи, тақдири таланган Шаркни

Яна асрларким талаівердилар.

Миноралар уэра мунглуг ярим ой...

Ровийлар ривоят қилаувердилар.

Замонлар түзөндай ўтдилар,

Карвонлар келдилар, кетдилар.

Шоҳлар, жаҳонгирлар битдилар,

Қаро ерга кетди қанчалар черик,

Ривоятлар эса ҳали ҳам тирик.

1988

ФАСЛ

Шамоллар докадай майинлашганда,
 Холсизланиб қолганда сувлар,
 Кузги адиrlарнинг ўтларин ялаб,
 Қора ёнғинлардай кетар сурувлар.

1988

ПАЙМОНА

Ариқлар ичи хазон,
 Хазонга тўла обдуз.
 Сен унга тегма, мезон,
 Чолнинг юрагида куз.

Бир ҳадик бор шохларда:
 Ниманидир чукурлаб,
 Япроқлар каби ерга
 Тўкилади чумчуқлар.

Сунбуланинг сувидай
 Тиниб борар сезгиси.
 Чолнинг соқолларида
 Сўзлар хазонрезгиси.

Нафасини ичига
 Ютганича, шу кўйи

Утмишдай қораяди
Чолнинг қоронғи уйи.

Суралардай сүрига
Баргларини түкар тол.
Пиёладаги чойдай
Совуб бормоқдадир чол.

Сүңг бор дунёга бокиб,
Күнгли сал-пал бузилди.
Чошгоқ чоги мезондай
Сассиэгина уэилди.

Елкаларда булутдай
Элтиб күйдилар чоллар.
Бир уюм хазон қолди,
Жим супурди шамоллар.

1988

ЁРУҒ ДУНЁ. СОЯЛАР

Чинорлар қулады, одамлар, лекин
Ииллар сояларни йикмайды.
Тупроқ ҳовлимизда болалигимда
Колиб кеттан соям менинг ҳеч эсимдан чикмайды.
Олапар ўлмаган —
Сояси тирик!

Ховлимиэни қўриқлайди ҳануз кечалар.
Тунлар хотирамда унинг занжири
Ипак ип сингари сассиз ечилар.
Яна бир жуфт яшил толу ток бўлар эди,
Ховлимиэниң фаввораси кеча ва кундуз.
Кесилмишлар,
Лекин улар жизғанак ёдим
Саҳросига соя ташлаб турибди ҳануз.
Бедазорда шитирламай юрибди отам,
Ҳануэгача ўроғида ярқирайди шудринглар.
Илларим, сершовқин йилларим, келиб
Овоз чиқармасдан жим ўтирглар.
Ана у сўрида ҳануэга қадар
Бир соя ўлтирас — юзлардан ошган:
— Э, сен Ойбибининг неварасими,
Шоир бўламан, деб шаҳарга кочган?..
Яхши-ёмонларнинг исканжасида
Одамзод тақдири гоҳ сув, гоҳ тупрок.
Теграмга қарайман — нафаслар сийрак,
Одамлардан кўра соялар кўпроқ.
Қачонлардир шу фирузә осмон остида
Сочларингнинг соясида ўтирган эдим.
Энди соchlар, қўллар, қўзлар ўрнига
Соянг келаверар куйдириб этим.

Шамол — күйлагингнинг қўлкаси эрур,
 Хонтахта кафтида қалқиб ўчар шам.
 Биэлар учрашмаймиз энди ҳеч қачон,
 Сояларимиз сўёсиз учрашар.

1988

СОГИНЧ ТАХЛИЛИ

*Бироннинг согинчи ээзи кўл ёмон,
 Дўстим, бу фожеъ бир ўзимга аён.
 (Эски дафтардан).*

Биронни согинмай яшамоқ оғир,
 Согиниб яшамоқ ундан ҳам оғир.
 Бу ҳам етмагандай уч кундан буён
 Емғиру ёмғир.
 Согинч дийдираиди лойгарчиликда,
 «Чилп-чилп» товуш келар.
 Ииллар ўприлар.
 Даёлар тошади. Беланчаклардай
 Жим оқиб кетгайлар осма кўприклар.
 Тошлар шу согинчнинг ёшлари эрур,
 Согиниб-согиниб тошга айланган.
 Кўнглим тугуларин ечолмайман мен,
 Улар согинч билан бойланган.
 Мен қачон чалиндим ўзи бу дардга,

Бу соринч касалин юқтирудим қачон?
Кора булут янглиғ соғинч йилларки,
Рухимда муаллақ турибди ҳамон.
На тарқаб кеттайдир,
Ва на йиглайди.
Ойлар ўтган сайин у қуюқ, қуюқ.
Шул сабаб музлайман саратонларда,
Емғирлар остида кетгайман күйиб.
Соғинч айрилмайди мендан бир нафас.
Доим бирга борар меҳмонга, түйга.
Мени ўтиргани қўймайди соғинч,
Эзилиб кетяпман, кетдик дер, уйга.
Дунё пойафзалдай пойгакда қолар,
Ениқ қолдирман даҳлиэ чирогин.
Соғинч ўзгаларни кўкартиrsa гар,
Мени куйдиради охир бу соғинч.
Ўзимни силкитсам — барглар тўкилар,
Хазонимни кўргил, хазонрез боғим!
Умр ўтмоқдадир.
Лекин бир умр
Ўтмай сил қилади мени бу соғинч!
Сени соғинмасдан яшамоқ оғир,
Соғиниб яшамоқ ундан-да оғир.
Сени соғинаман ёнингда юриб,
Бу ҳам етмагандай — ёмғиру ёмғир.

Соринч пўстин янглир босар елкамдан,
 Бўйнимга шарф мисол ўраладир у.
 Кураб ташлаш мумкин ёқсан қорларни,
 Соринч — мангу қордир.
 Куралмайди у.

1988

ГУНГЛАР ТЎЙИДА

Менинг оқ атиргулим, чиқиб келгил үйингдан.
 (Ўша тўйда айтилган қўшиқдан.)

Хеч ким чақирмади мени.
 Мен ўзим келдим,
 Гувоҳ бўлмоқ учун тилсиз тақдирга.
 Келиннинг онаси — қартанг волида
 Суяниб ўтирас эди тандирга.

Бунда ҳамма тинмай гапирав эди.
 Ким иш буюрарди, лоф сотарди ким,
 Шакаргуфтор эди диёнбегилар,
 Келиннинг онаси ўтирасди жим.

Бунда ҳамма нарса чинқирав эди,
 Ўчоқлар, пичоқлар — чинқириқ.
 Чинқириб ётарди сўйилган қўйлар,
 Қозонлар қайнарди чатнаб, чинқириб.

Күёв турар эди айбдордай абгор,
Бийрон жўраларнинг куршовида гунг.
Унинг кўзларида чинқирав эди
Гўёлар тушуниб етмайдиган мунг.

Бу қандай қисматким, кўрмаса право
Мехо такалумин ёрига ёрнинг?
Торларинг юлинсин, бераҳм рубоб!
Тошибаир чилдирома, ёрилсин қорнинг!

Сўнгра чиқиб келди ул оқ атиргул,
Атиргулларигин ҳам билмай, эшиитмай,
Ҳеч кимга қарамай, энг аввал бир зум
Онасига боқди тўхтаб эшикда.

«Қизим!» деб бўйнига осилди ҳасрат,
Атиргул титради қўллари хино.
Сен бу оқ хаёлнинг тилсиз дардини
Англаб етармидинг, сўзфуруш дунё!

Ўша кун ҳофизлар хониш қилдилар,
Ширинзабон қизлар айтдилар тилак.
Булар термилибон ўлтирас эди,
Булар ўтирасди кўз билан тинглаб.

Булар ўтирасди кўз билан айтиб,
Қўллар билан сўйлаб сехрларини.
Мен эса дилимда дағн этар эдим
Севги ҳакидаги бор шеърларимни.

1988

Сүз иш

* * *

Арслон терисидай
Силлик адирлар.
Мен яна келдим,
Такир тақдирлар.

Охудай йўқолди
Оху зорларим.
Мен яна келдим,
Теракзорларим.

Мунгайган сўри,
Сўлғин қайрағоч,
Мен яна келдим,
Баргларингни соч.

Ҳали ҳам бормисан,
Чанг пешонаси,
Шалоги чиққан
Юк машинаси?

Кийшиқ дарвоза,
Чала чалдивор.
Ҳали ҳам бормисан,
Эй чархи даввор?..

1988

ҲИСОР ТОҒЛАРИДА

Чуқур-чуқур даралар тубсиз кўкка қараган,
Баланд-баланд чинорларнинг чуқур-чуқур томири
Чикиб ётар дарадан.

Ариқлардай чуқур-чуқур ботиб кетган сўқмоклар,
Ер қаъридан қайнаб чиқар юксакдаги булоқлар.

Тубсизликка ургай ўэни чўққиларнинг бургути,
Баланд-баланд қояларнинг кўп чуқурдир сукути.
Пастқамларда от-уловнинг излари чуқур-чуқур,
Мен келаман,

Софинчимнинг кўзлари чуқур-чуқур.

Чуқур-чуқур горларини ичига ютиб узоқ,

Чуқур-чуқур хўрсинади қадим, ибтидоий тоғ.

Хув олисда, баландликда жойлашган «ВОЧАХ»

деган

Кишлоқ номи «ВОҲ-ЧОҲ» бўлиб туюлар ногоҳ

менга.

1988

ХОВЛИ

Эрганак қийшайган, омонат.
Дунё ишларига гүёки ҳайрон.
Ероч чорпояда ёрочдай юзлар,
Ероч косаларда айланар айрон.
Дараахт айрисида занглаган ўроқ —
Занглаган сўроқ.
Сояда қассобнинг қўлида
Шифиллайди пичоқ тошқайроқ.
Юрак «шифф» этади,
Недир шариллар,
Кийшайиб кетади баттар эрганак.
Супургилар уч кун «дам олар»,
Кимдир кетиб қолар бундан эртага.
Тераклар титрайди,
Толлар титрайди,
Боғда бир ел кезар бесару сомон.
Сўйилган қўчқорнинг қўзида
Қотиб қолган абадий осмон.

1988

ВОЗНЕСЕНСКИЙ БИЛАН УЧРАШУВ

Фасллар умумлашди,
 Кайда ғам? Кайда севинч?
 Үн уч йил ўтиб кетди,
 Андрей Андреевич!

Радиони титгандай
 Роботлар мени титди.
 Андрей Андреевич,
 Үн уч йил ўтиб кетди.

Үн уч чинқириқ, үн уч
 Фарёд, үн уч самолёт.
 Туну кун гувлаб ёттан
 Аэропортдир хотирот.

Етмиш бешинчи йил. Киш.
 Тунлар узун, беохир.
 Шеърингизни тушунмок
 Сопроматдан ҳам оғир.

Менга у пайт керакди
 Озроқ пул, озроқ меҳр.
 Қарс этиб синди орзу,
 Тошдай қаттиқ эди шеър!

Сүз шүми

Паргорнинг¹ игнасидай
 Санчилди тилга сатр.
 Шеърият — курбонликдир,
 Шоирлик — мангу сабр.

Сизнинг «Аксилдунёлар»
 Дунёлар бўлди асил.
 Андрей Андреевич,
 Учиб кетди ўн уч йил!

Мана, Москва. Мени
Кучар мармар соҳиллар.
 Бир-бирига ўхшайди
 Сувлар, кўприклар, йиллар.

Ўн уч оқ тулпоримга
 Яна ташбеҳ излайман:
 Останкино минорини
 Ундов белгиси янглиғ
 Илларга кўйсам дейман!

1988

¹ Паргор (форс.) — циркуль

АЙРИЛИҚ

Бархаётман, демагил,
Дунёга келган кунинг
Илк бор чинкириб түккан
Ешиңгдадир айрилик.

Бир кун дарё сочларга
Дарё бўлиб етгунг бор.
Дарё ўтар, ўн саккиз
Ешиңгдадир айрилик.

Мажнундай кетолмайсан,
Бирор жонзот топилмас.
Охулари йўқ тогу
Тошиңгдадир айрилик.

Йигитликнинг шомида
Ногоҳ англаб қолурсан:
Ичган ҳар қултум сувинг,
Ошиңгдадир айрилик.

Шунинг учун бардам бўл,
Умринг — эҳсондир. Чунки
Азалдан осмон каби
Бошиңгдадир айрилик.

1988

СЕНИ ОЛИБ КЕТСАМ...

Сени олиб кетсам туманзорларга,
Туманзорлар ичра суманзорларга.
Етти газ тумандан чодир тиксам сүнг,
Сумандан бир ажиб сүри йиғсам сүнг,
Ойни қулогингта сирға айласам,
Хар неки айласам бирға айласам.
Күйлак тухфа қылсам харир еллардан,
Күзгулар ўрнатсам тоза күллардан.
Булоқлар сувини қазиб тош, довон,
Сенинг қадамингта айласам равон.
Бахмал шамоллардан пардалар қылсам,
Сүнг дилни тумордай бүйнингта илсам.
Юрап сүкморингта юлдузлар күйсам,
Тунлар сүйсам сени,
Кундузлар сүйсам.
Бир ҳәёт яратсам туну тумандан,
Овкатимиз бўлсин ишқу сумандан.

1988

* * *

Менсиз яшолмайди мана бу қалам,
Менсиз яшолмайди бу оптоқ дафтар.
Хар оқшом ва ё тонг келсам «пирр» этиб
Олдимга күнади мисоли кантар.

Гарчи ҳужралари кенг бўлмаса ҳам,
Гарчи йўлаклари бўлса ҳам энсиз.
Бу уй аза тутар мен бўлмасам гар,
Бу уй яшолмайди ҳеч қачон менсиз.

Дахлиздаги бир жуфт лоларанг ковуш
Менинг бошмоқларим кўрмаса бир кун,
Бир-бирин пинжига биқиниб олиб
Бурчакда билдиримай йиғлайди беун.

Бу азоб энг содик дўстимдир менинг,
Иллар йитса ҳамки асло йитмайди.
Кари, садоқатли кучук сингари
Мен билан биргадир, ҳаргиз кетмайди.

Диллар диёридин кувгин қуш янглиғ
Менга ўргангандир бу армон ёмон.
Мен унга қонимдан сув ичиргайман,
Кўзим гавҳаридан бергайдирман дон.

Бир кун бормасам гар ташвишга тушар,
Инлардан бағрида инграбон минг доғ,

Сүз ауди

Шомлар деразамга келиб дийдирар,
Менсиз яшолмайди ҳеч қачон бу бор.

Қайғу мен бўлмасам қайғу чекади,
Андуҳ тунлар менга аччиқ чой дамлар.
Мен бегам яшасам бўларди, лекин
Менсиз яшолмайди ҳеч қачон ғамлар.

1988

* * *

«Бу тоғлар қандай тоғлар,
Тоши бор, тепаси йўқ»¹.
Иил ўтиб келсам агар,
Бобомнинг капаси йўқ.
Атрофни ишғол қилмиш
Курилишлар қўшини.
Бобомнинг соқолидай
Тўзғиб ётар қуш ини.

1989

¹ Ҳалқ сатрлари

* * *

Иллар йирок кўлдай қоронғу тортди,
Чодирлар тикди шом теграмда яна.
Сизнинг орзу-ҳавас бўйродай йитди,
Сафарлар қариdi, қайтмадим, она.

Есуман савдолар бойлаб домига,
Кўнглим деворига солмиш рахналар.
Софинчдан гапирсам — ҳозир жонимда
Чинқириб қўзғолур минглаб дахмалар.

Үйлар дунёсида менинг бенишон
Йўқотмишларимга излайсия нишон.
Сизнинг хотирингиз сингилларимнинг
Паришон рўзгори янглиғ паришон.

Узилган пат янглиғ олис-олисдан
Келдию кўксимга инди бир кадар.
Ўкинчлар юртидан не муждалар бор,
Хавотирлар диёридан не хабар?

Фариб остонада калишларингиэ,
Лойдир тирикликнинг ичу сиртлари.
Бу кеч димогимга урилди қаттиқ
Куйган баҳорларнинг аччиқ ҳидлари.

1989

ХОТИРАЛАР КҮЛИ

Бунда бирор гиёх
Кимирамайди.
Тош отсанг күл суви
Жимирамайди.

Юлдуз порламайды,
Осмон акс этмас,
Нурлар балиқлардай
Сувда рақс этмас.

Вахимали эрур
Кўлнинг уйқуси.
Бунда чўкиб ётар
Ииллар куйқаси.

Факат тунлар чўккан
Ой янглиғ юзиб,
Гоҳ-ногоҳ кўринур
Бир олтин узук.

1989

ТАРИХИЙ ТАШБЕХ

Гумбазлар — дубулға,

Минорлар — найза.

Қайда қолмиш кечмиш шону дағдаға, зафар?

Үйқудадир интихосиз ҳарбу зарбларда

Сийраклашган лашкар каби қадимий шаҳар.

1989

* * *

«Худо паноҳига олсин», деб айтдик,

«Худо арасин», деб сүйладик ҳар гал.

Бизнинг сўёзимизни икки қилмас у,

Агар, биз Худони асролсак агар.

1989

* * *

Дараҳтлар гуллардан битгайлар шиор,

Қўллардай силкинар сойлар тўлқини.

Селлар намойишга чиқар,

У, баҳор!

Замину осмоннинг озодлик куни!

1989

ОМАДСИЗ ДЕҲҚОНБОЙ

Аслида исмида омад йўқ унинг:
«Бой»га бало борми «дехқон»дан кейин?
Олтмиш йил қўёшнинг остида яшаб,
Этик кийди — эски,
Эски-туски кийим.
Эшаги ҳам асли эскилик эрур.
Эски кетмон — эски меҳнат елкада,
Эски ташвиш — эски рўзгор эски каллада,
Эски ҳовли, эски дарвозадан чикиб,
Далага боради — эски далага.
Кун бўйи ишлайди,
Омад йўқ, дейди.
Бели зирқирайди,
«Йўқ, — дейди, — омад».
Дамариқ бўйила мудрайди эшак,
Қарайди. Уйлайди:
«Табиат номард!
Битта жониворни шунчалар хўрлаб,
Фақат меҳнат учун яратмоқ. Кейин,
Одамларга қийин ушбу дунёда,
Эшакларга ҳам қийин».
Уйлайди.
Айланар бу кўхна фалак,
Айланар кўхна Ер.

У-чи, ўйлайди.

Бир кун эски дардлар исканжасида

Эски шифтга боқиб ўлади.

Бу эски одамдан не қолди бизга?

Садо йўқ. Киш. Уйлар. Кора мўрилар.

Унинг эски уйи бузилиб кетди,

Эшагин еб кетди бўрилар.

1989

КЎЧГАН ҚИШЛОҚ

Сувлар синиқ бунда, осмонлар синиқ,

Устунлар синиқдир, айвонлар синиқ.

Бир дастаси синган шалоқ арава

Кийшайиб, дунёга анграйиб қолмиш.

Чехралар уйлардай бунда нам тортган,

Канчасига хаттот ғам қалам тортган.

Томлар тепасида қалтираган ой

Ёлғизин япроқдай сарғариб қолмиш.

Бир паноҳ истайди юпун шомларда,

Тераклар мисоли ўчган шамлардай.

Тандирлар, ўчоқлар,войишлар, толлар —

Барчаси бир бошдан зор, ғариб қолмиш.

Нега келдим бунга? Сездим дафъатан:
Эй менга дарёдай дил берган Ватан,
Чашмалар чашмини күммиш хазонлар,
Сўқмоқлар тўрт ёнга тарқалиб қолмиш.

Дарчалар мўлтирас хор савирлардай.
Ташландиқ чорбоғлар, ёнбагирларда,
Хеч кимга кераксиз, кимсасиз шамол
Менинг изларимни ахтариб қолмиш.

1990

БУ ОЙЛАР...

Бу ойлар кун сайин тўлгани тўлган,
Кўнглим кўйларида бўлгани бўлган.

Бу ойлар боримни елга совурди,
Еллар сайҳонимда елгани елган.

Бу ойлар ҳажрида соҳилларим зор,
Толлар хаёлларга толгани толган.

Бу ойлар қошимга келмагай ҳаргиз,
Ҳар турли аламлар келгани келган.

Бу ойлар қамишдай хор этди, мени
Бу дунё най қилиб чалгани чалган.

1990

СЕН

Мен тун бўлсам, сен бир маҳзун шам бўлдинг,
 Мен бир барғ, сен бир томчи шабнам бўлдинг.
 Мен бир тийра шом бўлдим, сен ой бўлдинг,
 Мен тоғ бўлдим, сен бир тошқин сой бўлдинг.

1990

* * *

Меён кетди, ақраб кетди, қавс кетди,
 Шафтолилар бергидан бир сас кетди.
 Бу сасдин дил деворига дарз кетди,
 Момом кетди, ҳовлисидан файз кетди.

Аявал кашнич, раҳонлари қуриди,
 Сўнг сув сепган айвонлари қуриди,
 Арилар ҳам бундан буткул ариди,
 Тут букчайди, бир кечада қариди.

Неварадар юрар эди ҳарбийда,
 Бири шарқда, бири дунё гарбида.
 Улар қайтди. Момом эса ҳозир ҳам
 Иеглаб ётган бўлса керак қабрида.

Шўрлик момом. Бир умр гирён бўлди,
 Гоҳи у ён, гоҳида бу ён бўлди:

Келинларни яраштира олмайин,
Бутун умр юрак-бағри қон бўлди.

Тоғаларим юрар қадлари сўрок,
Кўнгиллари ёришмас ёқса чироқ.
Кенжалари қиркқа етмай кексайган,
Уртанчаси тўнричидан қарироқ.

Фамга тўлдим ногоҳ нохуш тасвирдан,
Зах ҳидлари келиб қолди тандирдан.
Тўйхонага ўхшаган катта ҳовли
Кўз олдимда жимиidi қолди бирдан.

Энди бунда кечалари ой йиглар,
Пиёлада ичилмаган чой йиглар.
Япроқларни дув-дув тўккан шамолга
Қўшилишиб сўри, ҳовли-жой йиглар.

Энди сувда еру осмон лойланар,
Бошим узра ўгирибон ойналар,
Дарду ҳасрат ипларини йигириб
Дунё момом урчуғидай айланар.

1990

* * *

«Устимииздан ўтган ойлар»¹
Ярим эди, тулин эди.
Күнглим эди, күнглинг эди
Устимииздан ўтган ойлар.

Сувлар у пайт биллур эди,
Кетмасак ҳам бўлур эди.
Бир нарсани билур эди
Устимииздан ўтган ойлар.

Кийик кўэинг — сузукларинг.
Сирғаларинг, узукларинг,
Сенинг билакуузукларинг —
Устимииздан ўтган ойлар.

Кейин олам рангга тўлди,
Қанча қиёлар янга бўлди.
Тўйларингда танга бўлди
Устимииздан ўтган ойлар.

1990

¹ «Алпомиш»дан.

* * *

Бул кеча ҳарфларим ҳазиндан ҳазин,
Ун чексам унларим узундан узун.
Мен ҳеч не сўрмайин, ўзингдан ўзинг
Жудолик жадвалин тузиб бер менга.

Пайкони жонимда яйраган гулнинг,
Япрори танимда сарғайган гулнинг,
Умримни музтариб айлаган гулнинг,
Гулнинг сувратини чизиб бер менга.

Барча мушкулларим, осонларимни,
Шабнамдай сочилган осмонларимни,
Йўқотган энг тоза найсонларимни
Узун мижгонингта тизиб бер менга.

Дилда шунча йиллар бир гул ўстирдим,
Уни йўлга солиб, йўлдан оздирдим,
Сўнгра ўша гулни ўзим тўэдирдим,
Шу гулнинг қонини эзиб бер менга.

Сиймин юлдузларнинг жарангларида,
Дунёнинг видоли ялангларида,
Ойнинг ярқираган лаганларида
Қаро соchlарингни сузиб бер менга.

1990

* * *

Дунё надир? Ошиқларнинг ўтинчидир,
Ошиқлари бу дунёда ўтинчидир.
Тушлар ўчди, ҳушлар учди, кушлар кўчди,
Кўксимдаги дил ҳам букун кўчкинчидир.
Бир бор куйиб куйдим деманг, куйганларим,
Бу куйганим учинчи ё тўртингчидир.
Фаслларнинг видосини кўркинч деманг,
Кўркинч асли қалбсиз қолмоқ кўркинчидир.
Дунё ўтар. Йигитлик ҳам нозанинлар
Кўйлагининг шамолидай ўткинчидир.

1990

ТҮЙ

Букун Гулнинг болишлари кетмоқдадир,
Сурнайларнинг нолишлари кетмоқдадир.
Аравада йиглайди Гул, атрофида
Янгаларнинг койишлари кетмоқдадир.
Бунда қолар бобосининг чориклари,
Момосининг калишлари кетмоқдадир.
Ҳовли қолар, сув қолади, сувга боқиб
Хаёлларга толишлари кетмоқдадир.
Мўлтирайди ота уйнинг узумлари,
Букчайишибвойишлари кетмоқдадир.

Аравада — йиглайди Гул, билмайды Гул, —
Бир дунё дунё ишлари кетмоқдадир:
Оносининг үн саккисэйил куйишлари,
Отосининг ёнишлари кетмоқдадир.

1990

* * *

Кирлардан бир яшил түпlamлар ичдим,
Салсабил сойлардан күклямлар ичдим.
Бу ёруғ дунёни хўпlamлаб ичдим,
Ярми тўлқин, ярми сўлғин япрорим,
Хазонга қоришган баҳоринг менман.

Кўнгил мулкининг ҳам зулматлари бор,
Эй ой, қаролиқнинг тухматлари бор.
Ишқининг ҳам бир ажиб узлатлари бор.
Ярми ўчкин, ярми ёрқин чирорим,
Зулмат жаҳонида шароринг менман.

Этнини эпкинлар чок эттан эй гул,
Қўксини шабнамлар пок эттан эй гул,
Сахро юрагимни боғ эттан эй гул,
Ярми ел, ярми сел саргашта боғим,
Сенинг қаноату қароринг менман.

Эй дунё, жонимни қовурган дунё,
Боримни елларга совурган дунё,

Менинг инграётган қовурғам дунё,
Ярми сас, ярми хас бүлгай тупроғим,
Кипригингга құнған губоринг менман.

1990

СУВЧИ БОБОНАЗАР

Бобоназар, сувчи бўлиб не кўрдинг?
Ғўзабаргдай куйиб, сўлиб не кўрдинг?
Шаънингга қанча ёлғон достон кўрдинг —
Пахтазорни қачон сен бўстон кўрдинг?

Ўзгармади сира йиртиқ чопонинг,
Эиркирайди гоҳ ўнг, гоҳи чап ёнинг.
Пайкалларга сув тарадинг кечалар,
Ойни нону қўкни дастурхон кўрдинг.

Ухлаб қолдинг ўқариқлар бошида,
Бошинг кўйиб маломатлар тошига.
Супранг қокса чанги чиқмас. «Булар бой»,
«Ўри» деган қанчалар бўйтон кўрдинг.

Саратондир сенинг бор-йўқ кўйлагинг,
Кеч кузакда мўлжаллаган тўйларинг
Ўтказолмай қолдинг. Нени ўйладинг?
Ғўзапоя ва бўм-бўш ҳамён кўрдинг.

Мулкинг заҳар, дарёларинг қуриган,
Сут бергувчи тарғилинг ҳам қариган.
Умр шоми чўкмокдадир наридан,
Бу дунёни мавҳум бир чистон кўрдинг.

Эсмокдадир яна кўклам еллари,
Кўринмоқда майсаларнинг тиллари.
Тушларингга кетмон кирди қиши бўйи,
Ўнгингда ҳам уйғониб кетмон кўрдинг.

1990

КЕТМОНЧИ ҚИЗЛАРГА

Ўйласам ўйларим кўксимда куйган,
Сўйласам сўзларим бўғзимда куйган.
Барглардай сўлгину шамлардай оғзин,
Қовжираб далаю тузиимда куйган.
Ойлар титроғидан тушган япроқлар,
Юлдузлар боғидан кўчган япроқлар,
Нурсиз пайкалларда шулья ёзмайин,
Тупроққа қоришиб ўчган япроқлар.
Ҳуснин чечакларин чаноқлар юлган,
Сочларин гардида насимлар ўлган,
Сизнинг таровату гул юзингиэни
Қуёшлар тушликка тановул қиласан.

Үйласам үйларим кўксимда куйган,
Сўйласам сўзларим бўғзимда куйган,
Барглардай сўлгину шамлардай озин,
Ковжираб далаю тузимда куйган.

Балорат чоғида балорат кўрмай,
Ўн бешдан у ёғи ҳаловат кўрмай,
Заъфарон раёндай забун ўтдингиз,
Давру давронлардан садоқат кўрмай.
Сабоҳдан саҳроға айланганларим,
Сарғайган сарвларим, гул, савсанларим,
Серташвиш турмушнинг қучоқларидан
Далалар бағрига тайланганларим.
Үйласам үйларим кўксимда куйган,
Сўйласам сўзларим бўғзимда куйган.
Барглардай сўлгину шамлардай озин,
Ковжираб далаю тузимда куйган.

Тун-кун кўксим ичра ёнгину ёнгин,
Ииллардан сўрайдир йиллар сўроғин.
Шомларга шимилган тупроқ йўллардан
Толларим келгайлар толғин ва толғин.
Дийдам дийдираттан дийдорларингиз.
Сўнди малоҳату дилдорлигингиз.
Тунлар пайкалларда ҳорғин юэган ой
Сизнинг зору маҳзун ёдгорлигингиз.

Сүз айм

Үйласам үйларим кўксимда қуйган,
Сўйласам сўэларим бўғзимда қуйган.
Барглардай сўлғину шамлардай озгин,
Ковжираб далаю тузимда қуйган,
Сонсиз эгатларга тизилганларим,
Кисмати кетмон-ла ёзилганларим.

1990

* * *

Тийрамоҳ төғ ила тошимга тушган,
Төғ ила тошимдан қошимга тушган,
Шом чоғи бир хазон ошимга тушган.
Соҳилларда йиғлар қаро тошларим,
Тошлар қаролиги бошимга тушган.

Жарлар сийнасидан сизган изтироб,
Лойшувоқ томларда юзган изтироб.
Кўнгил — ёмғирларда қолган устурлоб,¹
Сийрак чорборларни ишғол айлабон
Сариқ лашкар ётар қуюқ, уюшган.

Мен сени унутдим, дунё ҳийласи,
Макру адовать, кину кийнаси.
Бобомнинг қийшайиб қолган чайласи,

¹ Күёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган асбоб, астрология.

Похолин ёпиниб яланғоч кирда,
Хұл шамоллар ичра кулаб, кунушган.

Хазин туюладир бор юмушларим,
Япроқдай учгайлар бошдан хушларим,
Сиз қайда қолдингиз, гүзәл тушларим?
Күксимга ин курган хушхон қушларим
Күчган, күчган, барчаси күчган.

1990

КҮКСИМДАГИ ЗАНГОРЛАРИМ

(Хаэрат Яссавийдан бир сатыр)

Тонглар кетди, кунларимдан тонглар кетди,
Кетган тонглар йилларимни онлар этди.
Бир жонимни севгим юз минг жонлар этди,
Күнглим, сенинг давлатингдан шонлар кетди.
Бу муттасил мемнатларим битармукин,
«Күксумдаги зангорларим кетармукин?»

Күзёшимдан майса бўлган бўйроларим,
Шомларимда жимирилаган Зухооларим,
Кезган ерлар, адирларим, сахрооларим,
Эшигимга чайқалибон дайроларим
Келса, бул ҳам фиғонимга етармукин,
Күксумдаги зангорларим кетармукин?

Сўйкансанг гар юэ йил кўзу қошинг билан,
Уринсанг, ёр, юэ йил қўлда тошинг билан,
Сўнгра силаб мижгонларинг, сочинг билан,
Яна юэ йил ювиб ўтсанг ёшинг билан,
Тадбирларинг дардимга кор этармукин,
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Уч минг йиллик чинор яна куртаклади,
Эрта-индин яшил куйга буркалади,
Охуларим — төвларимнинг хуркаклари
Кечалари таним ҳидлаб суркалади,
Уларнинг ҳам дунёлари хатармукин,
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

Бу дунёда ёр изладим дилга лойик,
Бу дил энди елга лойик, селга лойик.
Нур тараттан соchlарини ёйиб-ёйиб,
Бошим узра йиглаб турса минг малойик,
Аламларим булутлардай ўтармукин,
Кўксумдаги зангорларим кетармукин?

1990

МАСЛАК

«Мани сўрма мандан, манда эмасман»,¹
Фақо тўнидаман, жанда эмасман.
Кўнгил дарсидаман рух оламида,
Ки сен кўриб турган танда эмасман.

1990

БИР ТУРЛАНГУВЧИ ГУЛ

Бу қандай гул?² Бу қандай гул?
Гахи кор, гоҳи қондай гул.
Мен унга барқларим² айтсан,
У менга баргларин бергай.

Қадди ҳам бўйни зарҳал гул,
Яқоси, қўйни зарҳал гул.
Мен унга зорларим айтсан,
У менга зарларин бергай.

Қабоги узра нурлар бор,
Қабоси ичра дурлар бор.
Анга ашкимдин арз айтсан,
Манга шабнамларин бергай.

¹ Юнус Эмро

² Барқ (араб.) — чајмодж, яшин.

Паришон холу борымдан,
Күйиб кеттан димоғимдан,
Десам дилда ямоғимдан,
У менга барларин бергай.

Жудолик исли эпкинлар
Буқун борымда әркінлар.
Мен унга дөғларим айтсам,
Менга анбарларин бергай.

Тун ичра чирма ёлқин гул,
Гахи тинч, гоҳи тошқин гул.
Мен унга дардларим айтсам,
У менга лабларин бергай.

1990

БУ МУХАББАТ БОҒИДА

* * *

Не ситамлар, эй санам, қаттол қўлингдан келдилар,
Соч, дедим мен, тайладинг — соchlар белингдан
келдилар.

Келган эрса не балою не жафолар бошима,
Ўз тилим эрмас, сенинг шаккар тилингдан келдилар.

* * *

Бу мухаббат боғида япроқ бўлибмиз иккимиз,
Хуш насимлардин ажиб титроқ бўлибмиз иккимиз.
Бунда гулдин гул гўзал, гул бўйни гул бўйниндадир,
Кўлни қўлга бойлабон сиртмоқ бўлибмиз иккимиз.

* * *

Қайда гул бўлса анинг ўз гулшани, ўз боғи бор,
Қайда боғ бўлса анинг ўз булбули, ўз зори бор.
Қайда бир булбулки бор, бағри анинг қондир мудом,
Қайда бир зор бўлса, кўргилким анинг бироғи бор.

* * *

Кўзларинг янглиғ бу олам ичра чистон топмадим,
Юзларинг янглиғ бирор шамъи шабистон топмадим.
Иўқ эрур ёруғ жаҳонда соchlаринг янглиғ шамол,
Ҳам сенинг қўйнинг каби дунёда бўстон топмадим.

* * *

Қаро зулфинг қаро қилди кунимни тунларимдан ҳам,
Куюк кўнгил иси келгай туним ҳам кунларимдан ҳам.
Фалак тоши агар йиллар ун этса устихонимни,
Сенинг исминг садо бергай уним ҳам, унларимдан ҳам.

* * *

Менинг афтода холимни сенинг тавсанлиғинг
айтсин,
Менинг ҳузну хазонимни сенинг гулшанлиғинг
айтсин.
Биёбонларда Қайслар ҳам бу янглир күймаган әрди,
Менинг кул бўлганимни, лоларух, гулханлиғинг
айтсин.

* * *

Мен демасман бағри куйған, дөф бўл,
Не буюрса матлабинг, андок бўл.
Ер бўлиб мен, кимсалар том қилсалар,
Сен шу томга лолакизғалдоқ бўл.

1990—1994

САМАРҚАНДЛИК КИЙИГИМ

Самарқандда ҳушим қолди,
Мискин кўнгил қушим қолди.
Ахволимни сўйламаган
На элим, на хешим қолди.

Энди қайга олиб борай
Бу юрагим — куюгимни?

Адо бўлдим ўйлайвериб
Самарқандлик кийигимни.

Бу қандайин умид дерлар,
Юзинг бўлди шувит дерлар.
Оҳ мен қандай унутайин?
Улар тинмай унут дерлар.

Айтурларки самарқандлик
Ўшал тили асал, қандлик
Ёринг сенга ёр бўлмади,
Сенинг учун хор бўлмади.

Ёр бўлганда — кокилларин
Тарап эди сингилларинг.
Шу кокиллар аро ўйнаб
Юрар эди кўнгилларинг.

Самарқандда ҳушим қолди,
Мискин кўнгил қушим қолди.
Ахволимни сўйламаган
На элим, на хешим қолди.

Улар мени тергайверар,
Тинмай ўтит бергайверар.
Менинг эса хаёлларим
Самарқандга кетгайверар.

Сүз ауаш

Билмасларки минорлари,
Чироқлари, чинорлари
Аросида хушим қолган,
Үнг келмаган тушим қолган.

Фирғида кўп ғамим бор,
Армон деган тўпламим бор.
Ийлар хазон бўлди, лекин
Бунда менинг кўкламим бор.

Самарқандда хушим қолди,
Мискин кўнгил қушим қолди.
Ахволимни сўйламаган
На элим, на хешим қолди.

Энди қайга олиб борай
Бу юрагим — куюгимни?
Адо бўлдим ўйлайвериб
Самарқандлик кийигимни.

1980. 1991

СҮРОҚ

Хуррият таъмини ҳеч тотганмидинг?
 Шунча йиллар қанд сўриб ётганмидинг?
 Қодирий, Ҷўлпону Фитрат кўзларин
 Дил аро бир бора уйғотганмидинг?
 Лолазор ўлди аларнинг қонлари,
 Сен бу янглиғ лолазор ўтганмидинг?
 Юзларингда на алам бордир, на ёш,
 Еки сен ҳам қўшилиб сотганмидинг?
 Шунчалар аччиқ бу ширин Хуррият,
 Сен анинг таъмини ҳечtotганмидинг?

1991

ИЛИНЖ

Юртим, менга зар керакмас зарларингдан,
 Киприкларим ўпсалар бас гардларингдан.
 Мен бир насим бўлиб келдим, мен бир насим,
 Айтиб ўтсам дейман кўхна дардларингдан.
 Алмашдилар сени ному рутбаларга,
 Мунглур бўлиб қолдинг ботиб шубҳаларга.
 Ҳилолларинг қайтар яна қуббаларга,
 Мозийларга сўйлаб-сўйлаб зорларингдан.

Сүз шыны

Менга қадим минорлардан бир сас етар,
Шул сас менинг күнглим охир серфайз этар.
Менга дунё керак әрмас, бир хас етар
Яссавийлар ёттан азиз ерларингдан.

Оқсаройга қай кунки юз бургандим мен,
Сүнмас шону шавкатинг деб тургандим мен.
Шеър айтишни сал-палгина үргандим мен
Чинорларда йиғлаб ёттан баргларингдан.

Бу дунёда күнгилларга чироғ ёксам,
Мозорларинг сукутидан сабоқ олсам,
Тиниккина булоқ бўлиб оқиб қолсам
Оллоёрлар назар қилган жарларингдан.

1991

БАХОР

Илдиzlарда шивирлаган сен эдинг,
Тупроқ кўпчиб, ғимирлаган сен эдинг,
Бир кечада ўзгарди руҳ ангори,
Дардим яшил, ҳасратларим зангари.

Ҳаётимдан ечдинг ғам печагин сан,
Адашгайдир ким айтур кечагимсан.
Бахор, ҳарсангтош остидан, уни суриб,
Озодликка чиқиб олган чечагимсан.

Түрт ой мендан қаролик устун бўлди,
Мен тўкилдим, дафтарларим тун бўлди.
На хушдирки, қайтадан насибимсан,
Равоч ҳидин келтирган насимимсан.

Барг ёзмоқчи бўлган янглиғ томирлар
Жимиirlар, тан оғочида жимиirlар.
Сен гулёрим, гулнорим, гуландомим,
Кечалари шитирлар қаламдоним.

Яшил ховуч бўлиб чиқди исмалоқ,
Қалдирғоч ҳам келди сал-пал ээмароқ.
Ҳар бир кўлка яқин киру этакда
Қўзичоққа айланади эртага.

Сен тоғларим қайраган чақинимсан,
Дўмбираси гулдурак оқинимсан.
Айтишларинг бу оламга ёқади,
Еру осмон сел бўлади, оқади.

Куйга тўлиб кетди тошу деворлар,
Сўлғин-сўлғин соғаяди беморлар.
Фақат бир барг, чириган бир барг фақат
Айлар менга мунглуғгина насиҳат.

1991

СЕВГИ

(саволга жавоб)

Севги менинг кечмишимдир бутунимдир,
Оловимдир, кулимдир ҳам кукунимдир.
Бу йўлларда охир бир кун тўкилгумдир,
Севги менинг кўнглимдаги тутунимдир.

Бу тутунни ечолмадим, ечолмадим,
Сиз ўйлаган дарёлардан кечолмадим.
Севги менинг эриб кетган қорим экан,
Сўнг бойчечак бўлиб унган зорим экан.

Якка-ёлғиз қолиб кетди мажнунтолим,
Мажнунтолим, хабар олгил, қийин ҳолим.
Севги менинг шовуллаган терагимдир,
Юлдуз куйган, ой йиғлаган курагимдир.

Кумга сингиб кетган тиниқ жилғам менинг,
Кумда лола унса агар илғанг мени.
Севги менинг найсон ювган кўйлагимдир,
Ўлгунимча ўйлагумдир, ўйлагумдир.

Қуёш кўрпа қавиб қўйган боғимдир у,
Кўксимдаги доғимдир у, доғимдир у.
Севги менинг мунисгина чироғимдир,
Дилга яқин, лекин кўздан йироғимдир.

Канийди ўз қадамимни пухта қўйсам,
 Бир хол бирлан бу савдога нукта қўйсам.
 Севги менинг ҳеч тутанмас азобимдир,
 Гувоҳимдир, гуноҳимдир, савобимдир.

Бутун умр шундай ўтар кўнгилларим,
 Эй сиз менинг гулгун ука-сингилларим,
 Севги тиниқ кулгунгизэдир, сақланг уни,
 Сизнинг гўзал мулкингизэдир, асранг уни.

1991

* * *

Эй паривашлар, димоғдор келдингиз,
 Бунча ғаддор, бунча дилдор келдингиз.
 Бунда нозик тортадир жон риштаси,
 Сиз даги кокиллари дор келдингиз.

Ишқ ўтидин беомонлиғ бундадир,
 Сарғаришлар ҳам ҳазонлиғ бундадир,
 Қанчалар ранги сомонлиғ бундадир,
 Сиз эса рангин ва гулдор келдингиз.

Жон баэм айлар ҳазин шамлар билан,
 Сиз келурсиз ғам узра ғамлар билан.
 Тўлди дил яфроғи шабнамлар билан,
 Сиз қачон бундин хабардор келдингиз?

Сүз шаш

Жисм аро пайдодурур ўтлуг алам,
 Кўлга олсам, буткул ўт олгай қалам.
 Эй балою ғам, эй ранжу ситам,
 Шул йигит ёшимда бекор келдинги.

1991

* * *

Қайсиdir зулфни макон этмоқчи дил,
 Мени зору нотавон этмоқчи дил.
 Бир умр қўлдин чиқиб кетмоқчи дил,
 Сиз бу дилни ушбу йўлдан айнитинг.

Руҳ айёмидадир ёшлиғларим,
 Ҳеч ярашмайдир бу бебошлиғларим,
 Бошим уэра, эй қаламқошлиғларим,
 Сиз қошингиздан қиличлар ўйнатинг.

Не қаро кунлар келибдир мохима.
 Қўюбон кумғонлар ўтлуг охима,
 Ғамларимдин сўйлашиб, атрофима
 Ўлтуруб, кўксумда чойлар қайнатинг.

1991

ПЕШОНА ХУСУСИДА

Бу дунёда бир китоб бор, ўқий олмайман,
Унга дилга яқын якун түқий олмайман.
Менинг умрий ёзмишларим унда жамланган,
Фаслларим бир варакта мужассамланган.

Қанча хорлиғ күргум бордир, қанча зорлиғлар,
Қанча ғурбат, айрилиқлар, қанча ёрлиғлар,
Бари шунда битилгандир яхлит сарбасар,
Шулдир асли дунёда энг мухтасар асар.

Унга сабру бардош бермоқ хўб амал эрур,
Чунки у ҳар жихатдан ҳам мукаммал эрур.
Хато бўлмас унда асло, бўлмас камчилик,
Ўзгармайди ўзгартирмоқ бўлсанг қанчалик.

Гоҳи нурсиз, гоҳи порлоқ, рахшонам менинг,
Кийин китоб, оғир китоб пешонам менинг.
Дўстим, сенга пешонамас, кошона берди,
Менга эса, шундай мушқул пешона берди.

Туғилмасдан мен шундайин хатларга тушдим,
Илоҳ ўзи амр этган ўтларга тушдим.
Эй ёр, надир бу дунёда ному нишонлар?
Мен билан сен айрилганмиз аллақачонлар.

Бу китобни мен ҳеч кимга бера олмайман,
Пешонамни тошга уриб ёра олмайман.
Унда неки ёзилмишdir — бари муқаррар,
Таҳир кила олмас уни бирор мухаррир.

1991

**РЎЭИ ЧОРИЕВ.
«ҚУМҚЎРҒОН ОЛМАЛАРИ»**

Қумқўрғоннинг олмалари тилсим экан,
Оқинми ё қизилини олсаммикан?
Ва лекин у олмасини олдирмайди,
Бировларга зор қилдириб қолдирмайди.

Кўзни олиб жилвалари таралгандир,
Ярми ою, ярми кундан яралгандир.
Бу дунёда меҳро қолган бўлса агар
Шунда қолган, улар шундан яралгандир.

Бу олмалар боғин барбод келтиргмаган,
Ўз номига ҳеч вакт иснод келтиргмаган.
Мен шундайин бир олмага етолмадим,
Кўнгил боғин ҳаргиз обод этолмадим.

Ҳар бирининг ўз нақши, ўз ранг-туси бор,
Булғанмаган тиниқ кўнгил кўзгуси бор.
Деворлари пастаккина бўлса ҳамки,
Бировларга эгилмайди — номуси бор.

1991

* * *

Күёш янглиғ төгларингга ботолмайман,
Манглай хатин мен янгитдан битолмайман.
Сен қандайин хуркак оху экандирсан,
Төглар ошиб сени асло тутолмайман.

Борингни ҳам дунёси йўқ этгувчиdir,
Гул сўрасанг, кўлингта хор тутгувчиdir.
Бу дунёда ҳар неки бор, ўтгувчиdir,
Етолмайман, гардингга ҳам етолмайман.

Менга сенинг кулгуларинг сир бўлдилар,
Кирқ фитнакор кокилларинг бир бўлдилар,
Ерлар осмон, осмонлари ер бўлдилар,
Отай десам, ойни ойга отолмайман.

Тақдир деган на боғ ва на сахро экан,
На ойдин йўл ва на тўзган бўйро экан.
Үртамиизда Оллоҳ соглан дарё экан,
Бу дарёдан юрак тутиб ўтолмайман.

1991

* * *

Кошларинг қаросида
Билмам, не фасод бўлган.
Сочларинг бозорида
Бозорим касод бўлган.
Кўнгил ютолмаганин
Энди кўзлар ютади,
Сал қаттиқроқ қарасам
Холинг куйиб кетади.

1991

* * *

Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам,
Дийдорига тўймайин ҳам.
Киприкларидин игналар
Айланг, куюнчак янгалар.
Тола сочин ип айлабон
Кўзларимни тикиб қўйинг.

Ҳижрон йўлин тутсам агар,
Кўнгилдан ҳам кетсам агар,
Армонида бўлсам адo,
Фурқат каби қилсам видо —
Холларини дон айлабон
Мозоримга экиб қўйинг.

1991

* * *

Кўксимда кўп йиллар бир олов ёнар,
Юз-хотир қилмайин беаёв ёнар.
Ханжарин кўксимга отса ошнолар,
Ханжар омон қолар, қуни куйгайдир.

Сўнги қўринмайдир аламнинг, ўйнинг,
Билмасман, охири борми бу куйнинг.
Умидим кўксимда тиклаган уйнинг
Карсилаб бўйи ҳам эни куйгайдир.

Шафқатсиэ бу ўтга бормикин зорлар?
Теграмда юрганлар — ҳаммаси хорлар.
Ёмғирли кунларда ун чекса ёрлар,
Ёмғирлари бирлан уни куйгайдир.

Ўтгайман шу тахлит аён, ноаён,
Жисм ичра намоён, жисм ичра ниҳон,
Ўткинчи бир қушча келиб ногаҳон
Кўксимга ин қурса — ини куйгайдир.

1991

* * *

Кичик қалбим кенг жаҳонга сирмайди,
Кечалари эирқирайди, сиктайди.
Ҳеч ким дардим ҳосилини йигмайди,
Ишким боғи хомуш-хомуш йиглайди.

Бунча мунглуг бу дунёning сойлари,
Сойларида йиглаб борар ойлари,
Сарғаймишdir кўнглим қолган жойлари,
Юлдузлари — кумуш-кумуш, йиглайди.

Йўқотганим оқ тулпорми, кўк тулпор?
Мен билмайман, нима бўлди сўнг тулпор?
Дилларимда йиглаб ўтар ўн тулпор,
Белларимда ўн Алпомиш йиглайди.

Дунёсидан умидларим шулмиди?
Дил берганим тиконми ё гулмиди?
Ёнганимнинг натижаси кулмиди?
Бегона кул менга таниш йиглайди.

Бошни энди балоларга шай қилсан,
Ўз ғамимни ўз танимга май қилсан,
Сахроларнинг қамишини най қилсан,
Оҳлар урсам, ойлаб қамиш йиглайди.

КҮЗ ТЕГИШИ

Дүстим, сенинг юэларингга юз тегди —
Тушингга ҳам кирмаган бир қиз тегди.
Сенга қанча ширин-шакар сүэ тегди,
Менга эса, менга фақат күз тегди.

Күз тегдию хазон бўлди гулзорим,
Жардин учди чақиндай зўр тулпорим.
Бир кўз аввал жигаримни куйдирди,
Сўнгра олтин эгаримни куйдирди.

Менда ҳам бир дил бор эди айтарлик,
Кўз тегдию пайдо бўлди бир жарлик.
Ёшликдаги кўэларим ҳам туш энди,
Ин қурмишдир бир жуфт мискин қуш энди.

Осмондаги оймидир ё туморми?
Кимдир мени кўэларига кўмарми?
Сенга зарбоф тўну менга бўз тегди,
Мени қўйгил, дўстим, менга кўз тегди.

Бофим бору vale йўқдир самарим,
Сўлғинлашиб бородур гул, қамарим.
Кўнглим совуб қолди, унга муз теккан,
Кўксимдаги оловимга кўз теккан.

Ахволима ёлғиз онам йиглайди,
Фарид умрим, бўм-бўш хонам йиглайди,

Кўркам, зангор кўкламимга куз теккан,
Гуркираган дарахтимга кўз теккан.

Бунча мунглур бўлиб қолди жаҳоним,
Ўқим кетган, қўлда қолмиш камоним.
Тиконлардай мадда бойлаб, йиринглаб,
Вужудимда зиркирайди киприклар.

1991

АЛАМЛИ ДУНЁДА

Кўлларим шохлардай зор қолган кунлар,
Дил кетиб, валекин ор қолган кунлар.
Узун мижгонларда қор қолган кунлар
Сен кетдинг, музлади ўнг ила сўлим,
Аlamli dunёda alamli gulim.

Сувларда садосиз синдилар ойлар,
Афсундай жим, сокин оқдилар сойлар.
Тугунларин очиб йиллар ва ойлар
Үтдилар, сен ҳамон тили тутуним,
Аlamli dunёda alamli gulim.

Сендин сўнг кўнглимни беомон янчиб,
Не сулувлар ўтди ўэича ранжиб,
Баланд пошналарин кўксимга санчиб,
Бевакт сўлдирдилар сехру жунуним,
Аlamli dunёda alamli gulim.

Мунгайиб қолдилар умид боғлари,
Мангу зирқирайди бағир доғлари,
Боғларнинг дудлари ҳамда зөвлари
Менинг фифонимдир ҳам менинг кулим,
Аламли дунёда аламли гулим.

Бу ҳолим кўрганлар тақдир, дейдилар.
Тақдир азал-азал ҳақдир, дейдилар.
Чин қалблар ҳамиша тоқдир, дейдилар.
Қандай санъатдир бу, қандайин илм?
Аламли дунёда аламли гулим.

Сенга хотиралар мунглар келтириб,
Менга тириклиқдан айтиб, билдириб,
Куйган кўкламларим ўрнин тўлдириб,
Кўксимда яшайди энг гўзал ўлим,
Аламли дунёда аламли гулим.

1991

* * *

Тахир бўлди мухаббатим мевалари,
Ғубор ичра қолди яшил тепалари.
Қаёнларга тарқаб кетди тевалари?
Сарсондирман тополмайин карвонимни.

Дунё ҳазин, дунё ҳазин кўзларима,
Одамлари ҳайрон ғамгин сўзларима.

Боқиб алам из қолдирған юзларима,
Хеч ким билмас дардимни хам дармонимни.

Шудринг эмас, тун ичра күнгил йиғлаган,
Бир тун эмас, бу күнгил минг йил йиғлаган.
Сингилларим сўйлашиб сел-сел йиғлаган,
Исми надир, билмайдирман, армонимни.

Уни гулу савсанлардан тиклагандим,
Хаёллари равшанлардан тиклагандим.
Ярқираган оҳанглардан тиклагандим,
Мунг босдику чараклаган қўрғонимни.

Жимиirlайди кўкда кузак юлдузлари,
Эирқирайди кўксимда ишқ илдизлари.
Нола қилсам кечалари, кундузлари,
Кайдин топгум кетган давру давронимни?

Ё раб, нечун бағрим бунча тилкаладим?
Лолазорга айландику елкаларим.
Елкаларим уэра бўйлар укаларим,
Аларга бер мен бой берган имконимни.

1991

ТҮЙ ОҚШОМИДА

Дунё ҳазин, «Ер-ёр» айттил,
Эй күэлари қурагай.

«Ер-ёр» ингдан ўлган эдим,
«Ер-ёр» ингдан тирилай.

Каро тунда оқ гулмиди
Келинчакнинг либоси.
Армон бўлган бир мулкими
Унинг нозу ибоси.

Кўэларингдан дур сачрагай,
Лабларингдан чечаклар.
Аста-аста ечилгайдир
Кўнгилдан зарпекаклар.

Дунё ҳазин, «Ер-ёр» айттил,
Эй күэлари қурагай.
Мен бор дарду соғинчимни
Қайта бошдан саралай.

Ўтган ою йилларимни
Мен бир туш деб билгайман.
Бўйнингдаги холингни бер,
Дилга нукта қилгайман.

Кўйлагингдан кўрингандай
Кўнглингдаги гулзоринг.

Менинг севгим қолмас, лекин
Колгай сенинг «Ёр-ёр»инг.

Тун қўйнида юлдузларга
Таралмоқда дил зоринг.
Менинг шеърим қолмас, лекин
Колгай сенинг «Ёр-ёр»инг.

Дунё ҳазин, «Ёр-ёр» айттил,
Эй кўзлари қуралай.
«Ёр-ёр»ингдан ўлган эдим,
«Ёр-ёр»ингдан тирилай.

1991

ВАТАННИ ЎРГАНИШ

Б.С.

Мен Ватанни на китоб, на
Жаридадан ўрганганман.
Момоларнинг юзидағи
Харитадан ўрганганман.

Боболарнинг таёрию
Чоригини кўргандайман,
Мен Ватанни сўрилардан,
Сўқмоқлардан ўрганганман.

Кинолармас, бул Ватанни
Минорлардан ўргандим мен.
Оқ латталар хилпираган
Чинорлардан ўргандим мен.

Хонақоҳлар. Офтобалар.
Кетавердим. Кетавердим.
Ҳар тоғида бир авлиё,
Шул ҳикматга етавердим.

Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.
Надир манга дурри Адан?
Селинг мени сел этгуси,
Элинг мени эл этгуси.

Бу тепалар, кумтепалар
Остидаги тарих қадар,
Сукунатинг кўрганда мен,
Сукунатни ўргандим мен.

Оқшом яримойинг кўриб,
Кафтларим юэга суртаман.
Бир жисму жон юз минг руҳдаман,
Ватан. Ватан. Ватан.

Богинг кўриб мен бор бўлдим,
Доғинг кўриб ўртандим мен.
Сени Афғон элдан келган
Тобутлардан ўргандим мен.

Пушталарда қолиб кетган
Күнглим экандирсан, Ватан.
Елгиз онам, паришонхол
Синглим экандирсан, Ватан.

Мен кўксимда қумдай ёнган
Елларга видо айтаман.
Емириларингда кетаман,
Ватан. Ватан. Ватан.

Қанча дардга мақбар дилим,
Тун кечалар қақрар дилим.
Енгин бўлур жон ила тан,
Ватан. Ватан. Ватан.

Томирларим томир ёйиб,
Томирларингга қайтаман.
Такрор ва такрор айтаман:
Ватан. Ватан. Ватан.

Юрагимнингдир дарслари
Гўри Амир гумбазлари.
Кўксим тўла ор — айтаман,
Ватан. Ватан. Ватан.

Хар кун кўриб, билиб сенга
Қайта-қайта етавергум,
Ватан, мангу достон Ватан,
Айта-айта кетавергум.

1991, 2007

ДАШНОБОД АНОРИГА

Сехосиз сохиллардан,
Мехосиз манзиллардан
Үтиб келдим, сен мени
Унутдингми, анорим?

Бағри доим қонгинам,
Мискин, паришонгинам,
Анор бўлиб сен факат
Мунг ютдингми, анорим?

Тун саҳарга айланур,
Сўнг заҳарга айланур.
Мен ютар оғуларни
Сен ютдингми, анорим?

Сенинг гулларинг маъюс,
Балки ўйларинг маъюс?
Менинг эса ҳазонга
Тўлмиш ҳамма қанорим.

Не умр бўлди умр?
Ою йилларим кўмир.
Энди сўник дунёда
Мушкул эрур ёнорим.

Сен шундайин хомуш қол,
Мисли кўрилган туш қол.
Гуллагайдир менинг ҳам
Бир кун сабру қарорим.

Сўз деб бағримни тилсам —
Дона-дона нор бўлгай.
Дилим шохингга илсам
Бир гўзал анор бўлгай.

1991

* * *

Ой нурлари ёйилади сайҳонларга,
Томлар оша ўтар сўнгра айвонларга.
Айвонларда ниҳолдайин келинчаклар
Нечун маъюс тикилади осмонларга?

Бу айвонлар кўэ олдимдан кетмай қолди,
Ойлар, йиллар тўхтаб, гўё ўтмай қолди.
Қўнгил, сенинг гўзал доғинг битмай қолди,
Нечун бунча дўст бўлдинг сен армонларга?

Мен онамнинг тушларига кирган ўғил,
Қўксим ичра аламларим ширил-ширил.
Эй дунё, сен меҳоу муруватинг қўйгили,
Йўргакладинг мени ҳажру ҳижронларга.

Ой нурлари ёйилади сайхонларга,
 Томлар оша ўтар сүнгра айвонларга.
 Айвонларда ниҳолдайин келинчаклар
 Нечун маңюс тикилади осмонларга?

Канча райхон хаёлларим пайхон бўлар,
 Сайхонлар қир, қирлар текис сайхон бўлар.
 Эй дил, бир кун теграларинг райхон бўлар,
 Ишим бўлмас менинг ул кун райхонларга.

1992

* * *

Қадр билмас ёр олдида қадрим надир?
 Иэтиробим, ихлосим ҳам дардим надир?
 Туфроқ бўлсам бу йўлларда гардим надир?
 Увол этдим, эсиэ, дилнинг дарёсини.

Балдоғидай ялтироқдир оламлари,
 Жондин ўтди миннатлари, аламлари.
 Доғларимнинг кўмиридан қаламлари,
 Кўзга суртди, лек билмади маъносини.

Кўнгил у кун адирларда йиғлар эди,
 Тошқинлари тошлар аро ухлар эди.
 Кўклам ҳар қир, ҳар ўнгирда тахлар эди
 Менинг бағир қонларимдан сарпосини.

Сүз иўш

Бир осмонни бир юлдуэга зор этди ёр,
 Бу дунёни ўз кўзига тор этди ёр,
 Менинг тупроқ останамни хор этди ёр,
 Топсин энди остананинг тиллосини.

1992

* * *

Э Худойим, душманим мард бўлса бас,
 Кўксим ичра бир улуғ дард бўлса бас.
 Кипригимга Мавлавийдан¹ бир фубор,
 Яссавийдан зарра бир гард бўлса бас.

1992

ФАСЛ

Юлдузлардан мухаббатнинг олис иси келмоқда,
 Еру осмон хайрлашар, видо кези келмоқда.
 Эй дил, шайлан, баҳор ўтиб, кўнгил кузи келмоқда,
 Кўнгил, бу не фасл бўлди, бу не янглиғ маъволар?

Дунёларнинг замирида сирлар ухлар гўдакдек,
 Шабнамларнинг ялтираши ёр тақмаган эиракдек.
 Бир сипоҳи яқинлашар кўриниши кузакдек,
 Нафасидан боғлар титраб, жимиirlайди дарёлар.

¹ Мавлавий — Жалолиддин Румий

Тоғлардаги бургут, дерлар үғлон қалбин ииси,
Ҳар бир қалбнинг бўлсин экан ўз меҳрибон муниси.
Дарду алам бўлса агар йигитликнинг аниси,
Қай тоғларга бориб йиғлар, кимга айлар даъволар?

Ой паҳлавон қояларга сут эмизган тунларда,
Ошиқ кўнгил ёнар яна ўшал қадим мунгларда,
Мажнунларнинг бағирлари ҳануз доту хунларда,
Бу довлардин сурма, қондин хино айланг Лайлолар.

Бу айёмнинг кўрки надир, надир шарҳу баёни?
У ёни бир яшил қирроқ, затьфарондир бу ёни,
На нихони нихондиру на аёндир аёни,
Ўйингда не ғамлар бордир, кўйингда не савдолар?

Кеча нелар ўтди бошдан, нелар сўйлар ҳозиринг?
Ёшлиқдаги ёрлар энди сўрасендан розилик.
Меваларин тўкар боевлар, қани сенинг ҳосилинг?
Киёс қилса, дўст бўлгайлар сенга фактат саҳроолар.

Барглар аро ёлғиз юлдуз кўнгил сўраб тикилгай,
Ҳаловатнинг чодирлари чок-чокидан сўкилгай,
Кўнгил бир кун ҳазонлардай унсиэгина тўкилгай,
Маъносидан ҳикмат топмай, дунёсидан маънолар.

1992

ВАТАН ЁДИ

Эпкинлари кўэларимга ёш урган,
Товонимга тикон кирган, тош урган.
Сўқмоқлари тиэларимга сўйкалиб,
Адирлари оёғимга бош урган.

Ҳар хасида юз минг боғнинг қиссаси,
Чинорлари осмонларнинг ҳассаси.
Мамасайийид бобомнинг обдастаси
Сўрисида зору интизор турган.

Мозорлари шомлар ичра қарориб,
Юлдузлари нурли ҳикмат юбориб,
Туфроғига Оллоёрлар шеър қориб,
Термизийлар хаёл сурган, ўй сурган.

Майсаларнинг тили, сувлар бадани
Қандай гўзал тушунгайлар Ватанни.
Эй, зангла мас қиличларнинг мадфани,
Бўронлари тулпорларга соч ўрган.

Мозийлардан тинглаб ҳакир сўзимни,
Бир юз келиб куйдироди юзимни.
Очай десам, очолмайман кўзимни,
Калдироchlар қабоғимга ин курган.

1992

ОҚ РҮМОЛЛАР

Завол балқиб уммонимда, нахримда,
 Шарму хаё танқис бўлган давримда,
 Оқ рўмоллар пайдо бўлди шаҳримда,
 Ҳайрон этиб кўниумаган кўзларни.

Бунча очиқ, бунча беҳаё дунё,
 Алар уч... тўрт... алар ҳозирча танҳо,
 Фаришталар ташлаб кетдимикиан ё
 Тун чоғида танлаб тоза қизларни?

Шунча йиллар факат офат келдими?
 Оқ рўмоллар бирлан иффат келдими?
 Юртдан кетган ул латофат келдими?
 Не қалтироқ босди ногоҳ тизларни?

Хаёлларим менинг ғамдан қорарди,
 Кўксимдаги доғлар илдиз ёарди,
 Бир муслима ҳаётимга қаарди,
 Ҳижоб ичра айттолмай бир сўзларни.

Келгусидир, кетгусидир шамоллар,
 Пок бўлсинлар бундан кейин аъмоллар,
 Қандай гўзал кўрингай оқ рўмоллар
 Беркитганда айниқса оқ юзларни.

1992

* * *

Умр аста айланмоқда аэиятта,
Езганларим ўхшаб борар насиҳатта.

Кай гүшага борсам ундан боқар дардим,
Уз онамнинг соchlарини оқартиридим.

Деворларни тирнаганда барги хазон,
Нечун жисмим зирқираиди ўша замон?

Кўнгил, кўнгил, кай йўлларда тўкилдим мен?
Сени охир ўз майлимга қул қилдим мен.

Нечук хирмон бўлди уйган бу хирмоним,
На буғдойим аёндиру на сомоним?

Юлдузларга боқсан совуқ ел келади,
Юзларимдан шу он қайнок сел келади.

Тутган янглир хору хаснинг уволлари
Жой сўрайди мендан кузак шамоллари.

Лек мен ўэим қай ҳолда ва қайдадирман?
Адирларда қолиб кетган чайладирман.

Чайладан ҳам тушади-ку ойнинг нури,
Не ҳолларга солдинг мени фалак ҳури!

ЕЛБОРИШ

Жудолиғлар дунёда, бош уэра не хаводир?
 Сертахлика боғларда шовуллайди хавотир.
 Кўркам нихол эрта кун кимларгадир асадир,
 Ўзинг тингла тун чори тараган бу ноламни,
 Паноҳингга ол, Ҳудо, ёлғизгина онамни.

Сарғаядир боғ аро сувсиз ариқ-жўйборлар,
 Мунғаядир нураб жим отам соглан деворлар,
 Айланадир хатарнок чатнаб чархи давворлар,
 Яна ваҳму гумонлар тўлдирилар хонамни,
 Паноҳингга ол, Ҳудо, ёлғизгина онамни.

Анинг умр роҳида ҳаваслари кул бўлди,
 Менинг дунё борида излаганим гул бўлди,
 Излаганим у гуллар барчаси бир пул бўлди,
 Тиконлар қолди охир зирқиратиб танамни,
 Паноҳингта ол, Ҳудо, ёлғизгина онамни.

Даҳлизидан кетмайин турган фасл кузакдир,
 Шитирлаган ҳар ҳазон маҳаун дилин буэгайдир.
 Азобин узайтирдинг, умрини ҳам узайтир,
 Кўрсин ёруғ оламда тўйларини боламни,
 Паноҳингта ол, Ҳудо, ёлғизгина онамни.

1993

ХИКМАТ

Хикмат на дашту қир, на боғу бўстон
 Ва на маликанинг чорборидадир.
 На қасру айвонлар, на роҳу манзил
 Ва на йигитликнинг қирғофидадир.
 На шону мартаба, на молу дунё
 Ва на чинорларнинг япроғидадир.
 Хикмат — бу дунёдан ўксиниб ўтган
 Отанг мозорининг тупроғидадир.

1993

* * *

Икки хил сириниб бўлмас Оллохга,
 Бизлар бир тупроқнинг қолдик, юқимиз.
 Сизга тавфиқ берди биздан олдинроқ,
 Сал оғирроқ эди бизнинг юқимиз.
 Фоят ҳавасимиз келодир сизга,
 Қуллук насихатга қулоқ тутармиз.
 Таксир, дуо айланг, кўз тутинг бизга,
 Сиз еттан манзилга биз ҳам етармиз.

1993

ПОЛВОНЛАР ЮРТИ

Исройл ақага

Полвонлар ҳеч юлдузларга қарамайды,
Юлдузларга қараса гар полвон эмас.
Йигитликми түй күрмаса, курашмаса?
Кураш тушмай ўтган давринг даврон эмас.

Қашқадарё — тогу даштлар, чұллар тенгсиз,
Эй қалбимнинг даралари нечун берксиз?
Бошим узра ястанған, кенг, мовий, чексиз,
Полвонларнинг юрагидир, осмон эмас.

Фарзандлари ерни муштлаб туғилған ер,
Мард үйқилса қўқдан юлдуз ёғилған ер,
Йигитларнинг курагини соғинган ер —
Танти мулкдир, шунчаки бир майдон эмас.

Бу болалар ғуур бор деб олишади,
Пул учунмас — номус, ор деб олишади,
Амир Темур қони бор деб олишади,
Ори йўқлар ушбу элга ўғлон эмас.

Алпомишдан мерос қолган жуссаларин
Кўриб дилдан кеттай бор-йўқ фуссаларинг.
Сўйлаб юрар Сохибқирон қиссаларин,
Үйлари ҳам эл қатори, кўрғон эмас.

Полвонлар ҳеч юлдузларга қарамайды,
 Караганда күнгиллари осмон эмас,
 Менинг янглиғ уч-түрт шеърга қул бўларди,
 Қул бўлганлар, билинг дўстлар, полвон эмас.

1993

СИЗГА

Ховлингиэдан шарқираган сой ўтса,
 Елкангиэдан қуёш ўтса, ой ўтса.
 Кошларингиз мангу камон ёй ўтса,
 Сарв янглиғ адил қолса бўйингиз,
 Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Бор юлдузлар сизга хизмат килсалар,
 Уммонлар ҳам сиз деб қуриб, тўлсалар,
 Гуллар сиэдан рангу ифор олсалар,
 Чаман бўлса юрган қўча-кўйингиз,
 Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Севинч бирлан очилсалар эшиклар,
 Ўйингизни тор айласа бешиклар,
 Янграсалар армон бўлган қўшиклар,
 Қиқирласа кўрган қизу ўғлингиз,
 Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Еллар қаро зулфингизни қулф этиб,
Елиб турса хуснингизни мулк этиб,
Саодату малоҳатни кўрк этиб,
Сарғаймаса харгиз рангу рўйингиз,
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Дўстлар келиб ул кун бағрим тилсалар.
Бўғзим юлиб, андин бир най қилсалар,
Ҳаммалари қаторлашиб чалсалар,
Овозалар бўлса ўғил тўйингиз,
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

1993

ДУНЁ МАСАЛИ

Шодмон Жўраевга

Ранжу ғам азалдан баробар келур,
Алар бир-бирига биродар келур.
Нечун севинчларинг бир хил, ай дунё,
Нечун армонларинг бунчалар рангин?

Хору забунлиғда қолса инсонлар
Сут эмизган ахир келиб жайронлар.
Нечун ҳайвонларинг соғдил, ай дунё,
Нечун инсонларинг бунчалар бадбин?

Бир акам бор эди бегоналардан,
Уни ҳам ўткардинг ўтхоналардан.
Нечун гирёнларинг кулар, ай дунё,
Нечун шодмонларинг бунчалар ғамгин?

1994

ТАКЛИФНОМА

Укам Фурқатга

Шафтолилар баргидан
ранглар кетар, ёр-ёр,
Ховлимизда оппоқ, ойдин
тонглар отар, ёр-ёр.
Ешлик ҳам бир тўй сингари
ўтар-кетар, ёр-ёр,
Сиз келсангиз қўнглимииздан
занглар кетар, ёр-ёр.

ТИЛАК

Кўчалардан кўтариб
ўтганинг бешик бўлсин,
Уйингдан чиккан овоз
алла ҳам қўшиқ бўлсин.

Киэ кўрсанг, Ширин каби
ширин бўлсин, озода,
Ўғил кўрсанг, камида
Фарҳоддай ошиқ бўлсин.

1993

ФРАНКФУРТ САФАРИ

Ишлар яхши, ишлар бари хайрият,
Шамолингдан айланайин, Ҳуррият,
Насиб этди, келди Шому Ироқдин,
Бир шеър айтай мен ҳам сизга йироқдин.

Алкисса шу, Франкфуртга учдик биз,
Етти қават осмонларни кучдик биз.
Дунё кета-кетгунича йўл экан,
Уни тор деб юрганлар хўб гўл экан.

Даштлар ўтди, ўтди чўллар, тақирлар,
Капалардай қолди тоғлар, адирлар.
Самоларни сайд этиб етти соат
Бир шаҳарга келиб тушдик ниҳоят.

Франкфурт бу — немисларнинг шаҳридир,
Белидаги камар — Майн наҳридир.
Франкфурт бу — Оврупонинг маркази,
Кўлингдаги пуллар — немис маркаси.

Франкфуртда нима бору нима йўқ?
Бекор гап-сўэ, беҳуда жимжима йўқ.
Билмайдурсан фарқин шому сахарнинг,
Қовоғи сал солиқ экан шаҳарнинг.

Дўконлари тўкин-сочин, нолиш йўқ,
Ҳамма нарса бору фақат калиш йўқ.
Одамлари ориқ, йўқдир семизлар,
Билсанг қази емас экан немислар.

Томларининг бари қиёзиш кошиндан,
Бу халқ сира тушибас экан мошиндан.
Бунда турмуш таэйикидан қочиш йўқ,
Ҳовликиш йўқ, югур-югур, шошибаш йўқ.
Усган дараҳт эл меҳрига ёр экан,
Мажнунтоллар, тераклар ҳам бор экан.
Демак соэлаб, сайқал бериб шарқона,
Бўлар экан курса бунда чойхона.

Франкфуртнинг Тўполондай сойи йўқ,
Нос чексанг гар, тупуришга жойи йўқ.
Ҳаммаёни саришта ҳам озода,
Ерда гард йўқ, губор йўқдир ҳавода.

Кездик, билдик рамзларни, рангларни,
Кўрдик бунда осмонўпар банкларни.
Бу халқ куруқ манзиратни кўтармас,
Йўтали пул келтирмаса, йўталмас.

Хуллас, каснинг тириклиги кас билан,
Шундай икоор, орзу ҳам ҳавас билан,
Шимиб бўлдик сафар деган қурутни,
Оқшом чоги тарк этдик Франкфуртни.

Ишлар яхши, ишлар бари хайрият,
Жамолингдан айланайин, **Хуррият!**
Қаён юрсам, юртим, бағринг эпкинли,
Соғинтирган экан ахир эркинлик.

Кишинаб юрган тойлар бир кун от бўлар,
Эл шод бўлар, мамлакат обод бўлар.
Пахтасига сув тараб Мамаражаб
Бир кун «Вольво» минса агар не ажаб?

Йўллар очик, боқмай кеча-кундузга,
Истасанг уч Истанбулга, **Куддусга.**
Фақат тилло истаб борма, биродар,
Юрт ғубори тиллоларга баробар.

Ҳазилнамо бўлди сал-пал сўзларим,
Ҳафа бўлманг, сиз хорижий дўстларим:
Ҳисобли дўст айрилмасдир ҳеч қачон,
Ҳисоб-китоб замонидир бу замон.

Келинг, кўринг Бухорони, Ҳевани,
Самарқандни кезинг миниб тевани.
Узоқлашсак бўлмас бир-биримиэдан,
Доллар сиздан келиб турса, ош биздан.

АЙИРБОШ

(Хазил)

— Бу дунёда эхтиёж мүл паҳтага,
 Мен паҳтани алмаштиргум тахтага.
 Менинг сенинг диёрингга паттам йўқ,
 Паҳтам кўп, лек том ёпишга тахтам йўқ.
 Умрим меҳнат ва заҳматдан иборат,
 Мунғаядир чала битган иморат.
 Мен демасман қаҳва ёки латта бер,
 Паҳтамни ол, берсанг менга тахта бер.
 Ёниғи, мой бир гап бўлар, сол қулоқ;
 Шовулламас бекор тун-кун Мингбулоқ.

— Короз олгил, у тиллога баробар.
 — Менга факат паҳта керак, биродар!
 Шоирлар ҳам қизиқ, ёзар бетиним,
 Томсиз уйда китоб ўқир ахир ким?
 Етмаса, ол кўрпа-ёстиқ, тўшагим,
 Пўстагим бор, бир амаллаб яшагум.
 Эрта-индин қиши кўрсатар кунимни,
 Етмаса гар, ечиб берай тўнимни.

Узбек қизиқ, доим шундай жайдари,
 Иморат деб ўтар умр дафтари.
 Бу сафар ҳам оқлади ўз номини,
 Тўнсиз қолиб, ёпиб олди томини.

КИМ НИМА БҮЛАДИ?

(Болаларга)

Бу майсалар униб-ўсиб,
Похол, хашак бўлади.

Бу хўтичча, билсанг, бир кун
Катта эшак бўлади.

Бу қамишлар бир кун бориб
Най бўулурлар, том, бўйро.

Бу жилғалар оқавериб
Бўлгайлар катта дарё.

Бу тухумлар чийиллашиб,
Жўжа бўлар, полапон.

Қарға бўлар улар, балки
Бургут бўлар, болажон.

Бу жонворлар сал-палгина
Усаётир нотўқис.

Катта бўлса булар бир кун
Хўкиз бўлар ё тўнғиз.

Уқтирасалар, хафа бўлма,
Ранжимагин, болажон.

Бу сапчалар қовоқ бўлар,
Калла бўлмас ҳеч қачон.

Бу дунёда ғалат ишлар
Рүй бермөғи ҳеч гапмас.
Бу читтаклар бир кун келиб
Булбул бўлса ажабмас.

Бу пахталар, билсанг, бир кун
Бўлар оинпоқ дастурхон.
Ўша кунлар соғ бўлсак бас,
Нон бўлса бас, болажон.

1994

ҚАДРДОНЛАР

Қадрдонлар, элга биз бир
супурги ҳам бўлолмадик,
Киприклари сафида бир
киприги ҳам бўлолмадик.
Ўт бўлмадик ўтинига,
кўк бўлмадик тутунига,
Мехро шафқат сойининг бир
кўприги ҳам бўлолмадик.

Хизрдайин биз учун у
хар нарсага ҳозир эди,
Даласида бир кўриниб
кетган булат Хизр эди.

Аслидаку ковушига
патақ бўлсак арзир эди,
Кир ювгандা совунининг
кўпиги ҳам бўлолмадик.

Ўэимиз ҳам ҳайрондирмиз
рўй берган бу синоатдан,
Кетмонларин товушлари
келаётир қиёматдан.
Уйлар курдик хиёнатдан,
лофлар урдик диёнатдан,
Асли Машраб бобонинг бир
тупуги ҳам бўлолмадик.

1994

НА КЕРАК?

Бир гулга бир дилдан дунё керакдир,
Бир дилга битта гул танҳо керакдир.
Бир элга меҳордан дарё керакдир,
Меҳр гар бўлмаса, итоб на керак?

Тириклик бир азиҳ неъматдир азал,
Уткармоқ жойиэдир покиза, гўзал,
Насимлар наводир, япроқлар — ғазал,
Балофат баэмода шароб на керак?

Сийму зар ҳавоси рангларингдадир,
Не ҳасрат томоғинг, танглайингдадир?
Эй инсон, хисобинг манглайингдадир,
Бунчалар хисобу китоб на керак?

Садоқат дарсидан хабар бўлмаса,
Фаросат аҳлидан назар бўлмаса,
Кўнгилда ҳаёдан асар бўлмаса,
Ул ҳусну жамолга хижоб на керак?

Сув уза ярқ этган шуъладир умринг,
Осилган омонат тутмадир умринг,
Магар **Ҳақ** йўлида ўтмади умринг,
Сени бу чулғаган сароб на керак?

Илғагил дунёдан мунглуғ куйингни,
Энг аввал супургил кўнгил уйингни,
Саволу жавоб эт ҳар бир кунингни,
Саволинг бўлмаса жавоб на керак?

1994

* * *

Жайрон хам жозибдир боласи билан,
Зумрад кир ажибдир лоласи билан.
Киэ бола кўрклидир назокатию
Янгаси, аммаси, холаси билан.
Жаҳон — ошиқлари, воласи билан.
Найсон — ёмғирлари, жоласи билан.
Йигитта зийнатдир ор билан номус,
Шоир гўзал эрур ноласи билан.

1994

* * *

Шеърият, сен абадий
Ранжу озор йўлимсан.
Дарду хижрон даштида
Узатилган кулимсан.

Тиник осмон чоримдан
Сўкилдим чок-чокимдан.
Хам севинч, хам охимдан
Яралган оқ гулимсан.

Вомик Уэрро фифони,
Лайли Мажнун армони.
Не кўнгиллар хазони,
Сен барибир сўлимсан.

Яссавийдек қадимий,
Насимиининг насими,
Гоҳ Машраб, гоҳ Ҳазиний,
Гоҳи Махтумқулимсан.

Ўтди шоҳлар, вазирлар,
Номсиз кетди нозирлар.
Қолди Усмон Носирлар,
Сен — барҳаёт ўлимсан!

Мен бор-йўғи бир товуш,
Турибман абгор, хомуш.
Сен менга балки бир туш,
Балки олов, кулимсан.

1994

МАСЛАХАТ

Менинг шеърим кўнгилнинг қони,
Лайли эори, Мажнун фиғони.
Ёзганимни борлар ҳазони,
Даштлардаги лола ўқисин.

Билмам ошиқ бўлдим қай куни,
Унутдим сўз, гуфтор, кулгуни.
Менинг шеърим бир бола, уни
Бешикдаги бола ўқисин.

Үйсам фақат ўз бағым үйдим,
Бир кечада күкардим, күйдим.
Мушкул ишга мен күнгил күйдим,
Хар бир күнгли вола ўқисин.

Майса унса, вужудим оғир,
Гүёки у хокдиր, тупроғидир.
Менинг шеърим баҳорги ёмғир,
Найсондаги жола ўқисин.

Иэхор истаб пайваста кошлар,
Ойлар куиб, ботиб қүёшлар,
Ой чехралар узра ул сочлар
Бўлиб тола-тола, ўқисин.

Юлдузларга тутиб юзимни,
Қалам билан сўйдим ўзимни.
Менинг шеърим, менинг сўзимни
Диллардаги нола ўқисин.

1995

ДУО СҮРАБ

(Хазил)

Бойбува, дуо айланг,
 Сиз гарчи **Хиэр** эмас,
 Лек **Худо** ҳар кимга ҳам
 Мол бермас, давлат бермас.

Доим очиқ эшигу
Козон тұла ошингиз.
 Сиәни алқар бутун әл:
 Дард күрмасин бошингиз.

Майли ҳар бир факирнинг
 Бошини силанг, сийланг.
 Бироқ менга құл очинг,
 Бойбува, дуо айланг.

Рости гап, хұп зерикдим
 Омадни **кува-кува**.
 Түним елкамда доим,
 Дуо айланг, бойбува.

Шоири замонларнинг
 Дуосин олдим роса.
 Машхур шоир бўлиб мен,
 Элга бўлдим овоза.

Елгиз эмасман гарчи,
Агарчи дүст-ёрим бор.
Күнглим менинг шеърдан бой,
Валекин рўзгорим бор.

Дилимда бу дунёнинг
Дардлари куйиб кетсин.
Бойбува, дуо айланг,
Бир шоир бойиб кетсин!

1995

ДЕНОВ МАНЗУМАСИ

Сурхон воҳасида чўллар тугаб, тоғлар бошланадиган бир макон бор. Саҳроларнинг оташ нафаси билан тоғларнинг салқин саболари кучоқлашиб, ўпишиб қўришгувчи макон. Кўклам чоғи Сурхон даштлари Вахшивор тоғларига уч ойлик келинчак. Ҳазрат Сўфи Оллоёрга хилват ато этган, ул шариф зот тимсолида илоҳий байтлар сўйлаган табаррук тупроқ. Баҳорда Сангардакда гулдираган қалдироқлардан Бандиҳон даштларида исмалоқлар потирлаб чиқади. Лолалари ошиклар армонидан ранг олган замин. Осмонларнинг кенглиги одамларга ҳам кўчган, элининг бағри кенг, хушфеъл. Ҳозирда Денов, Дехинав — Янги қишлоқ қадимий номи — Чарониён. Боки Чарониёний деган номлар «Бобурнома»да учрайди.

Дарёлар бу мулкда қадимул айёмдан туташиб келган. Чор Россиясининг синчков айғоқчилари бу тупроқни ҳам қадам-бақадам хатта тушириб, хариталарини чизиб кетганлар. Рус Императорлиги Жуғрофий Жамиятининг топширири билан 1879 йилда Санк-Петербургда чоп этилган «Амударё сарчашмалари бўйлаб» китобида шундай маълумотларни ўқиймиз:

«Тупроғи энг серҳосил ва фаровон бекликлар Сурхон ва Кофарниҳон дарёларнинг юқори оқимлари бўйлаб жойлашган. Булар: Денов, Юрчи, Ҳисор ва

Шаҳрисабзидир... Деновдан Бухорага буғдой ва зигир ташилади».

Ҳозирги кунда Денов Сурхондарё вилоятининг энг катта туманларидан бири, юртимизнинг барча гўшаларида эсаётган ҳурлик насимлари, ўзгаришлар шамоллари бу мулкда ҳам ўз меваларини бераётир. Энг муҳими — эли, меҳнаткаш ва хоксор элининг кўкраги баланд, мақсад-муддаоси аён. Шу элни кезиб, шу юртни кўриб шунинг натижасида дунёга келган тубандаги шеърни бир ҳаэил саломнома, шу шаҳарнинг «Эсдаликлар китоби»га бир тухфа сифатида такдим этгимиз келди. Шеърда баъзи инсонларнинг номлари тилга олинган. Масалан, Зойир Мамажон оғамиз — таниқли адаб, мамлакатда машҳур газеталардан бири «Чағониён»нинг бош муҳаррири, Мардон Қодир деган акамиз номи кетган кўз дўхтири, Ҳикой опа, Ҳикоят опамиз етти иқлимини көзган тиҷоратчи. Алқисса, ким бўлишидан қатъи назар, ҳаммалари бир ният, бир мақсад йўлида меҳнат қилаётган инсонлардирлар. Шеърда номлари тилга олинмаган деновликларга узримиз бор. Бизнинг шеъримиз ҳам шу билан тугамайди. Унинг ҳам орзулаrimiz мисол, ҳаётимиizu ээгу ташвишларимиз янглиғ давоми бор деган умиддамиз. Насиб этса, яна кўришгаймиз.

Бир меванинг ҳам пишган, ҳам тўраси бор,
Дилгинамнинг соғинч деган яраси бор.
Бир отанинг ўн бешталар ўғлонию,
Бир чўпоннинг ҳам дашту ҳам қўраси бор.

Денов — Сурхон воҳасининг хилолидир,
Қадим, сокин карвонларнинг хаёлидир.
Мозийларнинг жавоби ҳам саволидир,
Қанча кўрғон, қанча кўхна ўраси бор.

Келсанг агар, тоғларидан оқлик сўра,
Вахшиворнинг сувларидан соғлик сўра.
Сўфи Оллоёр бободан поклик сўра,
Гилам тўшар ё бўлмаса бўйраси бор.

Бозор истар эсанг келиб бозорин кўр,
Бир тўйида гўзалларнинг гулзорин кўр.
Ўзи шоир әмас, лекин шоирдан зўр
Шеър айтгувчи Абдураҳмон Тўраси бор.

Бир кўчаси зор кўнгилга сойлар берар,
Мошин қолса, Жалол ака мойлар берар.
Отлик келса, отин тўрга бойлай берар,
Эшак миниб келганларга шўраси бор.

Ака десанг, Курбон полвон бўлар курбон,
Омондавлат бағир очар мисли осмон.
Яна ҳар бир садосидан минг пахлавон
Туғилгувчи қанча тошу дараси бор.

Бу дунёда ғарип бўлсанг, айбдор ўзинг,
Ўз қилмишинг ё ноўрин айтган сўзинг.
Мардон Қодир мөшдай очиб қўяр қўзинг,
Ҳамма дарднинг ўз давоси, чораси бор.

Токи дунё кезар экан Ҳикой опа,
Денов очиб бораверар чироӣ, опа.
Битта ўзи ҳам қуёшу ҳам ой опа,
Бунда Шероз гиламларин орази бор.

Ор-номусга ҳар сўзи имзолар бўлар,
Қиссалари шу элга тимсоллар бўлар,
Тошкентлардан Шукур Ҳолмирзёлар келар —
Элин сўйган, элим деган боласи бор.

Илғасанг гар бирор иллат ё нуқсонни,
Топиб келгил дарров Зойир Мамажонни,
Қалам деган сихга тортар ўшал они,
«Чагониён» деган ўтлуг қўраси бор.

Юзин очса келинчаклар айвонлардан,
Қуёш ўзи тушиб келар осмонлардан.
Бож сўрайди зулфлари юз минг жонлардан,
Зулф остида холларининг қораси бор.

Келаверар ҳар ёнидан тўйлар саси,
Тирикликка чорлагувчи куйлар саси.
Боболарнинг тингир-tingир дўмбираси,
Момоларнинг даранг-дурунг дойраси бор.

Сангардакнинг шаршараси жило берса,
 Танангдаги минг бир дардга даво берса,
Хожи Шахобиддин бобо дуо берса,
 Кетар дилнинг қанча оху ноласи бор.

Бир кун катта шоирларга тенг бўламан,
 Юртим чопон бўлса, ўзим енг бўламан.
 Сирожиддин Сайийд деган мен бўламан,
 Айб этмангиз, қанча ёру жўраси бор.

1995

ЁФОЧ СҮРИ

Ёфоч сўри, бу дунёда нима кўрдинг?
 Нима кўрдим бу дунёда, ёфоч сўри?
 Кечалар сен ёлиғина ўйлар сурдинг,
 Менинг эса адо бўлди қалбим кўри.

Онам янглиғ мушфик ойлар ёруғида
 Үқимагай эди синглим ёзган хатим.
 Кай бир азиз деворларнинг ёриғида
 Хазон янглиғ қолиб кетди муҳаббатим.

Бошинг узра олтин тўккан ўрик қани?
 Қани отам ўтқизган ул тойфи узум?
 Мунғайтирмиш йиллар ёмғирлари сени,
 Ариқларга кўмилмишdir менинг юзим.

Мана бу — мен онам билан тушган сурат,
Отам билан суратларга тушмабман ҳам.
Умр надир? Бир лаҳзалик сұхбат фақат,
Бу сұхбатта мен бир ҳикмат қўшмабман ҳам.

Куз келганда ҳовлимиэга очиб эшик,
Не сўйладинг дийдираган чумчуқларга?
Мен кўнглимни роз-роз этиб, ипдай эшиб,
Топширмишман бир шафқатсиз урчукларга.

Болалик йўқ. Йўқдир сирли кутичалар,
Қайда қолди баҳоримнинг жолалари?
Ҳовлидаги пасту баланд мусичалар
Мусичамас, бу — акамнинг болалари.

Бунда ўсган гуллар ҳар қайга сочишган,
Сен уларни маҳзун, хомуш ўйладингми?
Бир кечада ҳовлида оппок очилган
Олча гули опамнинг чит кўйлагими?

1995

ХУДОГА ТОПШИРДИМ

Қай бир сахфаларда қолди учқуним,
Қай бир лаҳзаларда қолди кукуним.
Яхшими, ёмонми утди бир куним,
Мен уни Худога топширдим охир.

Савобим борми ё гуноҳим борми?
Бу дарди дилимга огоҳим борми?
Эртан кун бир ростгүй гувоҳим борми?
Мен уни Худога топширдим охир.

Болалик ул тили чучугим бўлди,
Тиник осмонлари қўшиғим бўлди.
Энг вафодор дўстим кучугим бўлди,
Мен уни Худога топширдим охир.

Орзу ширин эди мисли ҳандалак,
Қаср ваъда айлаб бўлибман ҳалак.
Үйимни куйдириб кетди бир малак,
Мен уни Худога топширдим охир.

Ҳасад адo қилди гулдай дўстимни,
Мен уни ичимда бир бор сўқдимми?
Унга элтиб беринг менинг пўстимни,
Мен уни Худога топширдим охир.

Майли бораверсин шубҳа гумонга,
Ёмонлик қиломмам ҳатто ёмонга.

Сирожиддин Сайиц

Ул мени олгайдир ҳар тун нишонга,
Мен уни Худога топширдим охир.

Ағёлар оғзида эртак эканим,
Келарми йўлида кўзлар тикканим?
Қандай ҳосил берар эккан экиним?
Мен уни Худога топширдим охир.

Яшарман ҳар дамни қўнгил они деб,
Бир кун... йифилгайлар дўстлар мени деб,
«Эй Сирож, танангда жонинг қани?» деб,
Мен уни Худога топширдим охир.

1995

ТҮПОЛОНДАРЁ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

(Достон)

ТАВАЛЛО

Одамларни даъват этиб инсоф, имонга,
Гоҳида шодмону
Гоҳ мотамсаро,
Куруқликда сурон солди менинг бонгларим,
Сенга ёлбораман энди, жон дарё!

Кимдан боғлар қолди.
Кимдандир доғлар...
Кимдан ҳасрат қолди — тап-такир сахро.
Ўзинг армонимга оби ҳайёт бер,
Сенга ёлбораман энди, жон дарё!

Тўлкинлар чўққилар пойини ювди,
Гиёҳлар юз очди тармалар аро.
Котган юракларнинг музликларида
Ўзинг қўлла энди мени, жон дарё!

Мақсадим зар, шонга ўраниш эмас,
Инсон камол топсин еру кўк аро.

Йўлимда ястанган руҳий чўлларда
Ўзинг қўлла энди мени, жон дарё!

Одамлар кўрдим мен — хасдек бенишон,
Одамлар — замину замондан айро.
Хаёт дарёсидан четроқда қолсам,
Ўзинг қўшиб қўйгин мени, жон дарё!

Энди тирикликнинг ўзанларида,
Түфёнлар жонимга киргайдир оро.
Дардларнинг ғов босган тўғонларида
Ўзинг түфён бергил менга, жон дарё!

**МУЛЛА ОҚИЛНИНГ БЕТОБ ЁТТАН
ВАҲОБ ШОИР БИЛАН СУҲБАТИ**

(XX асрнинг ўттилизинчи ийллари.
Тўполондаре қирғозидаги чайла)

— Биз қаридик, бу дарё тинмади, тинмади. Умр —
дарё дегувчи эдилар, бу дарё

— Икки ўғлим бор эди, мулла. Каторда турган нор
эди, қизлар уларга зор эди. Кўксим тўла доғ эди.
Үғилларим тоғ эди. Ай, дунё! Нима қиลดинг-а! Юрак-
бағрим тиldинг-а! Тўнгичим ўн тўққиз ёшда эди, мулла!
Бўйнига тош боғлаб шу дарёга чўктиридилар. Кўз ёшимни
тўқтиридилар. Ай, дунё!

- Биз эрта-индин ўтамиз. Бу дарё
- Бу дарё менинг ўғлим, мулла!
- Бу дарё туман йиллардан бери оқяптими-ей, биз унинг соҳилига келиб кетгич бир шамол эканмиэ-да...
- Бу дарё ўн тўққиз ёшда, мулла!
- Биз яшадик, ували-жували бўлдик, бу дарё
- Бу дарё уйланмаган, мулла!
- Улларимиз ҳам улрайиб уйланиб, ували-жували бўляпти, бу дарё
- Бу дарёнинг фарзанди йўқ, мулла!
- Мен сизга айтсан, армоним кўп, дармоним йўқ, бу дарё
- Бу дарё менинг армоним, мулла!
- Мен сизга айтсан, қариликка даво йўқ экан, бу дарё
- Бу дарё менинг дармоним, мулла!
- Мен сизга айтсан, озми-кўпми гуноҳимиз бор. Элга нима деймиз? Элни нима дейсиз? Эл... Нима дейсиз?
- **Ҳ**еч кимни элдайин етим қилмасин, мулла!

Давроннинг далғовини
Мен кўрдим десам бўлар.
Она юртим соғ бўлса,
Беармон кетсан бўлар.

Мен балки эрта-индин
Килгайдирман жон таслим.
Она юртим сор бўлса,
Улмагай менинг наслим!
Ўз юртин кўксига ўқ
Отганларни кўрганман.
Элдан чиқиб, элини
Сотганларни кўрганман.
Қолса мендан СУЭ қолар,
Дондай сочиб юрганман.
Буюк ҳалқ бирлан буюк
Мухтожликни кўрганман.
Бунда менинг ўғлим йўқ.
Лекин менинг қўнглим тўқ:
Фарзандлари сор бўлса,
Ватанимга ўлим йўқ!
Момо тандирларимга
Биздан салом айтгайсиэ.
Мен қолдим энди чоги,
Сиз манзилга етгайсиэ.

...Тоғларда акс садо,
Зириллайди осмонлар,
Мен ётибман,
Кўксимда
От сурмоқда замонлар.

НИХОНДАРА

Ниҳондара — сирлар дараси,
У очиқ сўзларни севмади.

Тарихдан яширди тарихларни у,
Ҳеч кимга айтмади. Бермади.

Йигирманчи йиллар. Узун чакмонлар,
Чакмонлар остида — милтиклар.

Ўқ янграп. Тулпорлар кишнайди.
Кўзида замонлар — кимдир йиқилар.

Ким эди? Нимага? Аёл учунми
Ё Ватан учунми у бердими жон?
«Чакмонлар» ким эди? Дара биларди,
Аммо у сир саклар. У гапирмайди.

Ўттизинчи йиллар. Ҳанжарлар.
Кимнидир сўйишар. Шариллаган қон.
Отларнинг қўрқинчли кишинаши. Тамом!
Не учун сўйиши? Аёл учунми
Ё Ватан учунми у бердими жон?
Ҳеч ким билмас. Нега? Кимларди?
Дара гапирмайди. Ҳеч ким билмайди.

Дарам, гапирмагин, сўйлама тиэиб
Ўтган соткинлигу фирромликларни.
Мен бўш қўлларимни юзимга босиб,
Иирлайман ёд этиб йироқ йилларни.

НИДО

«Мен сиэга айтсам, елкамда болам, күлимдаги ту-
гунчада бир сиқим тутмайиэ, дарё ёқалаб кетяпман,
кетяпман. Дарёки, аждарходай түлғонади, вишиллайди.
Күркиб кетяпман дeng, елкамдаги чирқиллаб «нон» дей-
ди. Мен эса кетяпман, кетяпман. Ҳеч зор йўқ. Факат
дарё. Калима қайтариб йўл юраман, йўл юраману пи-
чиrlайман. Уша маҳаллар йўллар ҳам уэун экан-да.
Дунёда мендан бошқа ҳеч ким йўқдай, гүёки дунёнинг
ўзи ҳам йўқдай, кетяпман. Каерга кетаман — билмай-
ман, нимага кетяпман — билмайман, лекин кетяпман.
Бир маҳал соҳилда нимадир ялт этди, яна қўрқаяпман
дeng, якин бориб қарасам — бешик, олтин бешик! Сув-
да чайқалиб, қалқиб турибди. Каракт бўлиб қолибман.
Фойибдан «Ол!» деган садо келгандай бўлди. Болани
ерга кўйиб, довдираб кўл узатдим, етолмадим. Ҳар қан-
ча уринсам ҳам кўлим етмади. Чайқалиб, чайқалиб оқиб
кетди. Ҳай, аттанг-ай, аттанг!

Шундан кейин тўрт болам очликдан ўлиб кетди.
Сиэлар кўрмагансизлар-да, билмайсизлар...»

(Хумор амма хотираларидан)

* * *

Очликдан жон берган болалармиз биэ.
Туршак шимиб,
Гоҳи атала ҳўплаб
Юрган бўлсак ҳамки барибир ўлдик.
Мана бу муштдайин тепа — Тошпўлат.

Мана бу — Роҳила.
Буниси — Қодир,
Очликдан жон берган болалармиз биэ.
Еғоч қошиқлардай қатор қўлчалар...
Дунёнинг энг ҳазин нолаларимиз.

Турдининг отаси ўлганда жангда,
Бунда укаси ҳам ўлди — қўнғир сочлиги.
Қўрдик:
Теграмизни қуршади бирдан
Улур Ватан уруши билан
Улур Ватан очлиги!
Жангда ярадорни кутқармок мумкин.
Бунда очлик «яраласа» ўлдирав эди.
Уввос солганида қартанг жувонлар,
Биэ мўлтирав эдик.
Мўлтирав эдик.

Мўлтираб-мўлтираб ўтдик дунёдан.
Хайр, келажакнинг иссиқ нонлари!

Шамоллар уйғотар бүгдойзорларни
 Тонглари. Тонглари. Тонглари.
 Фақат оқибатдан хавотирдамиз,
 Бағрин кенг очаркан пурнеъмат ҳәёт,
 Бизни ҳам ёдига келтирармикин
 Ҳеч қачон оч қолмаган авлод?..

ХОТИРА

«Уруш экан-да, 43-йил, госпиталдан чикқанимда уйга
 бориб келишга рухсат беришди, келдим. Йўлхалтамда
 яримта нон. Вокзалда бир муштипарга кўзим тушди,
 ёнида боласи — иккови ҳам зор-зор термулади.
 Яраланган суюкларим яна ўқ егандай зирқираб кетди.
 Нонимни бердим. Ўзим дарё ёқалаб тахтакунжара чайнаб
 кетдим. Йўловчилар берган тахтакунжарани. Айтсан
 ишонмайсиzlар.

Итнинг бошига солмасин у кунларни, итнинг!»

(Отам айтиб берган)

* * *

Тинчликда кун кечирим,
 Ҳәётим-чун бежирим,
 Ота, мени кечиринг!

Мусаффо осмон учун,

Миллионлаб қурбон учун,

Яшолдимми Эңтиқодни тирикликка күчириб?
Ота, мени кечиринг!

Күкрагимга санчилади аламларнинг ханжари,

Күрятман:

Зор кетяпсиз — қўлингида кунжара...

Ота, мени кечиринг!

Кечиринг, чун умрингизнинг
бори дарду ғам бўлди.

Нега бутун нон кўп,

бироқ меҳру хотир кам бўлди?

Ному мансаб, шону шухрат

жангларида қурбонлар

Бериб, нечун инсонлигин

йўқотар бу инсонлар?

Сахро бўлиб ўтганларнинг ёди мени ўртайди,

Дарё бўлиб ўтганларнинг ёди мени ўртайди.

Шунинг учун кўз олдимда тўлиб-тошиб ҳозир ҳам

Ўтаверар Тўполондарё —

Ҳеч туганмас Хотира.

ДАРЁ

Булоклар ёшидан пайдо бўлдим мен,
Чўққилар «тожи»дан пайдо бўлдим мен.
Туғилдим чақинлар тўполонидан,
Шунданми Тўполондарё бўлдим мен.

Кўклам селларининг хўйи мендадир,
Асл гиёҳларнинг бўйи мендадир.
Бағримга босдим мен қалдироқларни,
Тошқинларнинг «сайил-тўйи» мендадир.

Минг йиллик чинорлар фарзандим менинг,
Ҳайқирап ҳар тошу харсангим менинг:
Асрангиз балиқлар, ўсимликларни,
Табиат — энг сўнгти асрандим менинг.

Беиз йўқолмасин то охуларим,
Токи зангор қолсин бу соҳилларим.
Булғамай қолдиринг соғ бир жилғамни,
Токи уруғ очсин гулмоҳиларим.

ХАЙРОНБОҒ

Шундай бор бор эди бу қирғоқларда,
Дарахтлар ўрнида юзлаб дөр энди.
Дунёда бор бўлиб нима кўрдинг сен,
Хайронбоғ, нимага хайронбоғ эдинг?

Ваҳший қоялар ҳам анграйди қолди,
Кани ул заранглар, метин иррайлар?
Хайронбоғ, дунёга ҳайрон бокма сен,
То дунё бор экан қирқиб, қиргайлар.

Бағрини тонеллар ўйган тор бир ён,
Бир ёнда ор-номус,
Бир ён — зинолар.
Асру замонларнинг устунларидаи
Чинорлар йикилди,
Буюк чинорлар!

Мана бу дили йўқ тошлар ҳам билди:
Хайронбоғ, инградинг.
Бунда дорман мен.
Илдизлар фифони жонимда, кетгум —
Кезиб юргувчи бир ҳайронбоғман мен.

Дўстлар қушлар каби тарқ этди мени,
Чинор туйғуларим хас бўлди, кўргин:

Рухимда хазондай ёнмокда номлар,
Хайронбоғ, мендан ҳам бир ахвол сүргин!

Наҳот шовулламас күнгил боғлари?
Ҳар ён боқ, ҳар он боқ, ҳайрон боқ.
Бир жуфт уя каби бўум-бўш кўзларим.
Шу ҳам гап бўлдими энди, Хайронбоғ?

ТҮФОН

Тўғон қад кўтарар Ниҳондарада,
Ниҳон замонлардан хотира тўкиб,
Коялар кўксида сиргалар шамол,
Унг томонда — чўққи,
Чап ёнда — чўққи.

Шамолим, неларни сўйлаётисан,
Адашган қиз янглир тентираб сарсон?
Балки ҳув қорлардан пинҳон хатинг бор,
Уни ўқий олмас ҳеч ким ҳеч қачон.
Тўғон.

Менинг сирли дарам ошкор ларзада,
Ҳарсанглар ағанар сувга, чанг-тўзон.
Экскаваторлар — темир динозаврлар
Тўрт ёндан ҳамлага шайланар,
Тўғон.

Түғон, асрларим күм бўлиб оқди,

Боболарим чопди:

— Жон даштим, уйғон!

Курғоқчил замонлар, камчил давронлар,

Катма-қат армонлар ҳаммаси — түғон.

Неки айтган бўлсам рост айтдим фақат,

Лекин англаб етдим:

Ҳар неки ёлғон,

Фосиқлик, дабдаба, сўэбозлик, ғараз —

Бари Ватан камолоти йўлида тўғон!

Тўғондир мунофиқ, худбин тўралар,

Юртдан фойда пойлаб юрганлар — тўғон.

Муқаддас сўзлардан шиорлар тузиб,

Ўзи виждан пуллаб турганлар — тўғон.

«КрАЗ», «БелАЗ»ларнинг шовқини аро

Қўксимга урилди ногоҳ зўр түғён:

Ёмонликка қарши огоҳ жонфидо

Инсонлар тўғондир,

Мен ҳам бир тўғон.

Гоҳи тинч дарёдай ҳайрон кетдим мен,

Үнг томонда — ёлғон,

Чап ёнда — ёлғон.

Инсоний бир меҳо, бир кафт, бир қалом

Билан сиз ёлғонга бўлдингиз тўрон.
Менинг умрим надир —
Тошқиндир, селдир,
Оккувчи кўнгиллар кўклами томон.
Ёмонлик ёмондир — кулфатлари бор,
Ундан ҳам бетугён омонлик ёмон.

ФАРЗАНД

Сен дарё бўйида дунёга келдинг,
Дарёю замоннинг тўфонларида.
Исмингни ёзишди остоналарнинг
Ҳали қуримаган бетонларига.

Ҳайкириб туради у пайт қоялар.
Осмонларда — чакмок, гулдурак.
Сен тошқин кўйнида дунёга келдинг.
Демак: Кўнглинг тошқин,
Узинг тошқин бўлморинг керак!

Сенинг бешигингни тебратди еллар,
Гиёҳлар безатди уйқуларингни.
Анов чўккилардан охулар тонгда
Кўрди лабингда илк кулгуларингни.
Буларнинг барчаси Ватандир, Ватан!
Товонинг ўлажак ҳар бир тош — Ватан.



«Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир»
«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири» унвони катта ижодий вазифалар юклайди.
2006 йил.



«Келажакка нигөх»
Журналистика факултети талабаси.
1977йил.



«Мен «Тошкент оқшоми» да
ишлайман.

«Ахборот қироли», устоз
журналист Абдулла Пұлатов.
Газетадаги уйгоқ мұхит
мен учун ҳақиқиүй
маңнода ижодий
тегірмөн вазифасини
бажарди.
1981-1988 йиллар.



Faifur Fulyam муаллимнинг дуоси кетган
«Тошкент оқшоми» да устоз Абдулла Орипов ҳам
күп маротаба мәҳмон бўлган.
1986 йил.



«Оқшом» нинг маҳсус мухбирлари.
Муҳаммад Юсуф билан «Шарқ юлдози» учун
суратга тушганмиз. 1986 йил.



Ёшлик.
Мусаввир
Одилбек Аҳмад ўғли
чизган сурат.
1981 йил.



«Карвон кўрдим туюлари бўзлаб борар»
Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим.
1987 йил.



«Шу шеърингиз қизиқ экан»

Марҳум Шавкат Раҳмон,

Ўзбекистон халқ шоири Ҳуршид Даврон билан.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририятида.

1986 йил.



Мактабимда учрашув.
2004 йил.



«Онажон, бу олам бунчалар чексиз!».
2004 йил.



«Биз ҳали баҳорда келамиз яна»
Қизимиз Нигина билан.
2005 йил.

Сен ҳали билмайсан — янги айвоннинг
Шифтини танлаган қалдирғоч — Ватан.

Тилларинг сувлардай равон бўлганда,
Бургутлар учганда тоғдай дилингдан,
Юракнинг энг юксак чўккиларида
Бир кун учрашасан сен Ватан билан.

Унинг бир кунига ярамоқ учун,
Оғир дамларида бўлмоқ-чун тирак,
Озлик қиласар фақат жим севиб юрмоқ,
Ўзинг огоҳ, Кўнглинг огоҳ бўлмоғи керак!

Ўзинг имон,
Кўксинг имон бўлмоғи керак!
Ватан, деб ўзини ёқлаб, алдаса,
Нопоклар алдаса,
Чапаклар алдаса,
Ҳамма ҳар йўсинда уни таласа,
Сен ўз юрагингни юлмоғинг керак!

Сен ўз юрагингни юлмоғинг керак!
Виждон тешасини уриб бефарёд,
Ватани манзилга элтмоғинг керак.
Жуда қийин йўлдир бу йўллар, Фарҳод!

Шунданми, бу ерда улкан қояда,
Оппоқ ҳарфлар билан безаб жисмини,
Курувчилар ўрнатишибди
Сенинг Навоийдан қолган исмингни.

уй

«Менга ҳам тинчлик керак. Танка миниб келсанг ҳам ҳеч қаерга кетмайман. Етти пуштим шу ерда қўмилган бўлса... Душох чўккисига чиқиб чодир тикиб ўтираманки, илло бу тоғлардан кетмайман. Урушда қатнашган бўлсам, индивалид бўлсам, катта ўғлим муаллим, кенжам ўқувчи бўлса. Яна бирори армияда юрибди. Эрта-индин кириб келса-ю «Ота, уйимиз қани?» деб сўраса, сенинг булдузўрингни кўрсатаманми?!..»

(Уруш қатнашчиси Нарзиқул Норовнинг мадалла йиғинида айтган сўвидан).

* * *

Сизнинг ҳаётиңгиз бус-бутун бўлсин,
Насиб этсин Сизга шодлик ила куй.
Кўз олдимдан кетмай мени ўртайди
Отам ярмисини қуриб кетган уй.

Отам ярмисини қуриб кетган уй
Тиззалаб келади сўзлари билан:
«Мендан шу уй қолар...»
Ва йиглайди уй
Ойнасиз ромларнинг кўзлари билан.
Эшиклар ҳангуманг.
Кесакиларда
Болғасини кутиб михлари қолди.
Отам қайга кетди?
Битган дунёда
Битмаган ёлғиз уй йиглади қолди!

Устувор устунлар,
Сиз нима дейсиз?
Нега жим турибсиз, битмаган шифтлар?
Чала хоналарда армоним менинг,
Бўйотларда эса дардларим қишлиар.

Умрлар умидин сарф этди бунга,
Отам йиллаб қурди бу иморатни.

Хаёт ниҳояга етмаган ишлар,
Кемтик кувончлардан ё иборатми?

Отам ярмисини қуриб кетган уй...
Шул сабаб умримда соғинчлар ярим.
Елқадош бўламан устунларингта,
Остонангда эзилар бағрим.

Дил билан оқдайман деворларингни,
Отам ярмисини қурган уй — юртим.
Гарчи бир меҳога зор бўлиб баъзан
Кўча-кўйларингда ҳайрона юрдим.

Кўнглимда фирғу аразим йўқдир,
Отам ярмисини қурган уй — юртим.
Мен ҳам бир меъморман.
Юксак төғлардай
Юксак туйғулардан мен сени қургум.

Мен бир қурувчиман.
Бунёд эттайман
Сени кўксимдаги ёлқинларимдан.
Сўзма-сўз, қадма-қад, заррама-зарра
Кўрк бергум дилдаги тошқинларимдан.

Деворлар кургайман ишончларимдан,
Кувончларим билан кўчаларингни
Чироқлар сингари мунаввар этгум.
Нурларга тўлдиргум кечаларингни.

Сўнгра кириб боргум бунёдкор каби
Кўнгли яримларнинг кўнгилларига.
Сўнган умидларнинг чироқларини
Алмаштиргум янгиларига.

Токи ҳар бир уйда Баҳт тўйи бўлсин.
Токи ҳар бир тўйда Баҳт бўйи бўлсин.
Токи ҳар бир орзу Баҳт куйи бўлсин.
Токи ҳар бир кўнгил Баҳт уйи бўлсин!

ЭСДАЛИК

Кирғоқлар сўроғидан
Қароримга ёш олдим.
Тўлқинларнинг кафтидан
Етти дона тош олдим.

Кўзу қошим шу дарё,
Мавжлардан қуёш олдим.
Балиқларни қўйвоприб,
Етти дона тош олдим.

Мангут тўполонингга
Жон-дилим пайванд, дарё.
Фарзандлар қаторида
Мен ҳам бир фарзанд, дарё.

Кояларни қайрадинг,
Харсанглар — равон-равон.
Мени қайради йиллар,
Юрагимда — тўполон.

Сени бошқа кўрмайман!
Хотирам — сув, тош, қумлар.
Сен қолурсан,
Мени-чи,
Олиб кетгай тошқинлар!

Хув бокқан охуларнинг
Рұхимдадир оҳлари.
Бир зум чайқалиб қолар
Боболарим боғлари.

Энди бу ерларда мен
Бургутхаёл юрмайман.
Учратолмайман сени,
Сени бошқа кўрмайман!

Энди уйғонсам керак
Кечалари салқинлаб.
Остонамга бош уриб
Келаверар тўлқинлар.

Тоғларни ўйлагайман
Бетонларда ўлтириб.
Харсанглар келаверар
Арслон янглиғ бўкириб.

Шамоллар кўчиб келар
Фариштадай уйимга,
Чинкириб сўқмоқларим
Осилади бўйнимга.

Ва ёзув столимдан
Мисли етти митти жон,
Етти дона тош боқар —
Етти дона тўполон.

ЗУЛМАТ ВА ЗИЁ

Мен чиқдим қоронғу ўйлар қаъридан,
Бир ёруғ шамол ҳам чиқди наридан.

Булутлар юзарди күкларда йирок,
Бир томони қаро, бир томони оқ.

Дарё кетар эди тун аро танхो,
Бир сохили ёруғ, бир сохили қаро.

Узаниб ётарди узун йўл хориб,
Бир томони қаро, бир томони ёруғ.

Далалар чиқдилар олдинма-кетин,
Ярмиси зим-зиё, ярмиси ойдин.

Гувлаб чарх уради теграмда дунё,
Бир томони зулмат, бир томони зиё.

Тинмай жанг қиласы икки зўр қудрат,
Бирови Қабоҳат, бири Адолат.

Фичирлаб айланди жафокапп Замин,
Бир томони шодмон, бир томони ҳазин.

Ва бу Замин уэра туради мангу
Ўйлар — ярми ёруғ, ярми қоронғу.

Канча хон, бекларни ўтқизган элим,
Канча Ойбекларни ютқизган элим,

Нима бўлганда ҳам ҳар он, ҳар замон,
Кўнглим деразаси очиқ сен томон.

Бугун бир шамоллар эсмокдалар, бок,
Термиздан то Тошкенту Хевок,

Шу жонбахш насимга қоришиб борар,
Мамлакатнинг юзи ёришиб борар.

Мен ҳам нур элтсин деб зулмат дилларга,
Еруғ сўэларимни сочдим елларга.

ДАЪВАТ

Юракдаги түфёнлардан
Пайдо бўлдинг, пайдо бўлдинг,
Инсон учун, инсон учун
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Ўзгалар-чун ўзингиздан
Айро бўлинг, айро бўлинг.
Куийб, қақраб қолсантиз ҳам
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Бу дунёнинг ишларига
Майли лолу ҳайрон бўлинг.
Саҳро бўлса бошқалар, сиз
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Тўлиб-тошиб яшанг факат,
Тўлиб-тошиб адо бўлинг.
Кўлмак эмас, не бўлса ҳам
Дарё бўлинг! Дарё бўлинг!

Узбекистон, ташна юртим,
Тупроқларинг нурга тўлиб
Томиганини кўрганман мен
Дарё бўлиб, дарё бўлиб.

Факат Аму, Сирдарёмас,
Соҳилидан айроларинг —
Усмон Носир, Қодирийлар
Сенинг улуғ дарёларинг!

Улар ёди, номларидан
Онглар гулга бурканар.
Юрагини кўкрагида
Тошдай олиб юрганлар
Ҳали ҳам бор...
Бу сўзлар ҳам
Тошқин тўэонларидаи.
Виждан отлиғ дарё бўлинг
Замон ўзанларида.

ХОТИМА

Дарё билан хайрлашаман,
Хайрлашгандай сурон билан.
Дарё билан хайрлашаман,
Хайрлашгандай түфөн билан,
Лекин қанча видо айтсам
лабларимда армон билан,
Ошын бўлиб бормоқдаман
түғён билан, тутён билан.
Туйғуларим жой талашур
замин билан, осмон билан,
Шиддатларнинг тилларида
дунё билан дардлашаман.
Мен дардлашиб дарё бўлдим.
Мен хайрлашиб дарё бўлдим,
Дарё билан хайрлашаман.
Иллар билан ташлашаман.
Дарё билан хайрлашаман!
Пахса уйлар сўнгги марта
тўлқинларда қалқирлар.
Боболарим кулбасида сайр этмоқда балиқлар!
Йўллар билан аҳдлашаман.
Дарё билан хайрлашаман!
Барчасини айтотмадим,
Сохилларим тор келди.

Сүрөттүдүн Сапынг

Канча дарё бўлса кўнглим,
шунча ташна, зор келди.

Лекин кўрдим: юракларга
баҳор келди, баҳор келди!

Мен дилимни энди тинмас
селларга алмашаман.

Дарё билан хайрлашаман!
Хайрлашаман. Лекин бунда
қоялардай ёдим қолар.

Охуларга макон излаб
чўккиларда додим қолар.

Жарларда фарёдим қолар,
Менда бир дарёдил қолар.
Дарё билан хайрлашаман,
Дарё бўлиб хайрлашаман!

1985—1986 й.й.

НАЙСОНИМ ВАТАН

Сарсеккүн Сайын



1992 й.

ВАТАН

Дил пораси, күэ қораси
сен ўзингдирсан,
Менинг кўнглим сен аслида,
сен кўзимдирсан.
Томиримда томир ёйган
илк сўзимдирсан,
Илк оғриғим, илк ёмғири,
найсоним, Ватан.

Кир устида ёнбошлаган
бобом чайласи
Бу дунёда кимларнингдир
орзу-хаваси.

Димоғимда — юлдуз иси,
шабнамлар иси,
Момом экиб кеттан кашнич,
райхоним, Ватан.

Қулоқ солсам шивирлагай
ҳатто тошларинг,
Ою қуёш, камалаклар
кўзу қошларинг.

Бешигимни тебратгандир
қалдириочларинг,

Ою қуёш күрпа солган
айвоним, Ватан.

Бўронлари тулпорларга
тунлар ёл бўлган,
Бир ўғлони чинор, бири
мажнунтол бўлган.

Темурлари от мингандা
жаҳон лол бўлган,

Дунёларга тимсол
шоҳу султоним, Ватан.

Валилардан ибрат сўйлар
жуздур саҳролар,
Сўнди қанча салтанатлар,
қанча туғролар.

Мақбаралар айтсин лекин,
айтсин Зухролар:

Ер остидан сухбат айлар
хануз Кубролар,
Термизийлар бедор ётган
кўргоним, Ватан.

Не тонг эди — изғиринлар
захрини тотдинг,

Дастурхонда музтар қолди
қанду наботинг.
Шахидларинг номлари дир
хар бир работинг,
Абадий ёд эрур асли
адабиётинг,
Чўлпон, Фитрат, Кодирий ҳам
Усмоним, Ватан.

Гард қўнмасин токи сенинг
киприкларингга,
Киприкларим киприк қиласай
кўпприкларингга.
Уҳшаб турган улуғларинг
ҳам пирларингга
Булутларинг юзиб юрар
кўк, қирларингта,
Ўйғоқ руҳлар осмонида
посбоним, Ватан.

Нақшларинг қутулдилар
кишан-бандлардан,
Хатлар олдим юрагимга
Нақшибандлардан,
Афросиёб билан тенгдош
куй, оҳанглардан.

Шеърларимга ранглар олдим
Самарқандлардан,
Гоҳи мовий, гоҳи зангор
достоним, Ватан.

Боболарим хокини мен
юзларга суртай,
Дилимдаги энг муқаддас
сўзларга суртай,
Онамдайин аэиз нону
тузларга суртай.
Озод бўлган оялларин
кўзларга суртай,
Уз юртига қайтиб келган
Куръоним, Ватан.

Мен дунёни не деб айтай?
Бу бир кўхна боғ,
Уз билганин сайдар бунда
ҳар қумри, ҳар зоғ.
Асло сенинг бағирларинг
кўрмайин мен доғ,
Юлдузларга осмон бўлган
эй нурли тупроқ,
Осмонлари еру ери
осмоним, Ватан.

Сўқмогингда мен бир эпкин
ё бир насимман,
Япроқ сенинг, хас бўлсам гар
сенинг хасингман.
Жайронларинг кўзларида
қолар сўзингман,
Менинг борим сен биландир,
йўғим сен билан,
Катта йўлга чиққан улуғ
карвоним, Ватан.

1994. 2007

НАВРЎЭ ҚЎШИФИ

Фалак бизни балолардан асрадими?
Юлдузлардан бойчечаклар сачрадими?
Бир куртакка алмашдим бор ҳасратимни,
Оlam эски, лекин ўнгу сўлим янги.

Осмон бўлди бир кечада ҳоргин бағрим,
Тўй бошлади чақинларим, ёмғирларим,
Гўё ҳозир япроқ ёзар томирларим,
Гўё эски қалам тутган қўлим янги.

Ойларга ҳам алишмасман юзларини,
Қаранг Қўкон, қаранг Сурхон қизларини.

Зулфларию райхонларнинг исларини
Олиб келган эпкинларим, елим янги.

Эй кўхна бор, кўпдир чеккан азиятинг,
Куриган шоҳ, дилда сенинг васиятинг,
Эй сариқ барг, қулоғимда насиҳатинг,
Бу йил энди менинг гулзор, гулум янги.

Ҳар кўнгилга бир янги кўй, қўшиқ берсин,
Имон, инсоф, диёнатни қўшиб берсин.
Ҳар бир уйга энг аввал бир бешик берсин,
Ҳеч бир уйга кўрсатмасин ўлим янги.

Бормоқдасиз гарчи Ҳинду Ҳитойларга,
Умид айланг ўз ерингиз, Ҳудойларга,
Үйларингиз тўлсин бу йил бурдойларга,
Ғимирлаган элим, дашту чўлим янги.

Лолалардан гар айтмадим, қир айтади,
Қолганларин само айтар, ер айтади.
Кўнглим очсан, ҳар гиёҳ бир шеър айтади,
Ростин айтсан, қўксимдаги дилим янги.

1995

УСТОДИ АВВАЛ

Болалиқдан бир ғаройиб тахтда бўлдим,
Ой, юлдузлар бирлан мудом аҳдда бўлдим.
Сўқмоклардан, оқ, заъфарон далалардан
Мен заъфарон сўзлар териб катта бўлдим.

Сабоқ олдим янчилмаган сомонлардан,
Умр иси келиб турган чопонлардан.
Фариб пахса деворлардан олдим савод,
Билдим надир надомату надир савоб.

Қирларимдан, зиркиратиб бағирларим,
Пана-пана юзиб кетди сигирларим.
Не ҳикматни ҳам қарзу ҳам фарз бердилар,
Менга ул кун хору хаслар дарс бердилар.

Хатим чиқди онам кафтин хатларидан,
Камол топдим кафтларининг тафтларидан.
Мехрлари кўнглимга кўзлар бўлдилар,
Ватан янглиғ улуғвор сўзлар бўлдилар.

Таълим олдим бошоқлардан, доңлардан ҳам,
Кулча юзлар ҳамда кулча, нонлардан ҳам.
Мен Ватанинн ўргандим ҳар гиёҳидан,
Шомларию раҳонларин сиёҳидан.

Қалдирғочлар тўйларимда хизмат қилди,
Камбағални сўйдим, бойлар иззат қилди.

Дилга күчди умрий ранжу азиятлар,
Үйчан, кекса токлар қилган насиҳатлар.

Мен шундайин сүэзга түлдим ичларимдан,
Харф ўргандим уйларинг ҳам синчларингдан,
Хар қаричи, хар губори имло, юртим,
Хар бир тоши, хар чинори мулло, юртим.

1994

ВАТАН АБАДИЙ

Баҳрайн сувларига чайдим юэимни,
Насимлар эсдилар илиқ, арабий.
Бир осмон түлдириб келди қўксимни,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Не зотлар ўтдилар Ватандин айро,
Севинчи савдою соғинчи сахро.
Қўксимни тўлдириб келди бир дарё,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Бобо қирлардаги бир хас ё тикан,
Шу ҳам кимларгадир зўр армон экан.
Қўп экан зар топиб, зор бўлиб юрган,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Ким ахир бу даҳри дундан ўтмагай?
Ким ахир бир куни асо тутмагай?

Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Ҳар тепа, ҳар дўнглик турбат эмасдир,
Ҳар қандай айрилик ғурбат эмасдир.
Юртдан кеттан ҳар зот Фурқат эмасдир,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Олмон тупроғида бир немис аёл,
Кўзда ёш, ўзбекча айлади савол.
Ҳалқим, нону тузинг ҳамиша ҳалол,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Ҳар кекса, ҳар ёшнинг заҳматларида,
Азим чинорларнинг хикматларида,
Ҳаэррат Яссавийнинг хилқатларида
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Айб эмас аввалий ва ё сониймиз,
Агарчи инсонмиз vale фониймиз.
Барчамиз ушбу кун Туркистониймиз,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Аста барг тўкмоқда зархал оғочлар,
Умр гўё тўлар божу хирожлар.
Келиб кетар экан қанча Сирожлар,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

ИНСОНИЙЛИК

Жалолиддин акага

Яшаш осон, бирвларни
Күтқармок кийинроқдир.
Үзга тақдир, үзга дардни
юрагингдан бирма-бир
Үткармок кийинроқдир.

Үз ғамингда кеча-кундуз
Қон ютмоқ осонроқдир.
Үзгалар-чун жим қоврилган
Инсонлар инсонроқдир.

Дилдошликоми, дарддошликоми,
Дод солса ҳам фонийлик,
Инсонларни энг биринчи
Күтқарган инсонийлик.

Токи олам, токи чексиз
Жаҳонийлик яралган.
Инсондан ҳам аввал, олдин
Инсонийлик яралган.

Шул сабабдан абад гулдай
Сўлмагай инсонийлик.
Дунё тугар, инсон ўлар,
Ўлмагай инсонийлик.

ЖОНУ ДИЛИМ

Хуррият эпкинлари боғингдадир, томингдадир,
Юлдузинг, куттуб хилолинг субҳу оқшомингдадир,
Файз ила фазлу фарогат тинчу оромингдадир,
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,
Етти осмон жилvasи бир нурли айёмингдадир.

Боғим ичра гуллаган зардоли, жийдам сен ўзинг,
Сунбулурайхон ифорли гул қасийдам сен ўзинг,
Риштайи жоним ўзингсан, нури дийдам сен ўзинг,
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,
Етти осмон жилvasи бир нурли айёмингдадир.

Ҳақ таоло кўллаган юрт, сен валилар маскани,
Ҳар каломинг бир каромат, ҳар гуломинг бир ғани,
Сен Бухорийлар баҳори, Термизийлар гулшани,
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,
Етти осмон жилvasи бир нурли айёмингдадир.

Битта ғиштинг, сўйласа, оламга достон бўлгуси,
Ҳар кўнгил бунда фаэо, ҳар дил бир осмон бўлгуси,
Тил чиқарган ҳар ўғил, қиз Ўзбекистон бўлгуси,
Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,
Етти осмон жилvasи бир нурли айёмингдадир.

Кипригимда гардларинг, хору ҳасим бирлан кетай,
 Тоғларингдан эсган ул тонгти насим бирлан кетай,
 Бир исм бирлан келибман, шул исм бирлан кетай,
 Эй Ватан, жону дилим, жону дилим номингдадир,
 Етти осмон жилvasи бир нурли айёмингдадир.

1997

АЗИМ ЧИНОР

Ўзбекистон Қадрамони Ибродим Файзуллаевга

Ҳар қандайин ўсмирнинг орзу-нияти
 Улгайсам дер, мен ҳам бир кун мўйлаб қўйсам.
 Сизда азим чинорларнинг салобати,
 Бургутларнинг ҳайбати бор ўйлаб кўрсам.

Умрларнинг китобида ҳар варакдан
 Термулгайдир қанча зору маъюс бобо.
 Шеър ўқисам муҳаббату ёшлик ҳақда,
 Кўзларингиз намланди-ку, раис бобо!

Чинорларнинг шивирлари боғларимда,
 Мен бу қутлуғ манэйлардан наво олдим.
 Фаҳр эттум, айни йигит чоғларимда
 Сиздай улуғ чинордан ҳам дуо олдим.

Инсонлар бор, бир дилга ҳам қолдирмай из,
Үзларига қаср қурган, құрғон қурган.
Сиз бир оддий темирчининг фарзандисиз,
Ешлигидан ўзин ўтга, чүкә урган.

Үтмаса гар әэгуликка хизмат айлаб,
Кимга, нега кераги бор жон ва таннинг?
Сиздай бағри бутун, оқил зотлар сабаб
Бағри бутун бўлгай доим бул Ватаннинг.

Чертиб кўрсам ўз кўнглимнинг торларини,
Сухан бошлар қанча зору маъюс бобо.
Сочларингиз Сангардакнинг қорларими,
Умрингиэга умр берсин, раис бобо!

Шукронада бор ҳар нафас, ҳар сўэингизда,
Бўлмаса бу шону шараф, обру қайдан?
Омон бўлсин тоғдай баланд қўксингизга
Энг мўътабар юлдузини такқан Ватан!

1997

ХИЖОЛАТЛИК

Дунё торларига бир зумлик куйман,
Үзим ўз бошимга ташвишман, ўйман.
Оши ўз вақтида пишмаган түйман,
Эрта нима дейман?

Хаёт аввал-охир икки томонлик,
Килган ишим бўлди шубҳа-гумонлик.
Яхшилик ўтдими ёки ёмонлик,
Эрта нима дейман?

Гоҳо ўзим сўйган гулдан хафаман,
Гоҳи кўксимдаги дилдан хафаман.
Эл мендан, мен эса элдан хафаман,
Эрта нима дейман?

Чоғладим бекадр, бешан оламни,
Эҳтимол тикладим ўз кошонамни,
Рози қилодимми ёлғиз онамни,
Эрта нима дейман?

Мангут шовуллагай эзгулик бори,
Бунда ўтганларнинг ҳикмат чироғи.
Исмим айтармикан бирор япроғи,
Эрта нима дейман?

Тўкилдим ҳар шоҳу гадо олдида,
Умрнинг ҳар они видо олдида.

Фақат хижолатман **Худо** олдида,
Эрта нима дейман?

1997

ТАРИҚАТ ТУПРОГИ

Олов десанг кул чиқадир,
Хазонлари гул чиқадир.
Катлам-қатлам тупроқ әмас,
Катлам-катлам дил чиқадир.

Оlam асли юэзингдадир,
Яъни қошу күэзингдадир.
Хикмат сенинг ўэзингдадир,
Не изласанг — шул чиқадир.

Зарра-зарра бу ер қаъри
Бир шайх эрур ё бир вали.
Фофил инсон ўйлар vale:
Танга тилло, пул чиқадир.

Ердан осмон чиқар бунда,
Дема: зиндон чиқар бунда.
Куллар султон чиқар бунда,
Султонлари кул чиқадир.

1997

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ШЕЪР

Бир шабнамга зор бўлиб турган пайтинг
Ёмғир бўлиб қирларингга ёрайми?
Бисотимда бор-йўғи бир қоп байтим,
Тўрт килоча кофиям бор, оғайнини.

Таъм бермас балки кечки шўрвангта,
Тоза, тиниқ сатрлардан ўрайми?
Ёки фариб, шалвираган тўрвангта
Ярим кило тўртлик солиб берайми?

Шоир яшар дард ютиб, юлдуз қусиб,
Ҳосил олмок учун бир бет, ярим бет.
Ғунчадайин сўзларимдан сен узиб,
Атиргулдай қўшиқлардан харид эт.

Ҳеч ким хор ўлмаган ҳали оч қолиб,
Чорласалар олтин, зангор соҳиллар.
Менга ҳам унча хуш эмас, бош қолиб,
Корин билан ўйласалар шоирлар.

Дўконим борми ё йўқми — қарамай,
Тонг еллари сўраб келса ҳолимни.
Уэ кўнглимни қофозларга ўрамай,
Шамолларга ҳадя этгум молимни.

Қашқарбалдоклардай тўрт ташбехим бор,
Билагузук янглиғ беш-олти разал.

Ошу нондан иборат эмас рўзгор,
Бул ҳақда ҳам топиб берай кўп масал.

Ажабланди аввал у мен хастадан,
У ён боқди, бу ёнга солди назар.
Аста ўтиб сўнгра қўшни раствордан
Икки кило гўшт об кетди, баччаар!

1997

ШОИР БЎЛАМАН ДЕБ КЕЛГАН БОЛАЛАР

Дашту далаларда унган лолалар,
Яшил қирлардаги шабнам, жолалар.
Тоғларда яралган соф шалолалар —
Шоир бўламан деб келган болалар.

Оlamча аламни баҳт этгудайин,
Гулу чечаклардан тахт этгудайин,
Дунёни шеър билан забт этгудайин,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Тиник булоклардай пок бўлар бари,
Орзулари мўлу йўқ ҳунарлари,
Мовий осмонларнинг оқ турналари —
Шоир бўламан деб келган болалар.

Шарқираб оқкувчи тоза ирмоқлар,
Хали гард күнмаган майса, япроқлар,
Үн етти, ўн саккис ёшли чақмоқлар —
Шоир бўламан деб келган болалар.

Гўё ёлқинланган олов уюрлар,
Оҳ, улар бегарағ, бекин куюорлар,
Гулдайин қизларни танлаб суюорлар
Шоир бўламан деб келган болалар.

Кейин йиллар ўтар вараклар бўлиб,
Бир дарахтдан кўчган япроқлар бўлиб,
Кеттайлар ҳар ёнга тўэриб, тарқалиб,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Энди синовларин бошлагай ҳаёт,
Энди тоблангуси бардош ва сабот,
Абдулла Орифни ёд билган авлод,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Неки бор, қисматнинг ҳукмига кўра
Рўй берар: бирлари амалдор, тўра,
Бирлари ҳали ҳам пишмаган гўра,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Бирларин кўксига ин қуриб ҳасад,
Кўнгил ғунчаларин сўлдирад агад.
Юз жилд севинч эди, эҳ, юз жилд ҳайрат,
Шоир бўламан деб келган болалар!

Бирлари бек бўлиб майхоналарга,
Яна ҳайрон бокар ҳайроналарга,
Айлансалар экан тароналарга,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Менинг бу ҳаётдан кўпдир қараларим,
Ўзим не йўқотиб, нени асрадим?
Эсиз, сиз-ла кечган гулгун пайтларим,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Ҳар бир сатр узра алвидо айта,
Дафтар очгандингиз у ёшлик пайтда.
У шараф қайда, у шеърият қайда,
Шоир бўламан деб келган болалар?

Шунча соф жилғадан исмсиэ, иэсиз,
Колмиш йиллар ўтиб бир ё иккиси,
Кани у чаманзор кунларнинг иси,
Шоир бўламан деб келган болалар?

Фалак айланади ҳам давру замон,
Тақдир саралайди бизни беомон.
Шеъру қўшиқларсиз қолмагай жаҳон,
Шоир бўламан деб келган болалар.

Бир тонг поездлардан тушар кўп гуллар,
Жилғалар, гиёҳлар, насимлар, еллар,
Уларни асрагил, эй тақдир, улар —
Шоир бўламан деб келган болалар.

1998

* * *

Мен ўзбекнинг бир штатсиз шоириман,
Шеър айтмоққа гоҳ нўноқ, гоҳ мохириман.
Берсин дейман ҳар кимнинг ҳам толенини,
Ҳаёт Зухро бўлса унинг Тоҳириман.

Мени қирдан топиб олган ул кун баҳор,
Бу дунёда менинг бор-йўқ юким баҳор,
Ҳовлингизга томингиздан тўккум баҳор,
Мен гуллар ва шамолларнинг шофириман.

Ёмириларда ивиган оқ кўйлакларим,
Тикилсангиз, кўрингайдир юракларим.
Бир лоланинг доғи айтар даракларим,
Улку пинхон, мен-чи шунинг эзохириман.

Дардим ўхшар гоҳ қизим, гоҳ боламга ҳам,
Айвони кенг, сахни баланд оламга ҳам,
Ўхшар гоҳи ўйчан, ёлғиз онамга ҳам,
Ўз онамнинг мен паришон хотириман.

Йигитликми ва ё умр ҳазонида
Тинчи бўлсин ҳар кимнинг ҳам маконида.
Бу ҳаётнинг ғала-ғовур дўконида
Бахтга навбат турганларнинг охириман.

БОЛАЛИКНИ ҚҮМСАШ

Дилсиз танларга ҳам
Диллар қайтадир.
Тилсиз жонларга ҳам
Тиллар қайтадир.
Фақат мен қайтолмам
Сенинг бағрингга,
Кайтмоққа ушбу кун
Илож қайдадир?

Сенинг уфқларинг,
Кирларинг чексиз,
Зангори, анвойи
Сирларинг чексиз,
Эсиз, сайхонларинг,
Сойларинг, эсиз,
Букун кучай десам,
Кулоч қайдадир?

Ювсин деб бор дарду
Оғриқларимни,
Кеча сўроқладим
Ёмғирларингни.
Кўзга суртай десам
Томирларингни,
Исмалоқ қайдадир?
Равоч қайдадир?

Бир тоғ гиёх янгалиғ
Биз бирга үсдик,
Эй бўйдош жўралар
Тарқадик, тўэдик.
Кайларда қолдинг,
Эй покиза дўстлик?
Букун сенга мендай
Мухтож қайдадир?

Момомдан қолган,
Эй боғу баҳорим,
Отамдан ёдгор,
Эй тупроқ диёrim,
Сенинг соғинчингсиз
Бўлмас барорим,
Менинг муродимга
Ривож қайдадир?

Мен йигиб кетганим
Сомон ўшандай,
Юлдузларинг ўша,
Осмон ўшандай,
Дашту далаларинг
Ҳамон ўшандай,
Фақат Сирож қайда?
Сирож қайдадир?

* * *

Сингилларим, бинафшажонлар,
Томирлари ерга нихонлар,
Бунча эрта соғиндим сизни,
Зориқтириди ахир хижронлар,
Сингилларим, бинафшажонлар.

Бу йил бунча чўзилди фироқ,
Борган сайин мен танҳо, тоқроқ.
Айрилиқ бор дунёда, бироқ
Кўришмоқ ҳам борку қачонлар,
Сингилларим, бинафшажонлар.

Бор умримни мен бир туш этдим,
Юлдузларнинг сувин нўш этдим,
Дилни кўзга ёмғирпўш этдим,
Юзларимда оби равонлар,
Сингилларим, бинафшажонлар.

Хеч қаерда ҳеч вақт акалар
Сингилларга йиғламагайлар,
Маъзур тутинг сиз мени бу гал,
Бир сиз менга синашта жонлар,
Сингилларим, бинафшажонлар.

1998

БЮОК ШОИРЛАР

Хазил

Буюк шоир бўлмоқ бу не жаэодир?
 Афзалмасми тирик юрган чумоли?
 Лутфий бобо, Мир Алишер ва Бобур
 Жавонларда туришибди қамалиб.

Боқаверсанг тириклик наҳоридан,
 Фунчаларнинг очилмоғи бир зебо.
 Маймунлару бойқушлар дийдоридан
 Бебаҳрадир бунда Гулханий бобо.

Фурқат чекар айрилиқдан оҳ-фиғон,
 Ҳануз айро қисматлари умумий:
 Мавлоно деб сийласалар-да, ҳамон
 Муқимгина бўлиб яшар Муқимий.

Мўлтирайди бечора Усмон Носир,
 Чўлпон кўрмас кўқдаги чўлпонларни.
 Барчалари эиндондан чиқиб охир
 Банд этмишлар шу тифиз жавонларни.

Нелар кўрди Ойбек ёруғ жаҳондан?
 Бунда ҳам у ўз сукути, ўйида.
 Faфур Ғулом чиқиб кетиб жавондан,
 Сайр этолмас анҳорларнинг бўйида.

Нима керак сенга бундоқ буюклиқ,
 Калам тафтин сеәмаса гар бармогинг?
 Қандай яхши шон-шұхратсиз тириклик,
 Ялло қилиб шेърлар ёзиб юрмогинг!

1998

ШОИР БҮЛМОҚ

Дилдан дилга оғир сафар
 Бошламоқдир шоир бүлмоқ,
 Тиглар узра, михлар узра
 Яланғоч қалб билан қадам
 Ташламоқдир шоир бүлмоқ,
 Бу қисматдир биринчидан,
 Дарду ҳасрат гурунчидан
 Ошлар дамлаб, кеча-кундуз
 Ошамоқдир шоир бүлмоқ.

Күюнларга қариндошу
 Ука бүлмоқ чақынларга.
 Бегоналарга ошино,
 Ёт туюлмоқ яқынларга,
 Җүрги олмок, ўтни олмок
 Ҳовучлар ҳам сиқимларга,
 Яна хуррам қарамоқлик
 Ёнғинларга, ёлқынларга.

Майсага ҳам, найзага ҳам
Үшамоқдир шоир бўлмоқ.

Тор кулбага сайдонлардан,
Даштлардан ҳам осмонлардан,
Шамоллару шаббодалар,
Исмалоқлар, раёнлардан,
Севинчлар ҳам, соғинчлар ҳам,
Айрилиқлар, хижронлардан,
Яна қанча армонлардан,
Сомонлардан қўрпа-тўшак
Тўшамоқдир шоир бўлмоқ.

Сўё тақмоқлик қўнғизларнинг,
Хўкизларнинг ҳам шохига,
Бир умр шеър шивирламоқ
Тўнғизларнинг қулогига.

Жавоб бермоқ ҳар курту ҳар
Кумурсқанинг сўробига.
Шерик бўлмоқ капалак ҳам
Чумолининг фирогига.
Минг бор видо, минг бор хайру
Хўшламоқдир шоир бўлмоқ.

Кесаклардан меҳроибонлик,
Тошлардан гул тиланмоқдир.
Кечалари юлдузларнинг

Унларига беланмоқдир.
Дунёларни талоқ қўйиб,
Рўёларга уйланмоқдир.
Бир кўнгилни минг ип айлаб,
Минг кўнгилга уланмоқдир.
Ишқдан бўлак барча ишдан
Бўшамоқдир шоир бўлмоқ.

1998

КЕТИШ ҚЎШИФИ

Усмон акага

Торлар қаён, сувлар қаён
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?
Боғлар қаён, гувлаб қаён
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Гир айланар чархи фалак,
Канча куну тунлар ҳалак,
Ранг олмайин илк ҳандалак,
Ёзлар қаён, кузлар қаён
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Кимларнидир армонлари
Шафакларнинг алвонлари.
Булутларнинг карвонлари
Бўзлаб қаён, бўзлаб қаён
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Иллар кетарлар зорланиб,
Диллар колар озорланиб,
Гоҳ қорайиб, гоҳ қорланиб
Юзлар қаён, юзлар қаён
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Мижгонларингда минг фифон,
Қолгайму ҳуснингдин нишон?
Эй зори жон, эй ёрижон,
Зулфлар қаён, кўзлар қаён
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Очгили кўзинг, эй одами,
Умри равонинг ҳар дами,
Кўпи қани? Ози қани?
Излар қаён, излар қаён
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Охир шукр кил борига,
Рағбатлари, рафтотига,
Бегоналар қай сорига,
Дўстлар қаён, дўстлар қаён
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

Дил конидан чоғирлари,
Утгай замин шоирлари.
Кўринмайин охиirlари
Сўзлар қаён, сўзлар қаён
Кетмоқдалар, кетмоқдалар?

1998

ҚУШЛАР ОЛАМИ

(Болаларға)

Қарғалар қочиб кетди,
Гүм бўлдику читтак ҳам.
Унга бу ошёнлардан
Топилмасди катак ҳам.

Жуфтакни ростлаб қолди,
Қаранг сатаңг майнани.
Булғаб кетибди яна
Деразани, ойнани.

Анхорда юрган эмиш
Чумчук билан зағизон.
Истанбулга учибди
Бу сахар жиблажибон.

Қалдирғочку, тинмайди,
Кўзга қўйиб сурмалар,
Ташигани ташиган
Фақат лою гувалак.

Қизилиштоннинг эса
Уялгани ўлгани,
Ипподромга кетдими
Яшил иштон олгани?

Табиатнинг бу ҳолдан
Кош-қовоги чимрилар.
Мухаббат бозорига
Ҳайрон боқар қумрилар.

1998

ХОРАЭМЧА

Бир гул кўрдим нақши нигор шаклинда,
Камзуллари бофу баҳор шаклинда,
Қаро кўзи лайлу наҳор шаклинда,
Икки зулфи мор, аждаҳор шаклинда,
Бул иккиси тун-кун бедор шаклинда.

Баланд борнинг олмаю оранжи бор,
Бор ортинда Ҳеваю Урганчи бор.
Бир сўз десам андаккина ранжи бор,
Бул санамнинг икки ниҳон ганжи бор,
Барглар аро икки анор шаклинда.

Ғунча лаби ғунчаларни сўлдуур,
Асли ғунча деганлари шулдуур.
Кулгичлари куйдуур ҳам кулдуур,
«Галдингиизми» дейишлари ўлдуур,
Қурбонлари қатор-қатор шаклинда.

Күёш чикса шул санамнинг юзиндан,
Олам кечар ойиндан, юлдузиндан,
Даъво қилмай дилнинг ёзу кузиндан,
Гурлангача кетай анинг изиндан
Гоҳи хазон, гоҳи ғубор шаклинда.

Энди биза бир гап бўлса гул сабаб,
Хоразм, ай, ҳолимиза қўй қараб.
Энди билдик, ишқ элина ўт қалаб,
Ҳофизларинг куйласалар, шул сабаб
Шамойили селу себор шаклинда.

1998

Қўшиқ

Ш.Ж.

Қадим савтлар оқар томирларимда,
Дунёда бор эди бир куйган ошиқ.
Тунлар уйғонаман Боришамолдай,
Жоним, банд-бандимда шовуллар қўшиқ.

Шовуллаб залларга кириб бораман,
Қўшиқ ловуллайди зарпардаларда.
Сиз сахна юзинда адo бўлсангиэ,
Мен адo бўламан авж пардаларда.

Карсаклар портлайди фавворалардай,
Сўнг шамол тингандай бўшаб қолар зал.
Яна боғ сингари чиқиб кетаман,
Тонггача жисмимдан эсар куй, газал.

Бизга шу ҳофизни топиб бер дебон,
Ёнгиндай ёприлар жами ошиқлар.
Мен илкис қўлимни силкитганимда,
Куплар галасидай учгай қўшиқлар.

Кўхна девонларга юзимни босиб,
Ўйлайман ҳаётнинг дард томонини,
Ҳофизим, Навоий тирик бўлганда
Сизга кийгизарди ўз чопонини.

1998

ТОТЛИСАСНИНГ ҚЎШИФИ

Кетмай ҳали найсон атри,
Келиб келмай ҳазон фасли,
Бахтсизманми ва ё бахтли,
Ёшлигим, тарк этма вақтли,
Куним дардли, кечам дардли.

Мухаббатим сиймоблари
Кўкнинг юлдуз моҳтоблари.
Ғуборлидир офтоблари,

Дилим дөгли, гулым гардли,
Куним дардли, кечам дардли.

Соғинчларим ширил-ширил,
Ярми сориғ, ярми яшил,
Уз ишкимдан ўзим хижил,
Кани ёрлар садокатли?
Куним дардли, кечам дардли.

Дил баргидан күчган охим,
Менинг куйга түшгаптап охим.
Соз куйларсан эй, Иброҳим,
Қўшиқ ҳам бир армон асли:
Куним дардли, кечам дардли.

1998

КОР ЁЕДИ

Кор ёғдию оқланди буткул еру осмонлар,
Борликни қуршаб олди оқчопон пошибонлар.

Кор ёғдию бу олам бир тунда майинлашди,
Битди гўё жисмида бори захму зиёнлар.

Бепоён бир эзгулик яралгандай, гўёки
Колмагандай жаҳонда ичи қора, ёмонлар.

Дараларда оқ тошлар оқ қўйлар сурувидай,
Оқ қоялар, оқ тоғлар — оқ чакмонли чўпонлар.

Яссавий хикматлари ёғмиш гүё кўклардан,
Хаммаёқда ёйилмиш оқ варак, оқ девонлар.

Фақат бу хикматларнинг зимнига етмоқ керак:
Кайдан келур одамзод, яна кетур қаёнлар?

Кошлари камонларнинг зулфи, мижгонлари кор,
Бахор қачон келади, эй қошлари камонлар?

Бутун борлик, бор олам илоҳий оқликка ғарқ,
Бўлмагандай ҳеч қачон ҳеч хил давру замонлар.

1998

ЗИЁРАТ

Оlamdan ўтганлар оламидир бу,
Кексами, ёшми ё боламидир бу?
Дил доғи ва ёки лоламидир бу,
Не дейсан бу сўэсиз ишораларни?

Дунё деб аталмиш ёруғ саройга
Сигмайин юрганлар сигмиш бир жойга.
Тақдир ҳаммаларин йиғмиш бир жойга,
Тириклик кўйида оввораларни.

Энди ҳеч бир ишни ўнглолмагайлар,
Келган ёзу қишини англолмагайлар,
Алар энди ҳеч вақт тинглолмагайлар
«Қаро кўзим», ва ё «Сувора»ларни.

Кимнинг ўғил тўйи, қиз тўйи қолмиш,
Битмаган иморат ё уйи қолмиш.
Бироннинг орзуси шу бўйи қолмиш
Бағрини қон этиб ғамхораларни.

Ҳали бу савдони билмаган ҳеч ким,
Билмагай ҳеч қачон ўлмаган ҳеч ким,
Ҳали у оламдан келмаган ҳеч ким,
Дилдан ўчиргил бу ибораларни.

Фано биносиdir бунда ҳар қабр,
Бизга эмас, асли шуларга жабр.
Бунда ётганларга Ўзинг бер сабр,
Худо, раҳмат қилгил бечораларни.

1998

ЛАЙЛАҚҚОР ВА ОДАМЗОД РИВОЯТИ

Жумлайи оламга лайлакқор ёғар,
Безиён, безахму беозор ёғар.

Ул ёғар оппоқ хикоят сингари,
Одамизоддан ривоят сингари.

Ул ёғар шукру шарофатлар бўлиб,
Ерга осмондан шафоатлар бўлиб.

Ул фараҳлар сингари ёғмоқдадир,
Оқ вараклар сингари ёғмоқдадир.

Оқ алам ё оқ кадарлардирми бу?
Одамизоддан хабарлардирми бу?

Бахтмидир, толемидир ё идбор?
Айрилиқдирми ва ёким дийдор?

Ул ёғар шавкатлару шонлар каби,
Ору номус, тоза имонлар каби.

Хайру хайрият мисол ёғмоқдадир,
Орзуу ният мисол ёғмоқдадир.

Кимнинг умри ёки субху шомидир?
Үтган инсонларнинг исму номидир.

Ул ёғар пок хотиротлар сингари,
Севгию севинчү ёдлар сингари.

Күнгли кемтикларга бир овунчмидир
Е тасалли бергучи соғинчмидир?

Кор ёғар, файзу фароғатлар ёғар,
Хам фасоҳат, хам нафосатлар ёғар.

Илтижолар, аҳду паймонармидир?
Е висол, ёинки хижронлармидир?

Эй самовий хат, эй зеру забар,
Менга ёшлик оламидан бер хабар.

Не битик бор менга қисмат килкидан?
Муждалар бергил мухаббат мулкидан.

Айланиб ҳам чирманиб ёғмоқдадир,
Эврилиб ҳам әмраниб ёғмоқдадир.

Жумла риндлар, жумла хайёмлар каби,
Ул ёвар ўткинчи айёмлар каби.

Беомон рафторидан ҳайрон бўлиб,
Бекалом гуфторидан гирён бўлиб,

Дилга бундин сирру асрор айлабон,
Кўхна бир ташбехни такрор айлабон,
Ёду хотир юртига қилдим сафар,
Жумлайи оламга мен солдим назар.

Жумла олам бори лак-лак хонадир,
Қанчалар лайлакка лайлакхонадир.

Борми, йўқми мақсаду маслаклари,
Кеб кетарди оқу оқ лайлаклари.

Бирларидан қолмайин жоҳу жаҳон,
Бирларидан бўлмайин ному нишон,

Бирлари ё бир дараҳт ўтқизмайин,
Бирлари бир коса сув тутқизмайин,

Бирларидан боғлар ёдгор қолиб,
Бирларидан доғлар, озор қолиб,

Бирлари бир дилга кўприк солмайин,
Бирлари бир дилдан оғриқ олмайин,

Бирлари күэ, бирлари фасли баҳор,
Бирлари түқ, бирлари очу наҳор,

Талхми ё шириңми ё тақдирлари,
Бирлари келса, кетарди бирлари.

Мен бу қатновга қараб ғамлар билан,
Күэ ва дил баргыда шабнамлар билан,

Ботининг ҳам зоҳирингни ўйладим,
Аввалинг ҳам охирингни ўйладим.

Келдингу қайдин, кетурсан қай томон?
Қайда манэил сенга ҳам қайда макон?

Қайда тўрванг, қайда қолгай кашкулинг?
Ўйладингми, қайда битгай мушкулинг?

Турлидир гар рамзу рафторинг сенинг,
Ўйладингми, қайда асроринг сенинг?

Қайда сендан қолди бир сўқмоқ йўл?
Қайда шодлик қолди сендан ё малул?

Ўз саволингга жавобинг қайдадир?

Ҳам гуноҳинг, ҳам савобинг қайдадир?

Қайсиdir тўйингу қайси мотаминг,
Ўйладингми, ўйладингми, одами?

Гарчи зурёдинг сенинг лак-лак эрур,
Бор-йўғинг бир кеб кетар лайлак эрур.

Яъниким, онийлигингни бил ўзинг,
Кордайин фонийлигингни бил ўзинг.

Кўз очиб юмгунча умринг ўтгуси,
Булбулинг, сайрохи қумринг ўтгуси.

Ҳар даминг Ҳақдин иборат айлагил,
Яҳшиликлардин иморат айлагил.

Бир-бирингга бир-бирингдан зорлар
Ўрнида қолсин фақат гулзорлар.

Ўз дилингда доғларинг қолсин сенинг,
Эзгуликдан боғларинг қолсин сенинг.

...Кор ёғар, файзу фароғатлар ёғар,
Ҳам нафосат, ҳам фасоҳатлар ёғар.

Мен бу қордан қанча хислат англадим,
Қанча панду қанча ҳикмат тингладим.

Бегараз бесўзу беминнат бўлиб,
Жумлайи оламга оқ зийнат бўлиб,

Ул ёғарди мисли оқ парвоналар,
Сўйлабон оламга оқ афсоналар.

Ўйламанг: мен йўқдин бор айладим,
Асли бор гапларни такрор айладим.

Ўйламанг ҳам бир вазият деб буни,
Панду ҳикмат ё насиҳат деб буни.

Мен насиҳатнинг ўзим мухтожиман,
Панду ҳикматнинг ўзим мухтожиман.

Кўхна бу чархнинг гурунги гаплари
Аслида айтиб бўлингандир бари.

Бўйла даркор сўз такрор бўлгуси,
Бўлса ҳам такрор даркор бўлгуси.

Мен бу важҳ ўз мушкулимдан сўйладим,
Шикваю шарҳи дилимдан сўйладим.

Ҳар бирингиз ҳар хилу ҳар накшлиғ,
Ҳар бирингизга тилай мен яхшилиғ.

Яшнатингу яшнангуда озод бўлинг,
Элу юртингиз ила обод бўлинг.

Қордайин оппоқ тилаклар бирла сиз,
Оқ умидлар, пок юраклар бирла сиз,

Юз очингиз ёруғ истиқболга,
Ёр бўлингиз баҳт ила иқболга.

Гулласин деб умриигизнинг ҳар куни,
Мен, Сироғиддин Сайиид, айтдим буни.

1998

ОНАМНИНГ КАЛИШЛАРИ

Бунча ҳам қаттиқ экан
Қисматнинг болишлари.
Кўз олдимдан кетмас ҳеч
Онамнинг калишлари.

Улар остонасида
Тураг бир жуфт абгордай.
Кўзимга бутун дунё
Кўринади айбдордай.

Яшайдирман гарчи қўл,
Юзларини соғиниб.
Калишлари даҳлиэда
Тураверар оғриниб.

Дардимни яширгайман
Онам ҳолим сўрганда.
Калишлари валекин
Барин билиб тургандай.

Гарчи тилсиэ, забонсиэ,
Хомуш, беозордайлар.
Бор дарду хижронимдан
Улар хабардордайлар.

Онамнинг кўзёшидан
Бўлса болишлари нам.

Назаримда кечалар
Йиғлар калишлари ҳам.

Улар ҳам гүё мени
Үртаниб ўйлагайлар.
Бахту бахтсизлигимдан
Киссалар сўйлагайлар.

Софинчнинг деворлари
Ёмғирларда емрилган.
Улар ҳам онам каби
Йўлларимга термулган.

Мол йиғмадим мен, аммо
Сув сўрганга сой бердим.
Бир кўнглим бор эди, лек
Мен уни ҳам бой бердим.

Бу дунёда ниҳоят
Бир ҳикматни илғадим.
Калишларни юзимга
Босиб, келар йиғлагим.

Онамнинг калишлари...
Бир умрлик қарзимдай.
Патакларин кўзимга
Суртиб ўлсан арзигай.

ҚИРҚ БАХОР РИВОЯТИ

Күхна дўстларингдай кўкда ой, қуёш,
Қирқ ёш, соринчмидинг ва ёким бардош?
Ярми иссик, ярми совуб қолган ош,
Сойми, соҳилми ё сайхонми, қирқ ёш?
Бари бир-бирига ҳайронми, қирқ ёш?

Сен тонг деб куттганинг шом чиққандайин,
Урган арпаларинг хом чиққандайин,
Ҳам тинган ёмғиру ҳам чақиндайин,
Ранги сал унинкан кўйлагим, қирқ ёш,
Эрта нелар дея ўйлагум, қирқ ёш?

Ярми оқ, ярмиси зангор тепалик,
Унда гулхан ёнар, ёни — капалик.
Бир йўлчи отланар — қундуз телпаклик,
Бир тунда зор-маҳзун бўлганим, қирқ ёш,
Қирларда қолганим — гулханим, қирқ ёш.

Иэхор дейинмикин ва ё иэтироб,
Севинчми, саодат, севгими, сароб?
Ярим кўнглим обод, ярмиси хароб,
Яшил ҳам заъфарон кўкламим, қирқ ёш,
Ичи тўла ҳижрон тўпламим, қирқ ёш.

Бу — бир кенг саҳрова қолган пайтдайин,
Армон, қушларингга не деб айтайин?

Олдга юрайми ё ортга қайтайин?
 Менинг висолим ҳам фирғим, кирқ ёш,
 Шабнамга фарқ бўлган қарғим, кирқ ёш.

1999

ВАТАН НАДИР

Бешта беку бешта хони бирлашмаган,
 Миллат дебон, Ватан дебон сирлашмаган,
 Бир қир бўлиб, бир ер бўлиб ер талашган,
 Тўзғиб ётган хонавайрон юрт эди бу.

Кондош бўлиб қўшилмаган, қони айро,
 Тўраларин ўз элидан нони айро,
 Асрларким йиғлаб ўтди икки дайро,
 Ярми фарёд, ярми афғон юрт эди бу.

Исломият дунёсин ўз мулкин қилган,
 Иймон бирлан ер юзини гулгун қилган
 Бухорийни Бухородан қувғин қилган,
 Бир зўравон, бир нотавон юрт эди бу.

Ватан надир — англанг ранжу озоридан,
 Сўранг уни подшоҳ Бобур мозоридан.
 Ўз зуррёдин ҳайдаб гулшан гулзоридан,
 Девонларда бағри бирён юрт эди бу.

Дилни ўртар ҳамон ғаму фурбатлари,
Ет элларда қолиб кетди турбатлари,
«Фифонким...» деб ўтди қанча Фурқатлари,
Еркентларда күзи жайрон юрт әди бу.

Үзи гулдай ўғлонларин сайлаб бериб,
Рўйхатларга номларини жойлаб бериб,
Чўлпонларин үзи итдай бойлаб бериб,
Иzlаридан үзи гирён юрт әди бу.

Келгинди ном борки бунга келиб кетган,
Чўнтаклари тиллоларга тўлиб кетган,
Яна хоксор әл устидан кулиб кетган,
Мехмони кўп, муте мезбон юрт әди бу.

Надир миллат қудратининг тамаддуни?
Амир Темур ҳайкалидан сўранг буни.
От миндириб ким қайтарди юртга уни?
Жаҳонгири бехонумон юрт әди бу.

Бир сultonни Ҳудо юртга қараб бергай,
Оlam аҳли сўнг у юртга тараф бергай,
Абадият қадар унга шараф бергай,
Шараф-шони рўйи жаҳон юрт бўлди бу.

1999

ВАТАН ОЗОДА БҮЛСИН

Күёш фалак тоқида,
Ой хам фазода бүлсин,
Нур ёғсин кеча-кундуз,
Ватан озода бүлсин.

Үтиб абри найсонлар,
Дурлар түксин осмонлар,
Чарақласин айвонлар,
Ватан озода бүлсин.

Шабнамларга юзингни
Ювиб очгил күэзингни.
Пок эт аввал ўзингни,
Ватан озода бүлсин.

Бу дашту далалари —
Онантнинг аллалари.
Үйла тонг паллалари:
Ватан озода бүлсин.

Майли гул,райхон ўстир,
Үғил-қиз, инсон ўстир.
Аввал қалб, иймон ўстир,
Ватан озода бүлсин.

Сен шом, нахорига бок,
Боғу баҳорига бок.

Имом Бухорийга боқ,
Ватан озода бўлсин.

Бу дунёда гул қолар,
Боғ қолар, булбул қолар,
Биз кетармиз, шул қолар,
Ватан озода бўлсин.

1999

КИСҚА САТРЛАР

* * *

Мен дардни хеч кимдан
Кўчирмадим, йўқ,
Ёзганимдан кўра
Ўчирганим кўп.

* * *

Булбулни қарғага
Кўшиб бўлмайди,
Карға бўлган жойда
Кўшиқ бўлмайди.

* * *

Дилимнинг доғи ҳам
Кўксим яроси:

Лаблар гилосию
Күэлар чароси.

* * *

Бир қатра шабнам,
Бир томчи атир,
Эй ёр, менга ҳам,
Сенга ҳам етар.

* * *

Умр — бир соғинчдир,
Умр — бир оғриқ.
У томони зангор,
Бу томони сориғ.

* * *

Бу дунё, у дунё —
Икки айри боғ,
Келиб кетгусимиз
Айлаб сайрибоғ.

1999

ЧОПОНГА ҲАЗИЛ ҚАСИДА

Менинг қадрдоним, азиә чопоним,
 Бошимдан не ўтди — сен ҳар дам билдинг.
 Очик қолганида ўнг ё чап ёним
 Елғиз ташламадинг — дўст, ҳамдам бўлдинг.

Сен мендан бир нафас тушмадинг айро
 Энг қийин, энг танҳо кечаларимда.
 Гоҳи кўрпам бўлдинг, ёстиғим гоҳо,
 Гоҳи саир этдинг елкаларимда.

Менга толе гарчи бермади рўйхуш
 Ерларим билан ҳам тенгларим билан.
 Неча бор меҳрибон енгларинг билан
 Бўйнимга осилиб йирладинг хомуш.

Кимга қўнгил очдим бебож, бехирож,
 Қўйнидан тикон ё тош чиқди охир.
 Узингдан қўймасин, қучоғингни оч,
 Дунёда энг очиқ, беминнат бағир!

Бир кун баҳор келар оқ ва нофармон,
 Ўз дилим тогифа дарёдай тошгум.
 Шунда сенга бокиб шод ва беармон,
 Устингдан бир қучоқ бойчечак сочгум.

Бир тунлар бошлинар ойдин, суманбўй,
 Кўкдан ишва айлар Зуҳро, Чўлпоним.

Дунё тургунича тургин, омон бўл,
Дўсти қадрдоним, азиз чопоним!

1999

УСТО ТОЖИДДИННИНГ САНДИҚЛАРИ

Усто Тожиддиннинг сандикларида
Бутун болаликнинг бўлаклари жам:
Ойбиби момонинг аллаларию
Руқия кампирнинг ўланлари ҳам.

Тиник, тоза осмон кечаю кундуз
Нур сочар ой, қуёш — қандилларидан.
Кўз узмай шивирлар қанчалар юлдуз
Усто Тожиддиннинг сандикларидан.

Мен ҳам кўэим уэмай қараб турибман
Ўшал оқшомларнинг колдикларидан.
Мен учун қанчалар ширинлик бордир
Усто Тожиддиннинг сандикларида.

У пайтлар бўй етган сулув қизларнинг
Ойни қитиқлаган киприклари бор.
Усто Тожиддиннинг сандикларидан
Уларнинг баҳт томон кўприклари бор.

Усто Тожиддиннинг сандиқларини
Ошиқ кўнгилларнинг тўйларида кўр.
Яна бир умрлик бахту иқболин
Шуларнинг уйида, бўйларида кўр.

Ўшал кўчаларда, ўшал уйларда
Менинг ёмғирлигим, лолалигим ~~ҳам~~.
Тўйларга ортилган сандиқлар билан
Кетди қайтмас бўлиб болалигим ~~ҳам~~.

Бир кун у аллалар, у ўланларнинг
Изларин изладим тўзган бўйродан.
Кампирлар изидан жим йиглаб-йиглаб
Усто Тожиддин ~~ҳам~~ ўтди дунёдан.

Мен ~~ҳам~~ бу ерлардан бош олиб кетдим,
~~Қайда~~ у кечалар — нурлик, гурунглик?
Тотдим шўр қисматнинг таҳир таъмини,
Энди керак эмас менга шириналлик.

Үйма-үй, соғиниб, бирма-бир очсам,
Сандиқлар бир нени биладигандай,
Усто Тожиддиннинг сандиқларидан
Хоэир ўзи чиқиб келадигандай...

1999

АЖАБ ДУНЁ

Мен бу олам ахволининг
хар рангига тушунмадим,
Мен бу одам авлодининг
найрангига тушунмадим.

Мен бу ичи тўла риё,
кўнгли қаро ёронларнинг
Кийиб юрган чопонининг
зар рангига тушунмадим.

Мен бу чаман саҳнасига
ошиқ бўлиб келган эдим,
Гул рангига тушундиму
дил зангига тушунмадим.

Мен бу бозор ичра юрган
булбулларга ҳайрон боқдим,
Симёвочга боғлиқ турган
кар ҳангига тушунмадим.

Мен бу кавну маконига
бир дўст излаб келган эдим,
Эртаю кеч ош еб ётган
барзангига тушунмадим.

Кўнгиллару майсаларнинг
шивирларин тинглай девдим,
Коринларнинг дўмбираю
дарангига тушунмадим.

1999

ЭЙ ОЙ

Хаёт бир най бўлди, дил чалар бўлди,
Менинг ҳар бир дамим йилчалар бўлди.
Килдай белларингта етгунча, эй ой,
Жон ҳам нозик тортиб қилчалар бўлди.

БОҒДА

Анор юзларингта не бўлди, анор?
Сенга ким бунчалар тикилди, чарос?
Нега бир ёнонинг олдир, шафтоли?
Гилос лабларингдан ким ўпди, гилос?

БАХОР ОҚШОМИ

Бу — баҳор оқшоми, фол, роми йўқдир,
Ҳеч юртнинг бу юртдай оқшоми йўқдир.
Канча гуландомдан гул иси келгай,
Канча дилоромнинг ороми йўқдир.

СЕНИНГ БИР ХОЛИНГ...

Фалак ўз ишини пухта қилмишdir,
 Нақшини жисм ила рухда қилмишdir.
 Менинг бор хорлигу сарсонлигимга
 Сенинг бир холингни нұқта қилмишdir.

ИККИ ЮЛДУЗ

Бу оқшом менингdir, бу айём менинг,
 Бу соқий менингdir, бу Хайём менинг.
 Күкдан жилва қылса Сурайём менинг,
 Ерда ишва айлар Мухайём менинг.

1999

2000 ЙИЛ ШЕЪРИ

Икки минг тилагим айтсам гар ҳозир,
 Яна икки минги қолур қалбимда.
 Икки минг шодликлар Сизга мунтазир,
 Икки минг шукух бор яна дардимда.

Гүё бўстонимдан бир зум ичинда
 Икки минг капалак учдию кетди.
 Икки минг юлдуз бор бир тун ичинда,
 Яна икки минги ўчдию кетди.

Икки минг ўйларим чулғанған осмон,
Икки минг зоримга жой қолдир яна.
Бирдан гуллагандай икки минграйхон,
Икки минг баҳору баҳт ёғдир яна.

Икки минг севинч ҳам камлик қилгайдир
Бу қызлар — чехраси гул, хандонларга.
Икки минг түй бергил уйларга, тақдир.
Икки минг бешик бер хонадонларга.

Икки минг оромнинг баҳридан үтган,
Икки минг дуолар айлаған онам.
Икки минг толенинг қадами үлған
Икки минг айвону нурли останам.

Мангу шивиrlагай бедор бу тупроқ,
Майсалар оятлар ўқиб келгайдир.
Икки минг кечалар қўйнидан уйғоқ
Икки минг авлиё чиқиб келгайдир.

Бу тонг йўргакланған чақалоқ балки
Бир кун Фаридиддин Атторлар бўлгай.
Айтсам, айтаверсам завқланиб, балқиб,
Яна икки минглаб қаторлар бўлгай.

Икки минг насимлар эсдилар, кўрдим.
Тиклаб Эътиқоддан шаҳру қасрлар,
Икки минг баҳтларга ёр бўлгил, юртим,
Яна икки минглаб йиллар, асрлар!

1999

ЭГАСИ БОР ЮРТ

Очсанг давронларнинг китобларини
Канча карвонларнинг эртаги бордир.
Тингла доноларнинг хитобларини:
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Дунёнинг манзилу маконларида
Бир рўзғор бут бўлса, тўрттаси хордир.
Боққил ўз юртингнинг қўроғонларига:
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Бунда ой, қуёшдан чехралар олган
Ўғил ҳам қизларнинг эркаси бордир.
Ҳар айтган сўзидан Ватан туғилган,
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Милёнлаб ўзбекнинг умидлари жам
Милён бу овозлар — номус ҳам ордир.
Чопдим шеърларимни қўлтиқлаб мен ҳам:
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Калдирғочларга бер айвонларингни,
Күшнинг ҳам бек билан бекаси бордир.
Сингилжон, экавер райхонларингни,
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Умр гохи ширин, гохи талх бўлгай,
 Улуғ ниятларга Оллоҳ ҳам ёрдир:
 Эгаси бор юртнинг эли ҳалқ бўлгай,
 Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

2000

БАФИШЛОВ

Куёшу ой кеча-кундуз
 азал посбони бўлган юрт,
 Гўзал Чўлпонларию ҳам
 гўзал осмони бўлган юрт,
 Сен, эй шаъни баланду ҳам
 баланд айвони бўлган юрт,
 Тикилсам гар, севинчдандир
 кўэимдан кетмагай намлар.

Сени мен хасларингдан,
 сасларингдан ўрганиб ўсдим,
 Чинорлардай сабогинг,
 дарсларингдан ўрганиб ўсдим,
 Бешикдан мен сенинг
 хикматларингга бурканиб ўсдим,
 Дилимда Яссавийлар,
 Термизийлар ёқдилар шамлар.

Азиз сингилларим янглиф
ниҳолинг, толларинг ўпсам,
Гулу гулшанлар ичра гул,
гул ичра холларинг ўпсам,
Дилу дилбандларинг айтсам,
асал ҳам болларинг ўпсам,
Менга шул анжуман басдир,
на даркор ўзга ҳамдамлар.

Жаҳон ичра бараз кўпдир,
валат иш кўпу фулгул кўп,
Ватан танҳо бўлур, гарчи
жаҳонда шоҳу дулдул кўп,
Бу гулшанга бизим янглиф
келиб кетгувчи булбул кўп,
Ватан, сен мангу бўстонсан,
баётим — сенга шабнамлар.

Саломат бўл, чеккан жабру
ғаму оғрикларинг етгай,
Қўлинг етгай жаҳонларга,
кошу киприкларинг етгай,
Ўрил ҳам қизларинг етгай,
йўлу кўприкларинг етгай,
Тилай сенга саодатлар,
хуш айём, мангу байрамлар.

2000

МИР АЛИШЕР

Тирикликнинг бонги Навоий,
Буюкликнинг ранги Навоий.

Бир ёришди зим-зиё олам,
Туркийларнинг тонги Навоий.

Беш асрлик рўёдир дунё,
Беш асрлик ўнги Навоий.

Бир уммонким, ибтидоси йўқ,
Йўқдир унинг сўнги — Навоий.

Утган сайин илдамлаб кетгай,
Борган сайин янги Навоий.

Ватан каби поёни йўқдир,
Ватан каби мангу Навоий.

2000

ЭХТИРОМ

Жаҳон бўлмас мухорибсиз,
замон бўлмас мухолифсиз,
Яшаб бўлмас бу дунёда
вале шеъру маорифсиз,
Ким айтур энди яйрабсиз,
ким айтур энди ҳорибсиз,
Ҳамон Абдулла Орифсиз,
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Туманлар, барча ёмғирлар,
 фасллар сұхбати ичра,
Жунунлар, изтироблар ҳам
 асрлар сұхбати ичра,
Қасрлар ҳайъати ичра,
 вазирлар сұхбати ичра
Аён Абдулла Орифсиз,
 ҳамон Абдулла Орифсиз.

Бу йўллардан неча устоз,
 неча соҳибкалом ўтган,
Улуғ Шайхзода ҳам Ойбек,
 улуг Фафур Ғулом ўтган,
Уларнинг ному ёдин ҳам
 баётин бардавом этган,
Нишон Абдулла Орифсиз,
 ҳамон Абдулла Орифсиз.

Ҳаволар, сарзаминаларда
 бу шеърий қайфият бордир,
Ватан бордир Ватанда то
 бу янглиғ шеърият бордир.
Бу янглиғ шеърият то бор,
 Ватанда қадрият бордир,
Макон Абдулла Орифсиз,
 ҳамон Абдулла Орифсиз.

Тузумлар уэра чақнаб,
кўкда чақмоқларни сўндирган,
Мухит деворларига дил
билин чечаклар ундириган,
Кўмир дилларни куйдириган,
темир йилларни синдириган
Фифон Абдулла Орифсиз,
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Бу шеърлар янграган уйлар
чироғида Ватан бўлгай,
Уларни ёдлаган авлод
сабоғида Ватан бўлгай,
Дилу жону қабоги ҳам
қароғида Ватан бўлгай,
Замон Абдулла Орифсиз,
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Улур кунлар баҳорида,
тирикликнинг наҳорида,
Улур эл бирла дардлашган
улуг зотлар қаторида,
Жаҳон аҳлига юз тутган
бу ўзбеклар диёрида
Жаҳон Абдулла Орифсиз,
ҳамон Абдулла Орифсиз.

МАНГУ НОМЛАР

Ўчмас Ер юзида Бухоро номи,
Токи яшар экан Бухорий номи.

Мангү эсаверар Термиз еллари,
Токи нур тараттай Термиэйлари.

Ўпди бу тупроқдан неки жон бордир,
Ҳазрат Яссавий бор — Туркистон бордир.

Амударёлари абадий азим,
Мангубердилари мангү Хоразм.

Улуг Темурхоннинг шавкату шони,
Шахоисабз, Самарқанд — жаҳон айвони.

Дунё ғурбатига наэар ташлаблар
Ўтди Бобурлару ўтди Машраблар.

Гарчи осмон қадар афғон этдилар,
Улар Ватан номин осмон этдилар.

Ўзилмас бу юртдан иймон торлари,
Токи ҳикмат сўйлар Оллоёрлари.

Эй, бошдан оёғи рух ва ёд, Ватан,
Улуг сиймолари барҳаёт, Ватан.

Сенинг доврунинг шонинг ўчмагай,
Абадият қадар номинг ўчмагай!

2000

СОХИБҚИРОН ҲАЙКАЛИ ЛАВҲИГА

Адолат доим шундай:
 қад ростлаб тикилгайдир.
 Ёмонлик азал-абад
 тоқ бўлиб йиқилгайдир.
 Адоват бирлан келса
 энди ҳар қандайин куч,
 Амир Темур ҳайкалига
 қоқилиб йиқилгайдир.

2000

ТОШКЕНТТА БАГИШЛОВЛАР

* * *

Бу ёруғ дунёда мен нени қўрдим?
 Тошкент, шаҳар кўриб мен сени қўрдим.
 Бунда ҳар бир кўча менга дўст, рафиқ,
 Бунда ҳар бир дараҳт онамдай мушфик.

* * *

Бунча кўп опишу оввораларинг,
 Фақат таскин берар фаввораларинг.
 Улар бари яқин кўнгилларимга,
 Улар ўхшар опа-сингилларимга.

* * *

Дилни ўэга юртга мойил кўрмадим,
Юртсиз бир муродни ҳосил кўрмадим.
Канчалар уммону дарёлар кечдим,
Анхор соҳилидай соҳил кўрмадим.

* * *

Мехоинг сенга томон бургандай йўлин,
Ойлар осмонингда бунчалар тўлин.
Сен — мисли безанган тўйхонадирсан,
Ой гўё бағрингга тушгувчи келин.

* * *

Дунёда энг азиз кўзу кошлардай,
Ҳар бир ҳовлинг менга қариндошлардай.
Кўнглимни минг бўлиб оламга сочсан,
Бунга қайтиб келгай қалдирғочлардай.

* * *

Сен —Faфур Фуломнинг ҳаёт қўшиғи,
Ойбек, Шайхзоданинг кўнгил эшиги.
Бешикларга тўлсин уйларинг, шаҳрим,
Эй улуғ зотларнинг мангу бешиги.

* * *

Толеинг билмасин ҳеч ниҳоялар,
Тошкент, қўшгил мени киприкларингга.
Шеърларим бўлгайлар зинапоялар
Янги курилажак қўприкларингга.

2000

ТЕРМИЗ ШАЪНИГА

Икки мингу беш юз йиллар йўл юрсам,
Яна шунча йиллар дашту чўл юрсам,
Томирингга етарманми, жон шаҳрим?
Тарихлару тақдирларга кон шаҳрим.

Доролардан ковуш қолган ерлар бу,
Искандардан товуш қолган қирлар бу,
Қирлар эмас, қалқон бўлган эрлар бу,
Қатлам-қатлам ери шараф-шон шаҳрим.

Колур эди тарих балки етимроқ,
Тешиктошу қушонлардан олдинроқ,
«Авесто»дан, зардуштдан ҳам қадимроқ
Ер юзида яралган қўроғон, шаҳрим.

Мен сўйлайин нур сочган қаламлардан,
Ҳадис айтган гиёхлар, шабнамлардан,

Термиэйлар ёккан күтлүү шамлардан
Оламларни эттан чароон, шахрим.

Сени ёпон билгай, араб билгайдир,
«Термиз» десам күвнаб, яйраб билгайдир,
Билган борки, буни шараф билгайдир,
Етти икlim — илм ила урфон, шахрим.

Баҳор чоги чақинлик осмонларинг,
Гулдирагай лек қасру майдонларинг
Кураш тушса Абдулла полвонларинг,
Алпомишдай бўйлаган полвон, шахрим.

Мен шеъримни ўрамадим мунгларга,
Бағринг тўлсин ўғил-қизлар — гулларга.
Шу мунааввар, саодатли кунларда
Чаман шахрим, боғ шахрим, бўстон шахрим,
Жонимдан ҳам яқин жонажон шахрим!

2000

БИР СОФИНЧ

Мангуберди туғилган кунда
(Бу бир достон бўлар эҳтимол)
Хораэмда йўллар курилди,
Йўллар жаҳон бўлар эҳтимол.

Ватан бўлган минг бир аждодга,
Яна келар минг бир авлодга
Ўша кунда қурилган уйлар
Ота макон бўлар эҳтимол.

Сўраб кўрсанг гар бир майсадан,
Рақам сўйлар юз минг найзадан.
Майсадаги шабнам ларзадан
Шонлар уммон бўлар эҳтимол.

Мангу куйга чулғанган диёр,
Бир соэ тинса тўлонган диёр.
Комилжонлар уйғонган диёр,
Мангу бўстон бўлар эҳтимол.

Бунда ҳар дил куй тўлиқ зиё,
Тугилган ҳар ўғил — бир дунё,
Феруз бўлар, Оғажий ва ё
Омон Матжон бўлар эҳтимол.

Бир соғинч бор — гулнинг рангида,
Торлар титрап кўнгилларимда.
Бу шеърим ҳам сингилларимга
Битта мижгон бўлар эҳтимол.

2000

АРМОН

Фарзандлар бор, меҳрин түшаб гилам қилар,
Фарзандлар бор, ота күнглиң олам қилар.
Ота, ўша, чопонингиз қатидаги
Чигитчалик бўлмаганим алам қилар.

Фарзандлар бор, ўз бағрини доғлар этган,
Отасига тиригига боғлар этган.
Ўз номин ҳам, ота номин тоғлар эттан
Иигитчалик бўлмаганим алам қилар.

Очиқ қолди зору ҳайрон эшигимиш,
Сахардан туз тотмай ётди кучутимиш.
Шу кучукнинг ялоғи ю ялоқдаги
Сарқитчалик бўлмаганим алам қилар.

О, бу жонвор, барчамишни куйдирди сўнг,
Мошинага уриб ўзни ўлдирди сўнг.
Қабрингизни тирнаб-тирнаб фирон этган
Бир итчалик бўлмаганим алам қилар.

Мен ўйлайман: савобимни қалам қилар,
Мен қилмаган яхшиликни болам қилар.
Ота, сиз-чун күнглимдаги шундай ношуд
Умидчалик бўлмаганим алам қилар.

2000

ҮЗИНГГА ҲАВОЛА

Одамзод азалдан ер, сой талашади,
 Осмон талашади, ой талашади,
 Мансаб талашади, жой талашади:
 Банданинг ўрнига ўтироқ учун.

Одамзодга асли химмат ярашади,
 Эзгулик, илм ила хикмат ярашади.
 Одамзод азалдан навбат талашади:
 Банданинг тобутин кўтармоқ учун.

Бу икки ҳолатни сен ёдингда тут,
 Умр йўлларингда йиғлаб кетавер.
 Нечун талош бўлгай курси ва тобут,
 Ўзинг маънисини илғаб кетавер.

2000

* * *

Тахтани тахтадан тежаб, тарашилаб,
 Паҳтани паҳтага қўшиб яшаймиэ.
 Зимдан меҳримизни ўлчаб, қаричлаб,
 Сиртдан дарёлардай жўшиб яшаймиэ.

Аэиз бошларини тошлилар қилганлар,
 Рўзгор деб кўзига ёшлилар олганлар,
 Орзу-хавас дебон ошлилар қилганлар,
 Лагандан лаганга ошиб яшаймиэ.

Бу кенг, мүл ҳаётда ўрнимиз надир?

Асли бахту толе ёнимиэдадир.

Оримиз гохида қорнимиэдадир,

Бунчалар тубанга тушиб яшаймиэ.

Азалдан шаң ила шавкатли ўзбек,

Маддохлар айтурлар буқунким: сүз бек!

Чирик калавадан түкилган бўздек

Ипни ўэимизга эшиб яшаймиэ.

Чукурлар қаэдик, лек чукур билмадик

Она тилимизни, фикр қилмадик.

Берган нон-тузига шукур қилмадик,

Качон биз юрт учун тошиб яшаймиэ?

Асрий девонларга кўп ҳасрат орта,

Келур Навоий ҳам кўп заҳмат торта...

Ул ҳазрат ортдамас, ул ҳазрат олдда,

Качон Навоийга шошиб яшаймиэ?!

2000

КЕЛИБ КЕТМОҚ

Саҳар туриб оламга боқ;
жилғалари равондир,
Чарақлаган тоғлар боши
шомга бориб тумондир.
Тойчоқларинг қаёндиру
куулунларинг қаёндири?
Кўрганларинг ўзингники,
кўрмаганинг гумондир.

Инсон бўлиб бу дунёning
бозорини кўрдингми?
Зарлари ҳам зорларию
озорини кўрдингми?
Саҳар туриб ўз отангнинг
мозорига бордингми?
Борганларинг ўзингники,
бормаганинг гумондир.

Келиб кетмоқ ўйин эрмас,
саёҳат ёзиёрат,
Умр йўли заҳматлару
мехнатлардан иборат.
Кўнгилларга қурдингми бир
кўприк ёки иморат?

Курганларинг ўзингники,
курмаганинг гумондир.

Атрофингга қараб боргил,
англааб боргил йўлингни,
Кўз бўлсанг гар, қарор деб бил
она юртинг, элингни.

Бергил унга эътиқодинг,
мехринг, жону дилингни,
Берганларинг ўзингники,
бермаганинг гумондир.

2000

ТАҲЛИЛ ВА ТАҲРИР

Ғўралар ҳам бир кун пишиб ҳалво бўлар,
Ва лекин мен қирққа кирган боладайман.
Ариқларда хаэон оқар, гуллар сўлар,
Мен ўзимча қирлардаги лоладайман.

Тошлар аро қанча жилға, сой сингандир,
Гоҳ тонг, гоҳ шом кўхна чархнинг гаштларида.
Бир соғинчим бойчечакдай Бойсундадир,
Бир соғинчим Дашибоднинг даштларида.

Севги ҳақда шеърлар ёздим пала-партиш,
Гоҳ ёмғирдан, гоҳ ёшдан ҳўл ёқаларим.

Йўлдан оэсам, сатрларим айлаб тафтиш,
Йўл-йўригин қизғанмади акаларим.

Улар мени шунча йиллар таҳир қилиб,
Келсам энди, ўтқазишар сўриларга.
Номим ёқлаб, шеърларимдан мамнун бўлиб,
Макташади ҳатто катта тўраларга.

Таҳдил этар тақдиримни бир буюк зот,
Дўсту ёрдан мен бир вафо кўрганмидим?
Неча йиллар таҳир этар мени ҳаёт,
Ва лекин мен таҳиррга ҳеч ўрганмадим.

Не ажабким, менинг ҳаргиз пишгим келмас,
Тушунмайман пухта, пишиқ туулумларни.
Тиник, мовий осмонлардан кечгим келмас,
Туш кўраман қирлардаги қулуналарни.

Мен ўйлайман: қалдиричлар ғуж бўлишиб,
Бир-бирига исмим айтиб гурунг берса.
Қаламқошлар узун тунлар шеър сўйлашиб,
Киприкларин қаторидан ўрин берса.

Кўнглим ҳамон ул шўхи бадхўлардадир,
Узилгайдир бўйиндаги Бурч ва Қарз ҳам,
Ҳаётимнинг муҳаррири кўклардадир,
Баётимнинг муҳаррири — Эркин Аъзам.

ЎРГАНИНГ

Бу дунёда гўзал, жозиб яшашни
Хушахлоқу хушсувратдан ўрганинг.
Ҳар нарсага бирдек назар ташлашни
Қуёш сочган мурувватдан ўрганинг.

Дилингиэда нечун торлик, на сирдир?
Каранг, баҳор қандай ажиб тақдирдир.
Кесакка ҳам, тошларга ҳам у бирдир,
Баҳор берган хурриятдан ўрганинг.

Гапга чечан, эй оқила барнолар,
Ишқ бодида унган гулираънолар.
Лайли, Мажнун ўтиб кетган сахролар,
Улар еттан сукунатдан ўрганинг.

Беш оқшомлик шамол эрур ёшлиқ ҳам,
Атиргулнинг япроқлари нечун нам?
Нечук давлат эрур умр, нечук ғам?
Умр кўрган пурхикматдан ўрганинг.

Ҳаёт эса гоҳ ош тутар, гоҳ қирмоч,
Суйгандан ҳам, куйгандан ҳам сўрар бож.
Шифтингизга келган бир жуфт қалдироҷ
Тортган азоб-уқубатдан ўрганинг.

Бахту толе тилай сиэга Оллоҳдан,
Йироқ юринг ёмонлик ҳам гуноҳдан.
Садоқатнинг рамзи Расулуллоҳдан
Мерос бўлган мұхаббатдан ўрганинг.

2000

НОН ИСИ

Нонгузарнинг қизлари —
Ойлари, юлдузлари.
Юзларидай нонлари,
Нонларидай юзлари.

Кирқ ийллик армонларим,
Хижронларим — бегона.
Бир кун нон олайин деб
Бўлаёздим девона.

Буздим дардим қасрини,
Туздим орзу, ўй баланд.
Зилоласи — райҳондай,
Мухайёси — бўйбаланд.

Исларини интиқиб
Тошкентлардан елгайман.
Минг чакирим йўл босиб,
Нон олгани келгайман.

Софинч бўлди дил билан
Бизнинг чалган кўйимиз.
Онам ҳайрон: мен келсам
Нонга тўлгай уйимиз.

Нонгузарнинг қизлари —
Ойлари, юлдузлари.
Юзларидай нонлари,
Нонларидай юзлари.

Дилорому Лолалар,
Келди ишнинг офири —
Бўйбаланд қизингизни
Олиб кетдим охири.

Канча тўлин ойларни
Ой юэига алмашдим.
Ҳаётимнинг гул исин
Нон исига алмашдим.

Ёд эттандаги замон
Укинг баҳтлар дафтарин.
Мухайёни сиз менинг
Шеърларимдан ахтаринг.

2000

ХАЁТ ҚҰШИҒИ

Кимлар алвон кийдилар,
Кимлар армон кийдилар.
Кимда бору кимлар зор,
Буни ҳаёт дейдилар.

Кимлар гул деб сүйдилар,
Кимлар тушга йўйдилар.
Оқу қора ранглари,
Буни ҳаёт дейдилар.

Кимлар ёнмай куйдилар,
Кимлар қонмай тўйдилар.
Ким бемору ким безор,
Буни ҳаёт дейдилар.

Гулларини жийдалар
Кўзёшингга чайдилар.
Бунча аэзя ислари,
Буни ҳаёт дейдилар.

Қанду новвот дейдилар,
Лек иchlарин ейдилар,
Кўролмайин ким-кимни,
Буни ҳаёт дейдилар.

Яна эсиб келдилар
Шамолларинг — дайдилар.

Кимлар бору кимлар йўқ,
Буни ҳаёт дейдилар.

Бўлса ҳамки бедиллар,
Баланд яшанг, эй диллар.
Қанотлари қайрилмас,
Буни ҳаёт дейдилар.

2001

ВАТАН ДЕСАМ...

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,
Бу диёрнинг кайвониси ою қуёш.
Ватан десам кўэимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Тирикликнинг захматлари, тақдирлари,
Ҳаётининг бор ҳикмат ҳам тадбирлари,
Эй, онамнинг тупроқнина тандирлари,
Иситгансиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанни зар тўнига енг этмишdir,
Ким бағрини осмонлардай кенг этмишdir.
Яратганинг ўзи бутун тенг этмишdir
Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмоқдадир — Бобурни ё?
Ҳиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кўнё,

Күриб келди, бундан сүнг ҳам күрсін дунё
Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,
Бу диёрнинг кайвониси ою қуёш,
Ватан десам күзимда ёш, юзимда ёш,
Күзга суртай нонларини, шонларини.

Нечун үтмок ҳасад экиб умрларга,
Дилни ўраб ғараз, риё — қўмирларга?
Ҳавас қилиб яшанг улуғ Темурларга,
Эл билгайдир шонларини, шонларини.

2001

БУ — СЕНИНГ УЙИНГДИР...

Баъзан боғларимни
Чулғар ҳавотир,
Баъзан Ер шаридан
Оғирдир үйим.
Оlam — бир осмон,
Бир обу ҳаводир,
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг үйим.

Бу дашту далалар,
Борлар ҳам мендан,

Бу тупроқ — бүгдойбүй,
Хандалак бүйим.
Сенинг күксингдаги
Дөвлар ҳам мендан,
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Сен Ватан дейсану
Порлар күэларинг,
Менинг юртим ҳам ўз
Рангу рўйимдир.
Талпиниб келгувчи
Үғил-қизларинг —
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Яратган бекорга
Қарам қилмаган,
Отам, онамдайин
Қуёшим, ойим.
Чингиз, Ботуларга
Қарам бўлмаган
Бу халқ — меникидир,
Турилган жойим,
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Сенинг осмонўпар
Биноларингдан
Силкинди менинг ҳам
Чинордай бўйим,
Дарз кетди менинг ҳам
Минорларимга,
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Баъзан назар солсанг
Узга юртларга,
Бағри тўлиб ётар
Олов, дудларга.
Одамзод кетмоқда хор,
Уюм-уюм,
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Менинг ука-синглим
Сенга ҳам ука.
Синглинг тўй қиласа гар —
Менинг тўйимдир.
Замин — қон-қардошлар
Иифилган ўлка,
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Мен қаро күэ,
Қаро қошларга айтай:
Бахту толеингиз
Умид, орзуим.
Ватан ўз-ўзидан
Ватан бўлмагай,
Ватан жиҳоз эмас
Ва ё бир буюм,
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Менинг ҳам юртимнинг
Кўксига доғлар,
Узмоқчи бўлдилар
Бошлаган куйим.
Денгизлар ортидан
Айтдингми бир бор:
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Икки дунёда ҳам
Саволлари бор:
Ҳатто чумчук уйин
Вайрон этмаслар.
Хору хаснинг ҳам ўз
Уволлари бор,

Қадрига етмаслар
Токи айтмаслар:
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Дунё томи уэра
Булутлар балқар,
Хаёт эрмак әмас
Ва ё бир ўйин.
Айтсалар бирлашиб
Давлатлар, халқлар:
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

Мен йироқ кетсам гар,
Үртангай онам,
Сенинг ҳам волиданғ
Йиглагай юм-юм.
Оналар интизор турған
Шу олам —
Бу — сенинг уйингдир,
Бу — менинг уйим.

2001, 2005

ИНСОН

Бир құлда куролу
Бир құлда Куръон,
Сен қандай манзилга кеб қолдинг, инсон?
Қасри бунёднингни барбод айласанг,
Билиб бўлмаса гар —
Кайсинг мусулмон.

Бир құлда куролу
Бир құлда Иnjил,
О, инсон,
Энг аввал ҳаддингни билгил.
Бир-бириңг айласанг гар хонавайрон,
Билиб бўлмаса гар —
Кайсинг носарон.

Лекин жаҳолатнинг миллати бўлмас,
Разолатнинг дину элати бўлмас.
Буни тан олгайдир Ҳилол, Ҳочинг ҳам,
Сўра, йиғлаб айтар тўқу очинг ҳам.

Сени яратганда кудрату кучин
Кўрсатиб, Яратган кўп карам қилган.
Унутма,
Энг эзгу амаллар учун
Сени Ер юзида мукаррам қилган.

2001

ОНА ЮРТ

Баланд-баланд тоғларда
Бекорларга көр бўлмас.
Чиркираган полапон
Бежиз бир кун сор бўлмас.
Бўталари изидан
Келмаса гар нор бўлмас,
Юртинг — сенинг юзингдир,
Юртнинг ўзи бор бўлмас.

Оlamга боқ — қанча боғ,
Қанча гулу чамандир.
Бир томони Чин-Мочин,
Бир томони Ямандир.
Бир жисм — жону тандир,
Ватан битта Ватандир,
Қаён борсанг — онангдай
Йўлларингга зор бўлмас.

Ўзингники шу гулшан
Ё куйинсанг ё суйсанг.
Дил кўзига жойлаштириш
Хиллоларин «ё» син сан,
Атласлибос бир ёрнинг
Зулфларига осилсанг,
Бу дунёда бўйнингта
Бундан гўзал дор бўлмас.

Оқ ҳавога бурканмиш
Арикларнинг бўйлари.
Софинч бўлиб таралмиш
Сингилларнинг ўйлари.
Бунда — қўнглинг тўйлари,
Бунда — қўнглинг куйлари,
Терагингдай ёр бўлмас,
Толингдай дилдор бўлмас.

Ном қолдирсанг, изингдан
Шавкат ҳам шан қолдирсанг.
Тупроғига орингни
Сен тан-батан қолдирсанг,
Ҳар бир ўғил-қизингга
Эрку Ватан қолдирсанг,
Мардлар минган отларинг
Номардларга хор бўлмас.

2001

ої изидан

Ої бу кеч сайхондадир,
Нур тұла хирмондадир.
Ойни бу кеч күрмаган
Бир умр армондадир.

Ох, бунчалар тұлиндир,
Үн түрт күнлик келиндир.
Ой десам, әртакда йўк,
На хуру филмондадир.

Киз боради сой билан,
Челагида ой билан,
Килиқлари, нозлари
Қақлиғу жайрондадир.

Киз десам, ойча экан,
Балдоғи ёйча экан.
Коматию соchlари
Жанжалу исёндадир.

Ил кечару ой кечар,
Сувингдан ким ой ичар?
Сенга еттан қүнгилнинг
Савлати күргөндадир.

Жамолингга Яратган
Тұлин ойни қаратган.

Ерда сарсон қанча кўэ,
Канча кўэ осмондадир.

Оҳ, бу қандай ой, дилим?
Кўксимдаги сой дилим.
Вой дилим,вой-вой дилим,
Тошкану Сурхондадир.

2001

ГИЛОСЛАБ

Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.
Бундай неъмат битмиш ҳаёт боғинда,
Мухаббат боли бу — самар чоринда.
Шом чоғи, тун чори, сахар чоринда
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Назокат нуқтасин жим шивирлашиб,
Аста пичирлашиб, секин сирлашиб,
Кўш гилос яралмиш гўё бирлашиб,
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Титраб тегинсалар — сўэки, ярашгай,
Уларга сукут ҳам сезги ярашгай,
Бу лабларга фақат севги ярашгай,
Тошкент гилосидай сенинг лабларинг.

Кўнгил деганларин шулар жоними
Ё ҳусн мулкининг шараф-шоними?
Мен орзу қилганим — гиолос қоними?
Тошкент гиолосидай сенинг лабларинг.

Дилни не ҳавою не рангдан узай?
Хижронга шувалган шевангдан узай.
О ҳаёт, шу асал мевангдан узай!
Тошкент гиолосидай сенинг лабларинг.

Бир кун япрогимни узгайдир фалак,
Жоним олиб кетар самовий малак.
Шунда ҳам кўкларда ўйласам керак:
Тошкент гиолосидай сенинг лабларинг.

2001

СҮЗ ЙЎЛИ

Зим-эиё кечалар — сиёҳдонларим,
Сомоним қайдаю қайда донларим?

Яшил адирларим тепа бўлдилар,
Кирларим энкайиб капа бўлдилар.

Кутиб қолаверди мени туш кўриб
Бир лойшувок уй ҳам бир ёғоч сўри.

Ўриклар баҳорда гулин тўккандаӣ,
Утинлар ўчокда кулин тўккандаӣ,

Мен шундай тўкилиб, олислаб кетдим,
Бир сўз айтолмайин сўз излаб кетдим.

Бунда — бир муштипар, бир ғариф тандир,
Менинг ҳётимга тополмай тадбир,

Қараб қолаверди йўлларимга зор,
Изимда синглимнинг қирқ баҳори бор!

Оlamda энг оғир — Сўзнинг йўлидир,
Бу — тўкилиш йўли, кузнинг йўлидир.

Бу йўлда не ранжким кўрмиш жонларим,
Энг аввал тортмишлар қадрдонларим.

Бориб бағрим очай тандир қўрига,
Бошим қўйиб йиглай ёғоч сўрига.

Канча соғинчларни дилларим ичди,
Бир шеър ҳижронида йилларим кечди...

2001

СОФИНЧ ТОРЛАРИ

(Муаллимларга)

Боқсам йилларимнинг сардафтариға
 Сиз мудом камтару хоксор тургансиз.
 Менинг юрагимнинг кабутарига
 Ватан деган сўэни хатлаб берган Сиз.

Күёшдан заррин ҳам зархалларига,
 Боқсам у йилларининг сахарларига:
 Менинг энг мунааввар, гўзал онларим —
 Она деган сўэни ёзган тонгларим.

Биз кетдик — севинчу кувончларингиз,
 Фасллар, кечаю кундузлар бўлиб.
 Колмиш оптимиздан кўзёшларингиз
 Мактаб томи узра юлдузлар бўлиб.

Шарҳлаб бермоқ учун меҳнатингизни —
 Сизнинг бир соатлик захматингизни,
 Кирқ минг чироғ билан кўп шамлар керак,
 Кирқ баҳор яна кирқ кўкламлар керак.

Илму эзгуликдан зиналар тиклаб,
 Ҳар ўғил — болангиз, ҳар қиз — қумрингиз,
 Утдингиз дафттару китоб қўлтиқлаб,
 Дарсу сабоқларда кечди умрингиз.

Боқсам у йилларнинг сарҳадларига,
Бирдан қайтим келар саҳарларига.
Софинч торларини чертар дилларим,
Муаллималарим, муаллимларим.

Бугун Жаҳонгирлар мактабга борар,
Мехо чироғидир қароғларингиз.
Оlamда энг улуғ, камтарин зотлар,
Ҳеч қачон ўчмасин чироғларингиз.

2001

* * *

Менинг шеърим нима?
Қалдириօч охи.
Майсадек синглиминг
Шабнам нигохи.

Отам қуриб кеттан
Үй синчларидир.
Онамнинг қирқ йиллик
Софинчларидир.

Қанча боғ дилимдан
Кўчар-да кетар.
Қалдириօч ҳам бир кун
Учар-да кетар.

Шеърим балки севги
Сатрларидир.
Беор санамларнинг
Атилларидир.

Баланд пошналарга
Санчилган кабоб.
Харир қўйлакларга
Уралган сароб.

Она, бошим қўй
Изларингизга.
Ажинлар экдим мен
Юзларингизга.

Не топдим дунёдан
Айтиб тарона?
Сўзга ўғил бўлдим,
Сиэга бегона.

Айтинг, бу лолазор
Кирни не қиласай?
Кўнгил — бу меҳорсиз
Ерни не қиласай?
Ёмғирли кунларда
Сизга бир калиш,
Патак бўломмаган
Шеърни не қиласай?

2001

ШЕЪРИЯТ

Бунчалар улугсан,
Оддий шеърият.
Сен илохийсан, биз
Моддий, шеърият.

Сен — мухаббат кўшки,
Ишқнинг айвони.
Кўнгил билан руҳнинг
Мовий осмони.

Сен — безавол гулшан,
Мангут яшил бор.
Канча шоир ўтди
Юраклари дор.

Улар олам юзин
Хайрон этдилар.
Кўнгил қони бирлан
Алвон этдилар.

Кўкларни тўлдирган
Оҳларга куллук.
Навоийни суйган
Шоҳларга куллук.

Токи бу чаманзор
Гулдир, райхондир,
Канча Бобурларинг
Барги хазондир.

Күйди, куяверди
Юлдузлар күйди.
Усмон Носир кетди,
Гул сүэлар күйди.

Яшаб юрибдику
Канча мурдорлар.
Кетди Шавкат Раҳмон,
Асқад Мухторлар.

Бир элнинг қўэни
Ёшлиди кетди.
Мухаммад Юсуф ҳам
Ташлади кетди.

Бу шеърни ёэмокқа
Бормади қўлим,
Эй сен, гўзал ҳаёт,
Эй гўзал ўлим!

Юлдузлардан келар
Дил уришлари.
Тингланг, бу дунёнинг
Сўзфурушлари:

Ким сўз деб нафсига
Нон берар фақат.
~~Хақиқий шоирлар~~
Жон берар фақат.

2001

МАРСИЯ

Мұхаммад Юсуф...
Мұхаммад Юсуф...

Лабимда қолди
Таронам менинг.

~~Х~~авода қолди
Қўлим гул узиб.

Энди керакмас
Баҳонам менинг.

Бунчалар қалин
Дунёнинг пўсти.

Буғдойдай хоксор
Бир шоир ўси.

Ногоҳ бир хабар
Тонгимни тўси.

Титради олам,
Инғлади онам:

— Боламнинг дўсти...
— Боламнинг дўсти...

Сенми, шеърият,
Сенми жон қадар!
Дилдаги сўнгги
Томчи қон қадар.
Тупроқдай азиэ
Ҳам осмон қадар.
Кўкни ўша кун
Қалдириғоч босди
Хоразмдан то
Андижон қадар.

Ҳаёт — гоҳ бир баҳт,
Бир омадгача.
Ё мингта номард
Ё бир мардгача.
Тошкентдан токи
Марҳаматгача,
Кета кетгунча,
Қиёматгача —
Тераклар, толлар
Қолди бўй чўзиб,
Мухаммад Юсуф...
Мухаммад Юсуф...

Куйлари қолди
Тоғу тошида,
Үйлари қолди

Ой — қүёшида,
Булоқ бошида,
Хирмон бошида,
Ўзбекнинг қора
Кўзу қошида.
Бир шоир кетди,
Бир шоир ўтди
Бобур ёшида,
Бобур ёшида.

Эй булбулларга
Куй-ғазал, Ватан.
Сен — абад Ватан,
Сен — азал Ватан.
Ким сендан юлди,
Ким — ўсал, Ватан.
Гул, асал Ватан,
Сен юксал, Ватан,
Сен юксал, Ватан,
Үйлади боланг,
Куйлади боланг,
Эй гўзал Ватан!
Эй гўзал Ватан!

Биз уни — ёшу —
Тупрокка қўйдик.
Тупрокни кошу

Кабоққа қўйдик.
Тушми, деб аввал
Рўёга йўйдик.
Узи суйган шу
Тупрокқа қўйдик
Сўнгти сабр бу,
Сўнгти сафар бу —
Кўпроққа қўйдик,
Кўпроққа қўйдик.

Чиркираб қўнмай
Маконларига —
Отадин ёдгор
Айвонларига.
Сингиллари ҳам
Райхонларига.
Армонларига,
Хижронларига —
Кўшиб жўнатди
Рух жонларига.
Олиб кетдилар
Калдирғочлари
Осмонларига,
Осмонларига.

Айланар чархнинг
Чархпалаклари,

Алмашиб рангу
Камалаклари.
Қолди она үй
Сумалаклари,
Мажнунтолларнинг
Жамалаклари.
Ноэима қолди,
Мадина қолди —
Капалаклари,
Хандалаклари.

Дўсту ёр йўли
Доим йироқдир.
Гоҳи дийдору
Гоҳи фироқдир.
Дилбандларига
Ватан қарордир.
Чин фарзандлар ҳам
Ўчмас чироғдир.
Ҳозир ҳам балки
Жим ўйлаётир.
Юртига шаъну
Шавкатлар ёғдир,
Ё, қодир Оллоҳ,
Тупроқларига
Рахматлар ёғдир,
Рахматлар ёғдир.

2001. август

ТҮРТ СҮЗ

«Нега ерга қарайсан, Раъно?»
 Бу сўэларда минг йиллик маъно.
 Соф мұхаббат, покиза сиймо,
 Нега ерга қарайсан, Раъно?

Ерга тегиб турган киприклар,
 Иффат әкиб турган киприклар,
 Қодирийнинг армоними ё,
 Нега ерга қарайсан, Раъно?

Назокатми, нозми, хижолат,
 Малоҳат ё тилсиз ибодат?
 Үнг келмоқдан чўчиган рӯё,
 Нега ерга қарайсан, Раъно?

Сен — беозор, ҳуркак бир кийик,
 Елканг уэра ရашк, риё кийиб,
 Тишин қайрар жодугар дунё,
 Нега ерга қарайсан, Раъно?

Армон қиласар кейин бир миллат,
 Сен — бир ибрат, гўзал бир миннат.
 Минг йил шундок қолурсан танҳо,
 Нега ерга қарайсан, Раъно?

Нега ерга қарайсан, Раъно,
 Ишқ, вафонинг сўлмас баҳори?
 Сен — хаётнинг мангу ёдгори,
 Нега ерга қарайсан, Раъно?

2001

ЧУМОЛИГА ҲАЗИЛ

Бу дунёда факат меҳнат,
 Захматни билган чумоли.
 Онам ёпган кулчаларга
 Илашиб келган чумоли.

Юрган эдинг уйимиэда,
 Гоҳ томугоҳ сўримиэда.
 Қавминг сени излар ҳали,
 Тополмайин йирлар ҳали.

Зерикдингми турмушингдан,
 Кочдингми ё юмушингдан?
 Бўйнимда жонинг уволи,
 Топкентга келган чумоли.

Сени нима қиласам экан?
 Кошки ўзим билсан экан.
 Элтайми боғ, гулзорига,
 Е мардикор бозорига?

Сен ўқишига киролмайсан,
Асло вазир бўлолмайсан.
Дунёнинг ожиз саволи,
Тошкентта келган чумоли.

Ростин айтсам, қотди бошим,
Ош бўлмас хеч еган ошим.
Яхиси, кет маконингта,
Жўнатаин Сурхонингта.

Ширинликлар, мойлар қўйсам,
Сени ипсиз бойлаб қўйсам,
Жиянимнинг халтасига
Билинтирмай жойлаб қўйсам.
Бу ишларга бўлма ҳайрон,
Яхши боргил, чумолижон.

Сен кетдингу тоғдай ўсдим,
Кечир, агар қўнглинг буздим.
Мен сен ҳақда шеър ёзайн,
Сен ишлагин бориб, дўстим.

2001

МЕХР

Гуллар түкиб баҳор кетар сўрингиздан,
Эрта-индин ой ҳам кетар қирингиздан,
Нима фойда кўнгилдаги қирингиздан,
Мехрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Майсалар ҳам бир-бирига сўйкалади,
Қаранг, ҳатто чумолилар тўй қиласи.
Нечун ҳасад кўксингизда куй чалади?
Мехрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Бутун сизга оқ дастурхон тўшар ҳаёт,
Таронани тогорага қўшар ҳаёт.
Ҳам сингил, ҳам ёрингизга ўхшар ҳаёт,
Мехрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Келолмагай энди ҳаргиз тупроқ ёриб,
Отангизнинг мозорлари бунча ғариф,
Онангизнинг изларини ўпинг бориб,
Мехрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

Дунёнинг бу паллалари топилмайди,
Эшиклари тун-кун очик, ёпилмайди.
Мехр кейин дўконларда сотилмайди,
Мехрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.

2001

АЙВОНДАГИ МУСИЧА

Нега ҳофиз бўлмагансан, мусича,
Шу бехаё нағмаларнинг кўэича?

Кодирийни кўриб келган қушдайсан,
Сен — Кумушнинг юрагига ўхшайсан.

Мўлтири-мўлтири қарайдирсан боғларга,
Чувалашиб юрган майна, зоғларга.

Ёркентлардан етиб келган хатмисан?
Ё Фурқатдан ёдгор қолган дардмисан?

Оlam қанча алам кўрган, ғам кўрган,
Сенингдайин хоксор қушни кам кўрган.

Каломингда бўлмас эди нуқсонлар,
Балки ибрат олар эди инсонлар.

Бизнинг тилда гапирсайдинг, нетардинг?
Бир ўзбекча ашулашар айтардинг.

2002

ВАТАННИ АНГЛАШ

Шабнам-шабнам тонгларда
жайронларга айланган,
Онанг сувлар сепганды
райхонларга айланган,
Бир кечада соғинчинг
осмонарларга айланган,
Соғинчларингдай зангор
осмоналари Ватандир.

Дерлар хусну малоҳат
вафо қилмас, арир у.
Сен ёр дессанг, тушдаги
Лайлоларга арэир у,
Харирдан ҳам ҳариру
паридан ҳам парирү,
Сойларга соя соглан
мижгонлари Ватандир.

Бешикларда ўйнаган
оппок-оппок қўлчалар,
Кўзмунчоқса сўйлаган
кўзмунчоқдай кўзчалар,
Очилган гул-гунчалар,
қанду асал қулчалар,
Момоларинг тўй қилган
айвонлари Ватандир.

Отанг солган уйлар бу —
синчлари — бардошларга,
Токлари ўхшаб кетар
мўйсафид элдошларга,
Томлар уэра чўзилиб
куўклар, ой, қуёшларга
Узум узатиб турган
нарвонлари Ватандир.

Бир йигитта оламда
ҳам ёру ҳам ор керак,
Номуси баланд эрга
на сўз, на гуфтор керак,
Фарзандлари улгайса
шерюрак, арслонюрак,
Элнинг ҳар они, давру
давронлари Ватандир.

Оллоҳ ўзи буғдойинг —
тиллоларга еткизгай,
Қаборингнинг остидан
балоларни кеткизгай.
Оксарою Қўксарой
дунёларга еткизгай,
Ор-номусдан яралган
қўрғонлари Ватандир.

НАВОИЙНИ ЎҚИШ

Ҳар бир калла,
Ҳар бир бош
Жаҳолатдан кўркини керак.
Ҳар бир бола,
Ҳар бир ёш
Навоийни ўқиши керак.

Ҳар бир ота,
Ҳар бир мўйсафид
Умр хикматларин кўрсатиб,
Нафс арқонларин қирқини керак,
Фарзандлари, набирасига
Навоийни ўқиши керак.

Бир болага — бутун мамлакат,
Баъзан эса қирқ киши керак.
Бешиклардан тушиб болалар
Навоийни ўқиши керак.

Сиз дейсиз: Ўйл топиши керак,
Уй қуриб, пул топиши керак,
Йўқ-йўқ, у ор қилиши керак,
Навоийни ўқиши керак!

Самарқанду Бухоро, Термиз
Тўйларида барчамиз жаммиэ.
Бизлар ахир кимлардан каммиэ?
Элга олам олдиши керак,
Оlamга тик боқиши керак,
Навоийни ўқиши керак!

Берунийлар, ибн Синолар,
Улугбеклар, Бобур Мирзолар
Куриб кетмиши қандай бинолар!
Еш кўнгиллар қалкиши керак,
Навоийни ўқипи керак!

Ватан азал битта Ватандир,
У биз учун сўлмас чамандир.
Шул сабабдан бола чорлардан,
Майса чорлар, лола чорлардан
Ўзни уриб, юлқиши керак,
Навоийни ўқиши керак,
Дилга недир юқиши керак!

2002

НАВОЙЙ ТУФИЛГАН КУН

Хар күнгил ишқ ичра пок
 тийнат бўлар кундир бу кун,
 Битта сўз олам аро
 зийнат бўлар кундир бу кун.
 Тийра дунёга зиё
 сочгай мунааввар бир исм,
 Бир исмдан бир улус
 миллат бўлар кундир бу кун.

2002

ТАРИХ

Ҳали Бобур олисда,
 Бобур унда ёш маҳал.
 Ҳали фариб Ҳиндистон —
 Курилмаган Тожмаҳал.

Само — сўнгсиэ хавотир,
 Тийрамоҳ — тийра лашкар.
 Темурийлар чинорин
 Барглари сийраклашган.

Мироншоҳ йўқ, Улугбек
 Самарқандда қўйилган.
 Бадиуэззамон қайдаги
 Мўмин Мирзо сўйилган.

Сүз шүш

Нечун **Хирот** устида
Осмон **каро**, ой **карo?**
Хадичабегим дилгир,
Уйғоқ ётар **Бойкарo**.

Салтанат — ранги аста
Сұнаётган жавохир.
Олтмишга кирмокдалар
Мир Алишер Навоий.

2002

ШАМ

Шафоат Рахматуллого

Менинг мұхаббатим — тупрорымдадир,
Тупроқ күчмас бўлур, мен ҳам кўчмайман.
Бир жуфт қалдириғочим қароримдадир,
Улар учиб юрар, мен-чи учмайман.

Асли мушқул ишга мен кўнгил қўйдим,
Умримни гоҳ хаёл, гоҳ тушга йўйдим.
Сўз ичра қўкариб, сўз ичра куйдим,
Ўздан кечдим, лекин сўздан кечмайман.

Ёшлик ўтди кетди — ул оппоқ тулпор,
Ундан қирлар аро қолмиш оқ губор.
Юзларинг лолага ўхшарди, эй ёр,
Гулгун шаробингдан энди ичмайман.

Гарчи хасдан баланд, касдан камдирман,
Дүстим, сенга ёндош кувонч, ғамдирман.
Термизий бободан қолган шамдирман,
Минг йил пулласанг ҳам асло ўчмайман.

2002

ДЕҲҚОН МАДҲИЯСИ

Тун чоғида томингта
Томчилаган ёмғирдир.
Бир томчиси — севинчү
Бир томчиси — оғриқдир.
Дастасига сифмайин
Ерни қўмсар кетмонинг,
Умринг — дашту далангнинг
Мехнатлари оғирдир.

Чопонингда тупроғу
Захматларнинг иси бор.
Юзларингда — минг ташвиш,
Кисматларнинг изи бор,
Одам Атодин қолган
Хикматларнинг изи бор,
Бу хикматни билмаган —
Уз юртига сафирдир.

Ким ўйлади оламни,
Сен ўйладинг далангни.
Даланг бирлан ўтказдинг
Ёмғир селу жалангни,
Бозорларга кўэ тикдинг
Уқитолмай болангни,
Тақдир — гоҳ қую қўзи,
Гоҳ сут бермас тарғилдир.

Пайкалларга ўтидан
Базм бергай қуёшинг.
Бу бир қизғин базмким,
Синалгайдир бардошинг.
Кетмон — сенинг йўлдошинг,
Еринг — сенинг дилдошинг,
Терларинг шароб бўлгай,
Кўк чойларинг чоғирдир.

Тупроқ билан дардлашмоқ
Бу — қадимий бурч, шараф.
Сен-чун асли бу даврон,
Сенга бўлсин бу шараф.
Ким етишди, ким етди,
Ким бўлмади мушарраф,
Ўзбекистон, онажон,
Мангу иссиқ бағирдир.

2002

УЙФОҚ ЙЎЛЛАР

Тошкентдан Сурхонгача,
Хораэм, Кўконгача
Чироқлар кетар қатор,
Йўллар, манзиллар бедор.
Оlam — сўнгсиз сукутда,
Донг қотган мусофиirlар.
Ухламайди бу юртда
Шоирлар ва шофиirlар.

2002

УЗИЛГАН ТОРЛАР

Охунжон, Мухридин, Муҳаммад Юсуф,
Келдилар, кетдилар тарона тузиб.
Энди тўйларимда сизлар йўқсиэлар,
Кандоқ яшай энди мен кўнгил узиб?

Юлдузлардан излар сизни кўзларим,
Юлдузларга кетган менинг дўстларим.
Манглайим урилар синик созларга,
Узилган торларга тегар юзларим.

Куйнинг ҳам насиба, ризқи бўлурми?
Куйни ҳам авжида қирқса бўлурми?

Ай сиз, булбулзабон, куйчи дўстларим,
Кўшиқ ҳам шунчалар қисқа бўлурми?

Севгим — осмонларга учган оқ каптар,
Сенинг қанотингта битайин хатлар.
Ногахон қарайман: булатлар гужон,
Ёмғирларда қолмиш бир шеърий дафтар.

Васлу хижронингга жон-жоним пайванд,
Ҳаёт, пардаларинг бунчалар баланд!
Гоҳо товуш етмас, гоҳо етмас сўз,
Етса, овозларга ташлайсан каманд.

Улар яшадилар ошиқлар янглиғ,
Кеча-кундуз очиқ эшиклар янглиғ.
Кўшиқлари қолди фарзандларидаӣ,
Фарзандлари қолди қўшиқлар янглиғ.

Ул кун Фарғонадан кетолмай қолдим,
Узок ёлғиз кезиб, ўйларга толдим.
Охунжон, Мухориддин, Мухаммад Юсуф,
Қандоқ кетай энди мен кўнгил узиб?..

2002

МУХАББАТ КОШОНАСИ

Мухаббатни ташлаб кетманг боғларга,
Эрмак бўлар, хор бўлар у зоғларга.

Азал гўзал нишонаси бир гулдир,
Мухаббатнинг кошонаси қўнгилдир.

Марвариддай асраб юрса қиз уни,
Хазонларга ташлаб кетманг сиз уни.

Ҳаволардан танлаб Момо Ҳаволар
Юборгандир тонгда боди саболар.

Шабнамлардан олмиш рангу атрини,
Пайпокларга тенг этмангиж қадрини.

Азал ифор эшиклари бор ҳаёт,
Асал, бедор бешиклари бор ҳаёт.

Диллар кейин етишмагай дилларга,
Мухаббатни ташлаб кетманг йилларга.

Кўнгил шу деб кўэ очур ҳам кўэ юмур,
Бутун умр, бори умр, бир умр.

Кўксингизда олиб ўтинг доғларни,
Мухаббатга ташлаб кетинг боғларни.

2002

ОҚ ЁҚАЛАР

Ишим тушди сенинг оппоқ ёқачангга,
Йил қанчага чўзилдио ой қанчага?
Фаслларни алмаштириб ранглар синди,
Мен йиғлаган майсаларга чанглар инди.

Талабалик йилларимдан қолган хаёл,
Сен бир ниҳол, нозиккина бир навниҳол.
Мен соғиндим, қанча ёзу қишим учди,
Сенинг оппоқ ёқачангга ишим тушди.

Ҳар тонг нафис капалакдай пайдо улар,
Бир кўрмасам, ўртанаман: қайда улар?
Ёқаларинг охир шайдо қилди мени,
Талабалар ичра гадо қилди мени.

Менинг тоза, оқ, муаттар япроқларим,
Оқ хаёлдай кечди дарсу сабоқларим.
Ёқаларинг қандай гўзал фунун бўлди,
Дорилфунун менга дорилжунун бўлди.

Фаслларга ранг алмасиб синди ранглар,
Мен йиғлаган варакларга инди чанглар.
Диллар кўрдим — мисли сувнинг лойқалари,
Кўнгилларга йўлиқдим — кир ёқалари.

Гилосларнинг гулларидай оқ мухаббат,
Ёшлигимнинг тонгларидай пок мухаббат,
Кўлдан розим, қулларимдан қушим учди,
Яна оппоқ ёқачангга ишим тушди.

2002

ЁМГИРЛАР ВА КЎЗЁШЛАР

Илларга ҳам ёмғир ёғар,
Умримизга ўхшар борлар.
Хижрон бўлиб қолар тоғлар,
Дилларга ҳам ёмғир ёғар.

Баҳорийми, кузгимиэми —
Биз излаймиз севгимиэни.
Бу ёмғирлар раҳм қилмай
Ювиб кетар изимиэни.

Ойларимиз сўлгин-сўлгин
Сингилларга айландилар.
Юзимиздан оқдан селлар
Кўнгилларга айландилар.

Соринч қоллар хонамиэни,
Үйлаб ёлғиз жонимиэни,
Биз қолдириб кеттайдирмиз
Ёмғирларга онамиэни.

Оқ бўйинли танноз дунё,
Ўйнар тилло занжирлари.
Кимни кутар ёмғирларда
Она уйнинг тандирлари?

Биз орзу ҳам армонларнинг
Ёқаларин кўтаргаймиз.
Толе бир кун ёр бўлса гар,
Ёмғирларда кўкаргаймиз.

2002

БАХОР СУРХОНДАН БОШЛАНАР

* * *

Оlamda соғинчлар
Нақадар бисёр,
Ҳар бир соғинчнинг ҳам
Уз ранг, туси бор.
Ҳар йил «Ахборот»да
Бир хабар такрор:
«Бодомлар гуллади —
Сурхонда баҳор».

Ҳар йил қиши ўртаси,
Ҳар шому сахар,
Мен хабар кутгайман

Сурхондан — хабар.
Бир дамим минг йиллик
Сабрлар бўлгай,
Кунларим зер ила
Забарлар бўлгай.

О, хаёт! Мен сенга
Тармашганим рост.
Сен билан рангу бўй
Талашганим рост.
Сенинг бор айрилиқ,
Ҳасратларингни
Битта бойчечакка
Алмашганим рост.
Оlamда ғамлар бор
Нихояси йўқ.
Канча дард, аламнинг
Ҳикояси йўқ.
Билинтирмайгина,
Аста, беозор,
Ажиб яқун ясар
Барига баҳор.

Бу тонг Бойсундаги
Тоғлардан эниб,
Бир ел бир севинчни
Етқизди келиб.

Кеч пайт «Ахборот» да
Шу бўлди такрор:
«Сурхонда бодомлар
Гуллади. Баҳор.»

О, баҳор! Мен сени
Кутганларим рост.
Иўлингга кўз тикиб
Утганларим рост.
Дилни сувлар қилиб,
Дилни сел қилиб,
Яна ўз ичимга
Ютганларим рост.

Бу кеч шамоллар ҳам
Эрка, ҳуркаклар.
Бу кеч қаламларим
Ёзгай куртаклар.
Менинг соғинчларим
Гуллаган диёр —
Онам айвонидан
Келдингми, баҳор?

Бир тандир хизмати
Бутун элга тан.
Бир ноннинг тафтида
Қанчалар Ватан.

Бир сингил дийдори
Гул янглиғ тансик,
Бир юрт мухаббати
Қүёшдай иссик.

Иигитлигин құмсағ
Боботогим ҳам,
Күкармиш, ёшармиш
Бобо борым ҳам.
Майсаларин силаб,
Бермайин озор,
Отамнинг бошидан
Келдингми, баҳор?

Келдингми ул ёғоч
Сўриларимдан,
Қумрилар севишган
Мўриларимдан?
Унда зуволалар
Туттай супралар,
Офтобга чикқайлар
Барча кўрпалар.

Чимилдиқдан чикқан
Келинчак янглиғ,
Бир кунлар бошлинар
Ифорлиғ, ранглиғ.

Эсганды мұаттар
Боди саболар,
Ер ҳам құкка қылгай
Нозу иболар.

Мен бу кеч күнглимини
Торлар айладим.
Бир чечак васлида
Зорлар айладим.
Баҳорим — умидим,
Зори жонимсан,
Сен — менинг дилдорим,
Ери жонимсан.

Ирмоқдаги сув ҳам,
Қадрига етсанг —
Етгайдир бир юртни
Гар обод этсанг.
Озурда жонлар бор,
Зор күнгиллар бор,
Обод айлагайсан
Әнг аввал, баҳор.

Захматлар сунбулу
Суманлар бүлгай.
Фарзандлар сохиби
Чаманлар бүлгай.

Азиз элдошларим,
Сизнинг соғинчлар
Менинг кўқрагимда
Ватанлар бўлгай.

Тошкент осмонида
Ажиб түғёнлар:
Етиб келмиш бу кеч
Абри найсонлар.
Келинг, ёмғирларим,
Қалдириғочларим,
Бағримда очиқдир
Барча айвонлар.

Мен бу кеч рухимни
Зангор айладим.
Сен бирлан умримни
Рангзор айладим.
Менинг йўлларимга
Зору интизор
Зангор қирларимдан
Келдингми, баҳор?
О, хаёт! Мен сенга
Тармашганим рост.
Сен билан рангу бўй
Талашганим рост.

Сенинг бор айрилик,
Хасратларингни
Битта бинафшага
Алмашганим рост.

* * *

Минг йиллик хадислар
Гуллаган диёр.
Хикмат қелтиргайсан
Энг аввал, баҳор.
Яъни, инсон умрин
Бори ҳикматин:
Эзгулик қийматин,
Умр зийнатин.

Дунё — бир томони
Ёнғинга тўла,
Бир томони меҳру
Софингча тўла.
Нур ўйнар ўтларнинг
Киприкларида,
Ел кезар Ҳайратон
Қўприкларида.
Ҳирот ёқларга ҳам
Ўтдингми, баҳор?

Кўқдан раҳматларинг
Тўқдингми, баҳор —
Навоий бобомнинг
Мозорларига,
Мозорлари чеккан
Озорларига?

Мангулик сорига
Айлаган сафар,
Мирзо Бобурдан ҳам
Олдингми хабар?
О, баҳор, бу дунё
Сотилган дунё,
Шоҳу султонларим
Сочилган дунё.

Мен бу кеч бир азиэ
Онларга қайтай,
Шомлардан сўз сўраб,
Тонгларга қайтай.
Ковак ёючлардай
Яшаб, оламда
Бир бор гулламаган
Жонларга айтай:
Ўтмаса кўкламнинг
Чақинларидай,

Үшал чақынларнинг
Ёлқинлари дай,
Умрин нечун яшар,
Нечун, одамэод?
Унинг ҳаётидан
Унга не мурод?

Чўпонлар ўй суреб
Олгунча мудроқ,
Таёғи кўкариб
Кетгувчи тупроқ,
Наҳот ибрат бўлмас
Одамга, наҳот?
Наҳот тупроқчалик
Эмас одамэод?

Такир чўлларни ҳам
Айладинг бедор,
Бизга ўргатгани
Келдингми, баҳор?
Шўртсан тупроғининг
Ёлқинларида
Сенинг хосиятинг,
Хислатларнинг бор.

Кеча Самарқандда
Сочиб ифорлар,

Зангор гумбазлардан
Ювдинг ғуборлар.
Эртан бүй таратиб
Андижонларга,
Атлас кийгизурсан
Марғилонларга.

Гулбаданбекимдай
Безангай ҳаёт,
Бир нурлар күйнида
Исингай ҳаёт.
Бу гулшан диёрим
Гулхона бүлгай,
Мендей шоирларинг
Девона бүлгай.

Майсажон, айт, тонги
Табрикларингдан!
Етиблар ўпайин
Киприкларингдан.
О, юртим! Оламга,
Рўйи заминга
Фақат баҳор ўтгай
Кўпприкларингдан.

* * *

Нечун би^з дунёда
Ор-номус дейми^з?
Нечун ма^ксадларга
Дил фонус дейми^з?
Нечун «Ватан» би^зда
Энг кутлуғ калом,
Темур деб қўйгайми^з
Фарзандларга ном?

Ҳар бир гўдак бунда
Султон, улуғдек,
Юлдузларга боқар
Юз минг Улугбек.
Бағринг тўла сенинг
Дарду оҳ, жаҳон,
Қара, ўсар бунда
Канча Шоҳжаҳон.

Нечун бу тупроқда
Ҳар бир лола — шеър?
Юз минг боладан сўр,
Бари — Алишер.
Сўнмас ғурур, шондан
Бериб хабарлар,
Ўсиб улгаймоқда
Канча Бобурлар.

Кече Қаршидан бир
Половонча келди,
Үзи түккизидаю
Осмонча келди.
Исми ҳам Алпомиш,
Күкраги — баланд,
Улгайсам оламни
Енгаман, дейди.

О, хаёт! Мен сента
Тармашганим рост.
Сен билан рангу бүй
Талашганим рост.
Сенинг бор айрилиқ,
Хасратларингни
Битта гул бешикка
Алмашганим рост.

Осондир Ватан деб
Фарёд айламоқ,
Гап сотиб шаънини
Барбод айламоқ.
Лекин улут ишдир —
Ташвишин торта,
Ватанда Ватанни
Обод айламоқ.

Эх-хе, хали қанча
Түгёнлар керак!
Қанча пок туйғулар,
Илхомлар керак.
Қанчалар шерюрак
Темурхонлару
Қанча арслонюрак
Исломлар керак!
Нечун биә дунёда
Ор-номус деймиә?
Нечун мақсадларга
Дил фонус деймиә?
Баҳордай сертошкін,
Баҳордай озод
Яшаб ўтмаса гар,
Нечун одамзод?

Бу элнинг кўксига
Саболар келгай,
Имом Термизийдан
Дуолар келгай.
Эрта қуёш ўзи
Ерларга тушиб,
Сен учун ризқ эккай,
Насиба эккай.

Бу кеч хаволарда
Дийдор иси бор.
Бу кеч умидларим
Барг ёзар тақрор.
Менинг соғинчларим
Гуллаган диёр —
Онам айвонидан
Келдингми, баҳор?

О, хаёт! Мен сенга
Тармашганим рост.
Сен билан рангу бүй
Талашганим рост.
Сенинг бор айрилик,
Хасратларингни
Битта қалдирючга
Алмашганим рост.

2002

ТАКРОР

Тун чоги бир шамол эсдию кетди,
Гулнинг титроқлари қўйнимга тушди.
Ёр ўз соchlаридан узун дор этди,
Зулфин сиртмоқлари бўйнимга тушди.

Осмоналар айланиб, ойлар тўлдилар,
Кошлар камон тортиб, ёйлар бўлдилар.
Қўллар, кокиллари сойлар бўлдилар,
Ундан ирмоқлари бўйнимга тушди.

Е раб, бу қандайин кўргулик, омад!
Хушқадам, хушқилиқ, хуш қадду қомат,
Бир тун савдосида маҳшар-киёмат
Савол-сўроқлари бўйнимга тушди.

Ҳаётнинг энг гўзал, шоҳ устунлари,
Ваҳ бу устунлари, воҳ устунлари!
Муҳаббат қасрининг оқ устунлари —
Ёрнинг оёқлари бўйнимга тушди.

2003

ЁШЛИК.

БАХОР.

МУҲАББАТ

Асрлар бор — рўёдай,
Фасллар бор — мувакқат.
Доим зангор дарёдай
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Умримда уч сахарим,
Уч гўзал хуш сахарим,
Менинг уч хушхабарим
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Софинчлари қанотли,
Емғирлари новвотли,
Армонлари ҳам тотли,
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Айтсан дилда зоримдан
Гуллар унгай қорингдан.
Нишон йўғу боримдан
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Сен, эй синглим, сен оғам,
Үттай алам, ўттай ғам,
Оlamда энг олий дам
Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Гулларни тиллаштирган,
Илларни сирлаштирган,
Дилларни бирлаштирган
Ешик. Баҳор. Мухаббат.

Мангу карвон тириклик,
Дарду ҳижрон тириклик,
Надир, инсон, тириклик?
Ешик. Баҳор. Мухаббат.

Бўю бости гул Ватан,
Бош-оёқ кўнгил Ватан,
Отин сўрсанг, бул Ватан —
Ешик. Баҳор. Мухаббат.

Дунё арчаси ёлғон,
Канча-канчаси ёлғон.
Шудир ёдимда қолган:
Ешик. Баҳор. Мухаббат.

2003

COBFA

Дунёнинг ярмиси — нур ва зиёдан,
Ярми — ёзув-чиизув, ярмиси — ғавро.
Қалам келтирдингиз Ёпониёдан,
Дедингиз: Бу мендан сизларга совға.

Оlam мусофиirlар билан бедордир,
Сайёхлар ичра ҳам сиз мулло, ака.
Дунёнинг энг гўзал қисми дийдордир,
Дийдор куттуғ бўлсин, Абдулло ака!

Бундай пайт кўргали дўсту ёрон ҳам
Уғиллари келгай, қизлари келгай.
Сиздан, кучоқ очиб пешвоз олган дам,
Япон ёмғирларин ислари келгай.

Биз-чи, биз қаламни чўнтакка урдик,
Гўё бўй қўшилди қад, бўйимиизга.
Олис эллар ҳақда сухбатлар қурдик,
Сўнгра тарқаб кетдик уй-уйимиизга.

Шоирлик нимадир?
Дард билан хижрон.
Қалам ҳам бир нени илгаса керак.
Биз ухлаб қолганда, тунлари пинҳон
Билдиримай японча йиғласа керак.

ЭЛЛИКҖАЛЪА ТАШБЕХЛАРИ

Невъматулла оғага

Азиз бўлди бу тупроқ ҳам —
дилимдан саҳфалар кўмдим,
Саҳифа сингари саҳросида ҳам
кальалар кўрдим.

Куюк хатлар каби мозийси
уэра қарғалар кўрдим,
Ҳазин бир лоласи маъвосида ҳам
кальалар кўрдим.

Ҳилолидан фалак дарвозасида
халқалар кўрдим,
Унинг Ерга яқин Эзухросида ҳам
кальалар кўрдим.

Тилимга Ақчакўлнинг мавжларидан
лахжалар сўрдим,
Сополининг синик имлосида ҳам
кальалар кўрдим.

Кўзим юмдим, азим дарё аро
Вақт сингари чўмдим,
Бутун ҳам Эртанинг маъносида ҳам
кальалар кўрдим.

Күёшли қалъалардай қалбларин
кошида ўй сурдим,
Азиз инсонларин сиймосида ҳам
калъалар күрдим.

2003

ЖУГРОФИЯ

Оlam қизик:
Күэлайсану,
Тўрт томонга чопгайсан,
Ҳиндистонни излайсану,
Америкони топгайсан.

Кўхна дунё сирларидан
Кумлар кўрғон йикқайдир.
Қадим Термиэ қирларидан
Япония чиққайдир.

2003

ИНТЕРНЕТ

Интернет, айланай номингдан сенинг,
Гапга лим-лим тўлуғ жомингдан сенинг.

Бутун бу дунёning эгаси сенсан,
Поёнсиэ оламнинг эркаси сенсан.

Секин Ер юзини айладинг ишрол,
Бир ишинг яхшию, бир ишинг — ишкал.

Сен сўнмай, сўлимай ёз-киш яшайсан,
Китъадан қитъага миш-миш ташийсан.

Зангор кўзларингда ҳамма нарса бор:
Ким ишдан кетдию, ким эса — bemор.

Тунлар ёритасан кулдонларни ҳам,
Бир зум тинч кўймайсан султонларни ҳам.

Ишинг бор подшою чўпонга қадар,
Дарров еткизасан ёпонга қадар.

Кочиб кутулмагай сендан пулдорлар,
Танноэ санамлару сатанг дилдорлар.

Гарчи кеча-кундуз уйкуларинг йўқ,
Лек сенинг инсоний туйгуларинг йўқ.

Калбу рўэфорига кириб бордингми,
Бирор камбағалдан сен ҳол сўрдингми?

Бойсунда бир мунглуг мактаб — интернат,
Хабаринг бормидир бундан, Интернет?

Үйласам, кўэимда жолаларим бор,
Унда менинг маъюс лолаларим бор.

Улар ҳали ўсиб чинор бўлгайлар,
Улрайиб соҳиби диёр бўлгайлар.

Очиқ айтайнми энди бетингта:
Ота бўлоддингми бирор етимга?

Туганмас фол билан ромингдан сенинг,
Интернет, айланай номингдан сенинг!

Зўр бўлсанг хабар бер, бергил кафолат,
Качон Ер юзида тугар жаҳолат?

Одамзод меҳрга қачон тўйгайдир?
Качон ёмонликнинг уйи куйгайдир?

Айтгил ука-синглим, яна боламга:
Качон муттаҳамлар битар оламда?

Тонг чори сен шамол эстириб бергил,
Зўр бўлсанг, бир ниҳол ўстириб бергил!

Сен асли камолот белгиси, хузур,
Сал ранжитган бўлсам, Интернет, уэр.

Сенда ҳам бир ажиб тантиликлар бор,
Янги келинчакдай янгиликлар бор.

Олис элларга нур ришталар еткиз,
Менинг юртимдан ҳам муждалар еткиз.

Токи хуш сахарлар күмсин дунёни,
Күмса хушхабарлар күмсин дунёни!

2003

НЕЧУН?

Юрагимнинг айвонига
Мехмон бўлган меҳмонларим,
Қилдай ёруғ кунимни ҳам
Кўролмаган ёронларим.
Кимлар ҳасад дарёсида,
Кимлар ғараз саҳросида,
Ўтиб-ўтиб бормоқдамиз
Дарду ҳасрат дунёсида.

Баланд-баланд томлар солиб,
Тубан-тубан ишлар қилган.
Баҳоримни, ёэзимни ҳам
Бир лаҳзада қишлиар қилган.
Мен ўйладим: гаштин сургум,
Қўлларимда торим келди.
Шундай элдошлиарни кўрдим,
Ич-ичимдан орим келди.

Кўнгил йўли — чараклаган
Осмон эди, найсон эди.
Бу дунёда менинг асли
Излаганим инсон эди.
Ёмонларга нечун сенинг,
Нечун доринг келмас, ҳаёт?
Ёлғонларга бағринг кенгдир,
Нечун оринг келмас, ҳаёт?

2003

МАРҲУМЛАР

Марҳумлар бизлардан донорокдирлар,
Олий қисмат таъмин бўлганлар totиб.
Улар сўзламаслар, лекин ҳақдирлар,
Бизлар-чи, юрибмиз сафсата сотиб.

Сокин мозорлари — нақлу пандлари,
Ойлар ҳам бир тўхтаб, сўнг ботгайдирлар.
Оlamнинг энг улуғ донишмандлари —
Киёматга қадар жим ётгайдирлар.

2003

ХИЛОЛ

Чиқдингми хилолим,
 Мунглуг ярим ой,
 Энди ғам қоришиди фурсаларимга.
 Сен зиё сочмассан,
 Құшмассан чирой
 Менинг ҳасратларим, фурбатларимга.

Инсон келармиカン эртами ё кеч
 Дунёга дон каби янчилмоқ учун?
 Ҳилолим, осмонга чиқдингми бу кеч
 Укамнинг қабрига санчилмоқ учун?..

2003

БҮЮК ИПАК ЙҮЛИ

Келаверар карвонлар,
 Кетаверар карвонлар.
 Қадим Ипак йўлдир бу —
 Ҳам севинч, ҳам армонлар.

Йигирма бир асрдир,
 Бардошу ҳам сабрдир.
 Ҳалқлар қурган қасрдир —
 Гоҳ созу гоҳ вайронлар.

Бунчалар кенг бу очун,
Бир томони Чин-Мочин.
Инсон ёэса қулочин,
Фурур бўлган осмонлар.

Чўлмас — қўкларга етган,
Улмас эркларга етган,
Улуғбеклардан кетган
Юлдузларга унвонлар.

Оврупоми, Осиё,
Бир қуёш, бир ой — зиё,
Адолатта, эй дунё,
Бафинг бўлсин айвонлар.

Инсоният, маконинг —
Ут ҳам сув тўрт томонинг.
Маърифат ҳам иймонинг
Сенга бўлсин қалконлар.

Биз оламга тикилдик,
Гоҳ туриб, гоҳ йикилдик.
Қаддимиэни тик қиалдик,
Келди давру давронлар.

Кунчиқардан чиққан кун
Сурхонда тунар ҳар кун.
Ёпонча сўйлар бугун
Термиэдаги қўроёнлар.

Буюк Ипак йўлдир бу,
Минг миллат, бир тиљдир бу.
Ажоддлардан қўлдир бу
Авлодларга томонлар.

Шанхайдан бошланган тонг
Тошкентда отса не тонг?
Олти султон — бир қўрғон,
Эзгуликка сорбонлар.

Дунё, сен солгин назар,
Манзилларинг бўлгай зар.
Абадиятга қадар
Тўхтамас бу карвонлар.

2004

* * *

Мен кўнглимни гулга бердим,
Гулнинг новдасига қийин.
Майин ичдим, болин сўрдим,
Ишқнинг бодасига қийин.

Ёр зулфини дом билган у,
Доим ажиб ҳол бирлан у,
Бўйнидаги ҳол бирлан у
Маржон шодасига қийин.

Ошиқ деган ташна кетар,
Фамгин назар ташлаб кетар,
Муромбирлар яшнаб кетар,
Бари соддасига қийин.

Навоийдан дил олмаган,
Машрабдан бир кил олмаган,
Ошу нон деб илм олмаган
Инсон подасига қийин.

Килмайин юз-хотирини,
Кўролмаса бир-бирини...
Уйлайвериб тақдирини,
Юртнинг отасига қийин.

Ватан — юксак номус-ордир,
Кимлар учун у рўэфордир.
Гарчи Темурлари бордир,
Темурэодасига қийин.

2004

УМР

Умр аввал шүх, ўйноқи тойга ўхшар,
Жилға бўлар, сўнгра тошқин сойга ўхшар.
Қуёш янглиғ ҷарақлагай тонг чоғида,
Кўкламдаги ёмғир ювган ойга ўхшар.

Болалигинг жаннатидир ота уйинг,
Унда сенинг бешикларинг, бешик тўйинг.
Қадди эгик отанг бўйи, сенинг бўйинг,
Устоз айтгандайин камон, ёйга ўхшар.

Баланд-баланд тоғларингда қоринг бордир,
Молинг йўқдир, лекин дилда оринг бордир.
Йигитлигинг, гар қаламқош ёринг бордир,
Юз минг динор, тиллоси бор бойга ўхшар.

Кўз ўнгингда бозорлари, баҳорлари,
Бу дунёнинг гулэорлари, гулёрлари.
Ўтаверар унинг ёвоч тулпорлари,
Бу ёни кир, у ёни сир жойга ўхшар.

Изларин ўп яхшиларнинг йўлидаги,
Ёшлигинг бир оқкуш даҳро кўлидаги.
Умр асли кекса онанг қўлидаги
Соринч тўла бир пиёла чойга ўхшар.

2004

КУЛЧА

Ошикларнинг бир кўчаю,
Бунда бир тандир кулча.
Осмонда ой бир кулчаю,
Сенинг юзинг — бир кулча.

Бир ҳовли ҳам бир уйчаю,
Ичи тўла гулгунча.
Бунда бир тандир кулчаю,
Сенинг юзинг — бир кулча.

Бир йўлакча, бир йўлчаю,
Унутмасман, ўлгунча.
Сенинг юзинг — бир кулчаю,
Кимларга тақдир кулча?..

Кўнгил энди зор гўшаю,
Иллар қайдадир, кулча?
Колиб кетди бир кўчаю,
Кўкларда ой — сир кулча.

2004

ҚУРБОНЛИК ҚҮЙ

Худди жаннат жамолидай
Бир тонг эди,
Оlam бир ён,
Сенинг күэзинг бир ён эди.
Кечир мени,
Мен ёнингга боролмадим,
Жовдираган күэларингга қаролмадим.

Үзларича құли очиқ, хотамлари,
Нечук одам
Бу дунёning одамлари?
Нечун сени,
Нечун сени сайладилар?
Етқиэдилар,
Оёкларинг бойладилар.

Нечун бўйнинг бермай,
Ерга уравердинг,
Бошгинангни қорнинг томон
Буравердинг?
Оёкларинг нечун бунча ташлашдилар?
Корнинг тирнааб,
Нени бунча талашдилар?
Бу дунёда куйдирган
Ҳам куйган инсон,

Үңг келганды
Үз боласин сүйгөн инсон.
Курбонлик күй,
Майсаларга қонинг томди,
Жөвдиреган күэзинг билан
Жонинг томди.

Күтаришиб,
Осдилар сүңг оёғингдан,
Сахар ичган сувинг
Оқди томогингдан.
Күэшингни
Конинг билан қордиларку,
Теринг шилиб,
Корнингни ҳам ёрдиларку!

Нахот ҳайвон қисматин ҳам
Давоси йүк?
Күзиларинг ётар эди
Күзи юмуқ.
Жонсиз корнинг,
Чавоғларинг болиш бўлиб,
Ётар эди улар
Тилсиз нолиш бўлиб.

Ҳаёт менга
Кўп ғамларни қайтиб берди,

Буни менга бир оғайним
Айтиб берди.
Жонзот күзи билан
Боқсанг гоҳ хаётга,
Нафратларинг келиб кетар
Одамзодга.

Кечалари мен ҳам
Үйроқ алам билан,
Юрак-бағрим тиғлайдирман
Қалам билан.
Лекин унга
Бир тасалли беролмайман,
Юрагимнинг күзларига
Қаролмайман.

Жонворгинам,
Дунё нечун кирлардадир?
Хаёлларим
Сен ўтлаган қирлардадир.
Күймас сира,
Кулогимдан кетмас нари,
Күзи юмуқ күэиларнинг
Маърашлари.

«ТАФАККУР» ЖУРНАЛИГА

Бу дунёда ўзинг топган
йўлинг бирлан тафаккур қил,
Агарчи топмаган бўлсанг
дилинг бирлан тафаккур қил.

Сенга кошона бермабди,
вале пешона бермишдир,
Ўзингни манглайнингдан бил,
қўлинг бирлан тафаккур қил.

Азалдан ўэфуруш дунё,
сўзи кўп, сўэфуруш дунё,
Тийиб юргил забонингни,
тилинг бирлан тафаккур қил.

Ҳаёт бўстонига уч кун
келиб кеттувчи гулдирсан,
Ҳазонинг ҳам гулинг, обу
гилинг бирлан тафаккур қил.

Нечун инсон бўлиб келдинг?
Нечундир ёнмайин кетмоқ?
Оловинг, оташинг, ўтинг,
кулинг бирлан тафаккур қил.

Жаҳолат то завол топгай,
Она юрting камол топгай,
Тафаккур қил, тафаккур қил,
элинг бирлан тафаккур қил.

2004

МЕНИНГ УЧ ХУШХАБАРИМ – ЁШЛИК. БАХОР. МУХАББАТ

(«Туркестон» газетаси
саволларнга жавоблар)

— Болаликнинг беғубор дамлари кўйка потирлаб учган күши сингари шошқин. Кечагина голос дараҳти остида турган қўшини қизнинг нигоҳидаги ҳайрат, унинг лабларидан сизиб чиқкан қип-қизил голоснинг кони, дилга аллақандай орзиқши пайдо қилиши табиий ҳолдир. Сирожиддин ака, келинг бир лаҳва бўлса-да болаликка қайтсан.

— Болалик, унинг сехру синоатию орезу-хаваслари, соғинч ва севинчлари ҳақида илгари чиққан мақолаларим, сухбат ва бадиаларда кўп гапирғанман. Буларнинг бари ўтган йили «Ғафур Фулом номидаги ижод уйи» нашриётида чоп этилган «Яшасин ёмрилар» номли китобимда жамланган. У гапларнинг ҳаммасини такрорлаб ўтирини шарт эмас деб ўйлайман. Болалик, худди жилғалардай тез ўтиб кетгувчи давр бўлса-да, унинг хазинаси тутанмас, умр кечган сайин тошлиқларию қумлөклари, хору хаслари ҳам тилло бўлиб кўринавераркан. Мен, сиртдан қараганда оддий тувладиган, бироқ ичдан жуда ҳам бамаъни бир мухит, серзавқ бир хонадонда ўсиб-улғайдим. Бу мухитнинг қадри, қийматини ҳам кейин йиллар ўтгач англаб етдим.

Ташқаридан қараганда ҳәёт-рӯзгоримиз эл қатори — отам, онам бизни бокиш, кийинтириш учун ишлардилар, уйимиэда опам, сингилларимнинг ўз юмуши, акам билан менга ҳам маълум вазифалар юқлатилган эди. Тафсилотларга берилмай айтадиган бўласам, пахса девор, кичкинагина эрганак-эшик, ҳовлидаги ёғоч сўри, тупроқсупа, пастаккина лойшувоқ уйларимиз, бу ҳовли, бундаги турмуш ташвишлари — ташқаридан қараганда шундоқ ҳамманикига ўхшаш эса-да, ичкаридаги бошқа бир ҳәёт — эртаклару маталлар, достонлару термалар, шеъру ғазалларнинг сехрли дунёсига астойдил ошиқ бўлган эдим. Даشتу қирда юраманми, пода бокқани ёдалага кетаманми — оқшом пайтигача шу дунёга интишиб, интилиб яшардим. Раҳматли Ойбиби момом, Сайдумар амаким, отам, усто Ҳабиб амаким, Исломиддин төғам, онамлар — бу азиз инсонлардан тинглаганим достонлару эртаклар, саргузаштлар, уларнинг оҳанглари то ҳануз ёддан чиқмай, дилни орзиқтиради.

Оила мухитидаги мана шу мактаб — мени тарбиялади, улгайтириди, ҳәётимнинг асосий йўлини белгилаб берди. Раҳматли отам уруш кўрган, кўп яраланган, ҳәёт қамчиларининг заҳрини ҳам обдон тотган одам — энг катта, улуғ устозим тарбияси, онамнинг жиддий назорати, панд-насиҳатлари билан аллал-охир еттинчи синфга келиб китобхон бир болага айланиб қолдим. Кейин мактабни битирдим, ўн олти ёшимда дорилғунунга ўқишига кирдим. Бу дунёга келиб, менинг ҳәётдаги илк йирик ғалабам шу эди. Умр экан-да, фақаттина бир армон ўртайди: отамга бир яхшилик қилишга улгуролмай қолдим.

— Сиз бот-бот эслайдиган Ойбиби момонинг «сирли сандик»ларидан ҳар-ҳар замонда инъом этилган қанд-ширинилликларнинг таъмини согинган пайтларингиз бўладими?

— Онам бизнинг тарбиямиз масаласида анча қаттиққўл эдилар. Болалик экан-да, баъзан бир юумуш вақтида бажарилмай колинади ёки масалан, «қартант» лақабли шоҳдор сиғиришимиз бемалол сўрига чиқиб, биз тушлик қилиб йиғиштирмай кетганимиз дастурхондаги нонларни кавнаб турган бўлади. Шу маҳал онам келиб қоладилар, қўй-молларга караш кундуз куни менга юклатилгани учун — биринчи жавобгар, албатта мен бўламан. Ҳаммадан катта бўлиб фаросат қилмагани учун Ниёзеби опам икка-ламиз толхивчин билан «мукофотланамиз». Оилада сал зерка, ўжарроқ бўлганим учун аразлашга қулай фурсат топилганини ҳали ўйламасимдан, томорқасининг шоҳ девори ортидан Ойбиби момом «Бу ёкка қочиб кел» деб чақириб қоладилар. Момом басавлат, юзлари ҳам исмига муносиб, бағри кенг, меҳрибон кампип эдилар. Дастурхонларидағи чақмоктошдай-чақмоктошдай оқ кандларни синдириб, чойимга солғанлари, куюлтирилган какао, писта, анжир қоқи, тутмайиз билан алоҳида сийлаб туришлари мени андак талтайтириб қўйган эди. Баҳона топилди дегунчча, момомни олдига қочиб борардим. Сиз айтган сандиқдарни шу ҳовлида, усто Тожиддин амакимиз ясадилар. Ранда, арра, тенга, пойболта, исказа сингари дурадгорлик анжомлари, устахонадаги тахта-тараша ислари ҳаммаси қадрдон бўлиб қолган. Саватдайгина бўлиб сандиқ ясаётган жиккаккина амакимиз эса баъзан ёғочга гул ўйишни ҳам ўргатиб турадилар.

Ойбиби момомнинг ҳовлисидаги осмонга тарвақайлаб кетган сермева тут дарахтию ҳовли чеккасидаги шоҳтут бизнинг болалигимиизга табиат томонидан инъом этилган ҳақиқий энагалар эди. Биз бир гала неваралар шу тутнинг шоҳларида байрамлар қилиб,

шоҳтутдан унинг меваларидаи ранг олиб, рангланиб улрайдик. Дунёниг бошқа кераксиз рангу матоҳлари ҳеч қачон бу ранглар, жозибаю манзараларнинг ўрнини босолмаслигига катта бўлгач, ҳайётни кўргандан кейин амин бўлдик.

Тақдир, тириклик кейинчалик қанчалар аччиқ ва тахир неъматлар едирмасин, Ойби момомнинг меҳро шафқати, паноҳ ва беминнат соясини ўзида мужассам этган азиэ момотутларни ҳар гал эслаганим заҳоти — ҳайётнинг кўп алам-изтироблари дарҳол унутилади, дилни қадрдон бир орзиқиш, мунаввар бир соринч чулнаб олади.

Шоирлигим ўз йўлига, яқинда момомнинг ҳовлиларига борганимда бу табаррук дарахтларнинг буқчайиб, мунгайиб қолганини, салкам ярим асрлик ўтган муддат, йилларнинг селу ёмирилари уларга ҳам ўз шафқатсиҳ ҳукмини ўтказганини кўриб, кўнглим буэйлди. Дилемдан ғалати хулоса кечди: дарахт ҳам қартаярканда, кимсасизликдан бора-бора кексариб қоларкан-да. Икки улур, ҳимоясиэ бемордай наздимда турган, пушту паноҳимиз бўлган жондош дарахтларга бирор ёрдам беролмаслигимдан ич-ичимдан эзилдим. Назаримда, кўз олдимда бу дарахтлар дод солиб, чинкириб одамэоддай дунёдан ўтиб кетаётгандек туюлди.

Биз Ватанини наинки дарслик китоблардан, балки мана шундай муқаддас бобо ва момо дарахтлардан ҳам ўрганмоқни ўрганишимиз керак. Дилу жонга яқин, қадрдон бир дарахтдан ололган таълиму тарбиямиз баъзан унча-мунча қўлланмаю ватъхонликларнинг ўрнини боса олишига мен ўз камтарона тажрибамдан комил ишонч ҳосил қилганман.

— Аруэ вазнида битилган «Куйдим», «Кел ўпай бир эркалаб...», «Эллик ёш ғазали» сингари дилни титратувчи шеърларингиз борки, уларни үқиганимизда ёки ҳофиз тилидан тинглаганимизда ниҳоят олислардан келаётган оханг сехридан сархұш бүлганимиз. Болалигиния үтіган бобо қырлар, тошдан-тошга үрілиб келаётган тошқын Түполондарё. Оби-зарапттар дарёларида «фоилотун-фоилотун» садолари борға үхшайды. Умуман Низондарадан етишиб чиккан Вахоб шоир, Мулло Оқил, Мулла Султонларнинг қарийб иккі асрдан бери шеърлари халқ тилида янграб келишининг ҳам сири шунда зemasмиカン?

— «Узбекистон халқ шоири» унвони берилгандан кейин, күксім шавқу ғууруга тұла Сурхондарёға, онамнинг олдига ошикиб бордим. Ҳовлимизда онам күнгиллари түлиб аввал озрок күйеші қилиб олдилар. Кейин күп улут зөтлару менинг тақдиримга хайрихо, устоз-муаллимларим, барча инсонлар шаңнига дуолар айтдилар. Кейин төғ селидай гулдираб, үзига хос ғалажонури билан ҳовлиқиб Исломиддин төғам пайдо бўлди. «Мана, менинг устозим келди» дедим. «Ҳаммаси бинойидай бўлибди, зўр бўлибди» дегач, «Бобонгнинг мушкулини сен осон қиладингда! Каримнинг кароматини кўрдик-ла охир, Ҳозига шукур!» дебон кўшимчча қилиб қўйди. Жумбокли, жиякли гаплар айтишга уста төғанинг кейинги сўзларига, рости, тушунмадим. «Тушунмадинг-а? — деди тога. — Раҳматли Мамасайид (Мухаммад Сайид) бобонг Важжакдаги (Ҳисор төвларида) борида ер чопиб, буғдой экиб, ток қайчилаб юрган пайтларда доим мана бу

шेърни хиргойи қилиб юрарди. Эшит», — дея тога бахшиёна йўсинда шеърни ижро этиб берди:

Хакими кулли оламсан,
на ҳукминг бўлса фармон қил,
Эрурсан қодири барҳақ,
менинг мушкулим осон қил.
Каримо, сен каромат қил,
ӯзимни сенга топширдим,
Балолардан саломат қил,
ӯзимни сенга топширдим.

Менинг баданларим жимиirlаб кетди. Биз Мамасайийид бо-
бомни кўрмаганимиз. У киши узоқ умр кўриб, отам урушдан
келгандан сўнг, бир йилдан кейин — 1947 йилда оламдан ўттан.
Айни пайтда — дехон бобом, заҳматкаш боғбон бобом, у киши-
дан қолган боғу бу борнинг дараҳтлари, Нижондара, Тўполондарё,
Важжакдараю Ҳушқакдаранинг қўзичоқлардай ўйноқи жилрала-
ри, Обизаранг сувлари — ҳамма-ҳаммаси бир-бир кўз олдимдан
ўта бошлиди. Мен ҳам шу боғда парвариш топган, навниҳол
чорларимдан меҳру муҳаббатидан баҳраманд бўлиб, ўсиб, вояга
етган бир дараҳтдай ҳис этдим ўзимни. Айттанингиздек, шу бо-
бобоғлару боботоғлар менга оқ фотиҳа бердилар, бу сувлару жилра-
лардан қалбимга наволар олдим, шоир бўлиб нимаики куй ва
оҳанг топган бўлсам, авваламбор, шу тупроқдан, шу тоғу даштлар-
дан миннатдорман. Бу борнинг катта ҳарфлар билан ёэиладиган
номини ҳам биласиз: ВАТАН. Мен бир күйчи сифатида, жондан
азиз шу борнинг кўркли, тароватли бўлишига озроқкина фойдам
тегаёттан бўлса — ўзимни роят саодатли деб биламан.

— Адабиёт мұқадdas даргоҳ, шоирлик эса Яратғаннинг инсонга берған алохыда инъоми, шундай экан бу мұқадdas даргоҳда тақдир тақозоси билан кириб қолған ҳар бир зот олдидә жуда катта масъулият борлығы сир эмас. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз?

— Самарқанд Давлат университетининг филология факультети талабалари учрашув чөғи узунроқ бир сағол ёзилған қоғозни узатышди. Саволни түлиғича көлтираман:

«Бир ота ўз ўғлини улұғустоз мәқомидаги катта шоирнинг хуэурига олиб борибди. Шу болани ўз тарбиянгизга олсанғиз, йўл-йўриқ қўрсатсанғиз, ўргатсанғиз, зора сизга ўхшаб номи кетган обрўли шоир бўлиб кетса» дебди илтимос қилибди. Бола ўсмир ёшда экан шекилли, устоз шоир ҳалиги кишининг сўзларини эшилттач, «Майли, факат бир шартим бор» дебди. «Ҳамма шартингизга тайёрман» дебди ота. «Ундан бўлса, биринчи қиласиган ишингиз — ўғлингизнинг яхши кўрган қизини кўшнингизнинг ўялига олиб берасиз. Ана ундан кейин гаплаптамиш» дебди устоз. Шу ҳолатта сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.»

— Кизиқ экан. Сиз қандай жавоб қилдингиз?

— Саволга яраша жавоб қилдим. «Янада зўрроқ шоир бўлишини истасанғиз яхши кўрган қизини энг яқин, жонажон дўстига олиб беринг» дедим. Талаба ука-сингилларимга жавобим маъқул келди шекилли, роса олқишлишади. Лекин ёшлик баривир ёшликда, талабалар айни севги, мұхаббат ёшида бўлгани учун, менинг жавобимни улар айнан ҳәёттій, жисмоний жиҳатдан қабул қилишибди. Яъни, улар учун энг мұжими, ёспликка хос бўлгани, кутилмага-

ни — дүстининг яхши күргани қиэига дүсти уйланиши ҳодисаси эди.

Кейин талабаларга масаланинг мөхиятини изоҳлаб беришга ҳаракат қилдим. Берилган савол бир қараашда жўнроқ туюлса-да, унинг тагида аччиқ ҳикмат яширинган эди: катта шоир бўлмоқ учун катта айрилиқни бўйинга олиш керак. Янада жайдарироқ изоҳланса агар, катта бир нимага эришмоқ учун бошқа катта бир ниманингдир баҳоидан кечмоқка тўғри келади.

Сўз йўлида ўзингни, ўзлигингни, ҳаётингу роҳат-фароғатингни тинимсиз, беаёв бахш этиб бормогинг — шоирликдир.

Элас-элас эсимда қолган. Отам бригадир эдилар. Кишлоги-миздаги «Ғишттепа» мазорати этагидаги дала бошида акам билан ўтирибмиз. Елиз, қариган, ҳориган от якка темир омочни тортиб бораяпти. Омоч ортидаги қора чопонининг пахталари чиқиб кетган, дўпписи яғир дехкон отдан ҳам гариброк. Ери шу йўсинда шудгор қилишялти. От билан дехкон катта, яйдоқ дала-нинг оҳмирига бир бориб келгунча кун пешин бўлди. Ўтган аср-нинг 63—64-йиллари эди. Ҳозир чўпчакка ўхшаб кўринади. Бироқ бу от билан икки узун сатр шудгор, мана, орадан кирқ беш йиллар ўтган бўлса-да, ҳозир ҳам аҳён-аҳёнда, қалам қороз узра қитиrlаётган пайтларда тиник кино лавҳасидек кўз олдимда на-моён бўлади. Шоирлик меҳнати омоч тортаётган ўша отнинг меҳнатидай, сўз ва шеър заҳмати ернинг заҳматига ўхшаб кўринади. Ўша икки сатр шудгордайин текис ва равон, мағзи ҳам тўқ сатрлар ёзолсайдим.

Александр Пушкин «Шеър жунунвашроқ бўлиши керак» («Поззия должна быть глуповатым») деган экан. Бироқ бир

нече юз йиллар авнал ҳаэррат Алишер Навоий бобомиз қойилма-
қом қилиб айтиб күйган эканлар: «Жунун водийсига мойил
күрармен жони зоримни». Нима бўлганда ҳам, устоз Абдулла
Орипов ибораси билан айтганда «устоэлар — кўхна мўмиёлар,
уларда хислат ҳам, ҳикмат ҳам бисёр», шоирлик нималигини шу
мўмиёлардан ўргансайдик, бу кўхна, асл маъданларнинг иззатини
ўрнига қўёлсайдик.

— Халқда устоз отангдек улуғ деган ибора бор. Сиз
айни кунда шеъриятимизнинг юксак чўққиларидан бири, до-
нишманд шоиримиз, устоз Абдулла Ориповнинг доимий ён-
ларидасиз. Бу баҳтни қандай изоҳлайсиз?

— Тақдирнинг, шоирлик қисматимнинг энг олий мукофоти
деб биламан. Сиз «Баҳт» деб жуда тӯғри айтдингиз. Толе менга
тавозе бажо келтиргани, фалакнинг мен учун эврилгани бу.
Шундай пайтлар «чархи қажрафтор»нинг рост рафторлари ҳам
борлигига имон келтирасан. Яна ҳаэррат бобомизга мурожаат қила-
диган бўлсак, ул зот «Наводир ун-ниҳоя» девонида айтадилар:

Давронда камол ичра қўёштин бийик ўлди.

Ҳар зарраки бир комили давронга йўлукти.

Бу байтда «зарранинг қўёшдан буюк бўлгани» эмас, балки
«комили даврон»нинг заррани қўёшдан ҳам буюкроқ эта олиш
қудрати, буюклиги асосий нуқтадир. Навоий бобо Олий устоэлик
мақомини назарда туваётирлар.

Мен Абдулла аканинг ёнларида — ўзимни университетдан
муҳташам Академияга келиб қолгандай, ҳар соат, ҳар кун янги-

янги ёмби ҳикматлар, донишмандликнинг тоза, асл дуру инжулари қатлам-қатлам нурланиб, жилваланиб тургувчи катта бир Академиянинг ичидаги ҳис қиласан. Ҳис қилган сайн эса зарралигимизни сезиб қоласан.

«Эшитгулик элда кўп, эшак минган йўлда кўп» дейилганидек, устознинг бизга ўхшаган шогирдлари, шогирдчалари сон-саноқсиз, баъзиларимиз ўта жиддий, баъзилар хоксор, айримлар мажнунсифат — нима ҳолат бўлганда ҳам устозга интиламиш, маслаҳат, йўл-йўриқ сўраймиз. Устоз, идоранинг шаъни деб, тун буйи ухламай сахари мардонда туриб, бизнинг ўрнимиздан ҳам ҳар хил йигинларга боради, биз эрка шогирдлармида, соат ўнларда жеч нарса бўлмагандай лаллайиб ишга кириб келамиз. Гоҳ тиржаямиз, тоҳ жиринглаймиз, баъзан ғийбатлар қиласиз, «сизнинг боғингизда ўсган николлармиз» деймиш-да, озроқ номимиз чиққач, тарбиятсизлик туғини баланд кўтарганча, тал тортмай бобомизнинг соқолидан тутамлаб оламиз.

Озроқ насрой чекиниш бўлди-да, келинг, яхшиси тўрт катор шеър айта қолай:

Бу шеърлар янгарган ўйлар
чироғида Ватан бўлгай,
Уларни ёдлаган авлод
сабоғида Ватан бўлгай,
Дилу жону қабоги ҳам
қароғида Ватан бўлгай.
Замон Абдулла Орифсия,
ҳамон Абдулла Орифсия.

- Бугунги ёшлар шеърияти сизни қаноатлантирадими?
- Ёшлар шеърияти бедор-бекаловат изланиш даврини бошдан кечиряпти. Излаган, маълумки, албатта бир нимани топади. Жараён давом этмоқда. Мақсад ёқасидан қўйвормай, маҳкам тутиб, овозининг қадду бастини дадил кўрсатаётган ука-сингилларга, уларнинг давру давронига ҳавас қиласа арзийди. Адиба Умирова, Бехзод Фазлиддин, Жўрабек Жангирон, Ирода Умарова... рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Қуонарлиси, бу ёшларнинг шеърларидан катта шамолларнинг шовурлари келяпти. Шундай шамоллар барча ижодкор ёшларимизга ёр бўлишига ҳамиша хайриҳомиз.
- Мамлакатимиз Президенти 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилди. «Туркистон» газетаси муштарийларига, қолаверса, жамийки ёшларимизга тилакларингиз?
- Мухтарам Юртбошимизнинг зътибор ва ғамхўрлиги билан ёшларимиз пойига саҳни бир йилга баробар пояндоз тушадди. Юрт эгаси томонидан ёш авлодга ҳамиша кўрсатиб келинаётган юксак эҳтиром катта авлод вакилларининг қалбини ҳам доим тўлқинлантириб туради. Менинг ёшларимизга тилакларим кўп, лекин энг асосийси — ука-сингилларимиз шу эҳтиромга муносаб бўлсалар, ўзларига яратилган катта имкониятлардан вактни бой бермай, ёшлик пайтидаёқ фойдаланиб қолсалар, элу юртимизнинг билимли, тарбияли, чиройли ва фидойи инсонлари бўлиб камол топсалар.

Киш ўртаси бўлишига қарамай, бу сұхбатимизга «Ёшлик. Баҳор. Мұҳабbat» деб ном қўйганим ҳам бежиз эмас. Ёшлик

айёми учун қишиш фасли йўқ ҳисоби, ёшлиқ — йил ўн икки ой баҳор дегани, баҳорнинг уч ойи ҳам, ўн икки ойи ҳам тез ўтиб кетади. Фурсат борида бу жозиб, сертароват даврдан катта маънавий захирани жамлаб олмоқ — бир умрга татирлик зафарларга асос бўла олади.

Аҳтамкул Карим сұхбатлашди.

2008 й.

ЙИЛЛАР ВА КИТОБЛАР

1. «Рұхим харитаси». Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил.
2. «Салқын харсанглар кафтида». «Янги аср авлоди» («Еш гвардия»), 1986 йил.
3. «Севги мамлакати». Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 йил.
4. «Асрагил». «Янги аср авлоди» («Еш гвардия»), 1990 йил.
5. «Мангу риәк». Таржима (Андрей Вознесенский. Шеърлар, достонлар, наср). Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 йил.
6. «Мехр қолур, мұхаббат қолур» (Бадиалар, мақолалар). «Чүлпон» нашриёти, 1992 йил.
7. «Күйдім». Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 йил.
8. «Уйингдаги бешиклар». «Езувчи» нашриёти, 1996 йил.
9. «Ватаниң үрганиш», «Чүлпон» нашриёти, 1996 йил.
10. «Әгаси бор юрт». Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 йил.
11. «Ватан абадий». «Шарқ» нашриёти, 2001 йил.
12. «Үстимиздан үтган ойлар». «Чүлпон» нашриёти, 2003 йил.

13. «Кўксимдаги зангорларим». «Маънавият» нашриёти, 2004 йил.
14. «Қалдириғочларга бер айвонларингни». «Шарқ» нашриёти, 2005 йил.
15. «Дил фасли». «Ўзбекистон» нашриёти, 2007 йил.
16. «Яшасин ёмғирлар» (Мақолалар, бадиалар, хотира ва сұхбатлар). Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007 йил.

МУНДАРИЖА

Менинг шоирлигим (<i>Манзуума</i>)	5
Илк оғригим, илк ёмғири...	
«Сен маъсуд дунёнинг	13
Эски уй	13
«Кунда Жувоз төгларида...»	14
Болалик дарахти	15
Болалик	16
«Самолётлар учди...»	17
Болалик балладаси	19
Софинч	20
Қүёш қизи	22
«Олис кечинмалар...»	23
«Сариосиё осмонлари...»	23
Тунги ўримдан сўнг	25
Ўсмирлик	26
«Бир кун мени ўйғотадилар...»	27
Бахт	27
Ўчоқдар	29
«Салласига қараб...»	30
Ваҳоб шоирнинг афсуслари	31

Болалигимда итотарлар отиб кетган түрт оёкли дүстларим хотирасига	32
Бўри чўпоннинг ўғлига насиҳати	34
«Мен турилган куни...»	35
«Сутдай оқ саҳронинг...»	36
«Саъдий ғазалларин саҳроларида»	37
Кундажувоз. Кеч куз	37
Саратон	38
Чавандозлар	39
Ният	40
Тун	40
«Сен йигладинг...»	40
«Йўлни олиб ташлама...»	42
«Овозларни тутавер...»	43
«Тез ёрдам» машинасида ёэилган шеър	44
Мутолаа	47
Коптоклар	49
Рухим харитаси	51
Паҳлавон Маҳмуд	52
Самарқандда	52
Қороз қасида	53
Сурхон. Саратон	55
Қадимий Бактрия тупроғида	56
Бойсун қўшиғи	57
Мехмон	58
«Биродар, қўлда жом, қўёда ёш...»	60
«Кора қўэли Гулпари...»	61

Сүз нұс

Шукуқ	62
Тавалло	63
Уйқуда айтган шеърим	64
«Яшинлар ёритган эй олис уйим»	64
«Сен бу мұхаббатни...»	65
Ахборот қири	65
Туш	67
Бу ҳам бир гап-да	68
«Бехабар, бехабар...»	69
«Қайрағоч. Сүри...»	70
Думалоқ шеър (болаларға)	71
Бу одам (болаларға)	72
Биз оқытланамыз (болаларға)	73
Эшонқул нима дейди?	74
«Тескарига оққан дарёлар...»	75
Короз сигир ёки қүшиб ёэиш ҳақида	77
Болалик. Қүшни қизи Гулпари	78
Хазонрез	79
«Яна Эшонқулнинг уйқуси...»	81
Чағониён	81
Күшон шахзодасининг боши	82
«Ровийлар ривоят қылдилар»	83
Фасл	84
Паймона	84
Ерүү дунё. Соялар	85
Соринч таҳдили	87
Гүнглар түйіда	89

«Арслон терисидай...»	91
Хисор тоғларыда	92
Ховли	93
Вознесенский билан учрашув	94
Айрилиқ	96
«Сени олиб кетсам...»	97
«Менсиз яшолмайды...»	98
«Бу тоғлар...»	99
«Ииллар йироқ күлдай...»	100
Хотиралар күли	101
Тарихий ташбек	102
«Худо панохига олсин...»	102
«Дарахтлар гуллардан...»	102
Омадсиз Декконбой	103
Күчган қишлоқ	103
Бу ойлар	105
Сен	106
«Мезон кетди, ақраб кетди...»	106
«Устимиэдан ўтган ойлар»	108
«Бул кече...»	109
«Дунё надир?»	110
Түй	110
«Кирлардан бир яшил түплемлар...»	111
Сувчи Бобоназар	112
Кетмончи қызларга	113
«Тийрамоҳ тоғ ила тошимга тушган»	115
Күксимдаги зангорларим	116

Сүз түш

Маслак	118
Бир турлангувчи гул	118
Бу мұхаббат борида	119
Самарқандлик кийигим	121
Суроқ	124
Илинж	124
Баҳор	125
Севги (саволға жавоб)	127
«Эй паривашлар...»	128
«Кайсиdir зулфни...»	129
Пешона хусусида	130
Рӯзи Чориев. Кумкўргон олмалари	131
«Қүёш янглиғ төғларингта...»	132
«Кошларинг қаросида...»	133
«Кўрмайин ҳам...»	133
«Кўксимда кўп йиллар бир олов...»	134
«Кичик қалбим кенг жаҳонга...»	135
Кўз тегиши	136
Аламли дунё	137
«Тахир бўлди мухаббатим...»	138
Тўй оқшомида	140
Ватанинн ўрганиш	141
Дашнобод анорига	144
«Ой нурлари...»	145
«Қадр билмас ёр олдида...»	146
«Э, Худойим...»	147
Фасл	147

Сироғиудин Сайын

Ватан ёди	149
Оқ рўмоллар	150
«Умр аста айланмоқда...»	151
Ёлбориш	152
Хикмат	153
«Икки хил сиғиниб бўлмас...»	153
Половонлар юрти	154
Сизга	155
Дунё масали	156
Таклифнома	157
Тилак	157
Франкфурт сафари	158
Айирбош	161
Ким нима бўлади? (болаларга)	162
Қадрдонлар	163
На керак?	164
«Жайрон ҳам жозибдир...»	166
«Шеърият, сен абадий...»	166
Маслаҳат	167
Дуо сўраб	169
Денов манзумаси	171
Еғоч сўри	175
Худога топширдим	177
Тўполондарё билан хайдлашув (достон)	179

Найсоним ватан

Ватан	207
Нааэрўэ қўшири	211
Устоди авнал	213
Ватан абадий	214
Инсонийлик	216
Жону дилим	217
АЗИМ чинор	218
Хижолатлик	220
Тариқат тупроғи	221
Бозор иқтисодиёти ва шеър	222
Шоир бўламан деб келган болалар	223
«Мен ўзбекнинг бир штатсиз шоири...»	226
Болаликни қўмсаш	227
«Сингилларим, бинафшажонлар...»	229
Буюк шоирлар	230
Шоир бўлмоқ	231
Кетиш қўшиғи	233
Қушлар олами (болаларга)	235
Хоразмча	236
Қўшиқ	237
Тотлисаннинг қўшиғи	238
Кор ёғди	239
Зиёрат	240
Лайлакқор ва одамаод ривояти	241
Онамнинг калишлари	247

Кирқ бахор ривояти	249
Ватан надир	250
Ватан озода бўлсин	252
Кисқа сатрлар	253
Чопонга ҳазил қасида	255
Усто Тожиддиннинг сандиқлари	256
Ажаб дунё	258
Эй ой	259
Борда	259
Бахор оқиоми	259
Сенинг бир холинг	260
Икки юлдуз	260
2000 йил шеъри	260
Эгаси бор юрт	262
Баришлов	263
Мир Алишер	265
Эҳтиром	265
Мангу номлар	268
Соҳибқирон ҳайкали пойита ёзув	269
Тошкентта багишловлар	269
Термиз шаънига	271
Бир соғинч	272
Армон	274
Ўзингта ҳанола	275
«Таҳтани таҳтадан тежаб...»	275
Келиб кетмоқ	277
Таҳлил ва таҳрир	278

Сүз ауди

Үрганинг	280
Нон иси	281
Хаёт күшиги	283
Ватан десам	284
Бу — сенинг уйингдир...	285
Инсон	290
Она юрт	291
Ой изидан	293
Гилослаб	294
Сүэ йўли	295
Соринч торлари	297
«Менинг шеърим нима?»	298
Шеърият	300
Марсия	302
Тўрт сўз	307
Чумолига ҳазил	308
Мехо	310
Айвондаги мусича	311
Ватанни англаш	312
Навоийни ўқиши	314
Навоий турғилган кун	316
Тарих	316
Шам	317
Декон мадхияси	318
Уйғоқ йўллар	320
Узилган торлар	320
Мұхаббат кошонаси	322

Оқ ёқалар	323
Ёмғирлар ва күзёшлар	324
Баҳор Сурхондан бошланар	325
Минг йиллик ҳадислар	331
Нечун биз дунёда	335
Такрор	339
Ёплик. Баҳор. Мұхаббат.	341
Совфа	342
Элликқалъя ташбеҳлари	343
Жүтрофия	344
Интернет	345
Нечун?	347
Мархумлар	348
Ҳилол	349
Буюк ипак йўли	349
«Мен кўнглимни гулга бердим...»	351
Умр	353
Кулча	354
Қурбонлик кўй	355
«Тафаккур» журналига	358
Менинг уч хушкабарим — Ёшлиқ. Баҳор. Мұхаббат	
(«Туркистан» газетаси саволларига жавоблар)	359
Йиллар ва китоблар	371

СИРОЖИДДИН САЙЙИД

СҮЗ ЙÜЛИ

1-жилд

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳдирияти
Тошкент — 2008

Мұхаррір *A. Ахмедов*
Рассом *О. Жүлдашева*

Бадий мұхаррір *Ф. Башарова*
Техник мұхаррір *Р. Бабохонова*
Мусаххұлар: *H. Охунжанова, Ш. Хуррамова*
Сахифаловчи *Л. Бацева*

Теришга берилди 11.08.2008. Босишига ружсат этилди 20.09.2008. Бичими
70x108¹/₃₂. «Академия» гарнитурасы. Оффсет босма. Шартли босма табори
16,8. Наширёт-хисоб табори 14,3. Алади 3000. Буюртма № 4845. Баҳоси
келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**